

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

А. +одирий номли Жиззах Давлат
педагогика институти

«Педагогика» факультети «Психология» кафедраси «Педагогик-психология» фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Жиззах 2006-2007 ўқув йили

Аннотация

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини жаҳон микёсида йил сайин барқарорлаштириб борар экан, унинг истиқболи бугунги аваднинг, билимдон, маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишига боғлиқдир. Бу ўринда инсон руҳияти қонунларини урганувчи психология фани алоҳида аҳамият касб этади. Инсонни жамиятимиз учун тўлақонли, фаол, баркамол шахс сифатида шакллантириш, самарадорлигини янада оширишда психология илми ва унинг амалиётда тўғри йўналишга эга бўлиши жуда муҳимдир,

Мазкур маъруза матни айти шу тамойиллар замирида педагогика олий ўқув юртларида психология фанларини ўқитиш «Психология» фани дастурлари асосида яратилган.

Маълумки, педагогик психология курси психология илмининг муҳим тармоғидир.

Педагогик-психология - таълим ва тараққиётнинг ўзаро боғлиқлиги, таълимнинг тузилиши, ўқувчиларнинг ўқиш ва билиш фаолиятини шакллантириш ҳамда тарбия психологиясининг таълим-тарбия жараёнида ўқувчи шахсини баркамол инсон сифатида шакллантириш каби муҳим муаммоларни тадқиқ этади. Бунда, ўқув-тарбия жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, замонавий таълим-тарбия назариясининг вазифалари, унинг этнопсихологик хусусиятлари ҳамда улар томонидан ёритилган шахс тараққиётини бошқариш имкониятлари ўрганилади.

Унинг муҳим вазифалари - талабаларда психологик-педагогик вазиятларни самарали режалаштира олишга, ақлий ва шахсий тараққиёт билимларини унумли эгаллашга, турли ёш даврларида психик тараққиёт қонунларини тўғри ёқлаб, психоташхис тадқиқотлар олиб боришга, ўқувчиларга индивидуал ёндаша билишга, бола психикаси тараққиётида турли нохуш ҳолатларнинг олдини ола билишга, ота-оналар, ўз ҳамкасблари ва болалар билан маданиятли муомалада бўлишга, психологик назокатни тўғри шакллантириш каби муаммоларини ижобий ҳал этишга қаратилган.

Педагогик психология курси умумий психология, фалсафа, педагогика, ёш физиологияси ва бошқа фанлар билан ўзвий боғлиқдир. Уни ўрганиш жараёнида компьютер техникаси, ақлий тараққиёт тестлари ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилади.

Мазкур маъруза матни психология кафедрасининг профессор-ўхқитувчилари томонидан тузилган бўлиб, унда психология фанлари бўйича бир қатор ўқув қўлланмалардан ва етук олимлар профессор М.Г.Даваешин, психология фанлари номзоди Ш.Дўстмухамедова, психология фанлари номзоди М.Маваонов, психология фанлари номзоди С.Тўйчиеваларнинг фан бўйича олиб борган бир қатор ишларидан фойдаланилди.

Ушбу маъруза матни педагогика олий ўқув юртларининг бакалавр йўналишидаги талабаларига мўлжалланган.

Тузувчилар:

каф.муд.доц.Ё.Р.Алимқулов

Ўқитувчилар: **Камолова Ш**
Ражабов О

Тақризчилар: **Доц.Абдурасулов Р**
Проф.+одиров Б.Р

УМУМИЙ СОАТ	- 34
МАЪРУЗА	- 16
АМАЛИЙ МАШ/УЛОТ	- 18

Маърузалар матни «Психология» кафедрасининг

26 август 2006 йил йиғилишида муҳокама қилиниб

маъқуланган.

1-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИГА КИРИШ

РЕЖА

1. Педагогик психологиянинг предмети ва вазифалари.
2. Педагогик психологиянинг принциплари.
3. Педагогик психологиянинг методлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Педагогик психология асослари В.А.Крутецкий. Т.ўқитувчи-1976й
2. Ёш психологияси ва педагогик психология М.Г.Давлетшин.Т.ўқитувчи-1974й

Педагогик психология ўқитиш ва тарбиянинг психологик асослари ҳақидаги фандир. Бунинг маъноси шуки, педагогик психология ўқувчилар томонидан билим иктидор ва малакаларни ўзлаштиришнинг психологик қонуниятларини ва шунингдек уўқув–тарбия жараёнида ўқувчилар шахсининг таркиб топишини ўрганадиган фандир.

Педагогик психология ўқувчилар шахсига уўқув тарбия ишлари соҳасидан қўйиладиган талабларни психологик анализ қилиб беради. Бу Фан ўқувчиларда турли касбларга моилликни тарбиялайди. Бошқача қилиб айтганда ,энг олдин уларни ўқитувчи фаолиятига қизиқишга ,болаларни севишга ўқувчилар шахсининг таркиб топишига актив таъсир қилиш учун болани ўрганишга ,унинг психикаси хусусиятларини билиб олишга йуналтиради.

Бу борада, айниқса, педагогик психология бирмунча улкан ютуқларга эришди. Педагогик психологиянинг таълимни янги -мазмунда жорий қилиш юзасидан сўнгги йилларда қўлга киритган ютуқлари бунинг яққол далили бўла олади. Маълумки кейинги ўн йил мобайнида мамлакатимиздаги барча таълим тизимларида таълим ишларининг мазмуни тубдан ўзгарди. Таълимнинг экспериментал равишда текширилган янги усуллари (масалан, муаммоли интерфаол таълим методлари} кенг жорий қилинмоқда.

Педагогик психология - психология илмининг тармоғи сифатида, таълим ва тарбиянинг шахсга самарали таъсир этувчи омиллари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Болалар ва ёшларнинг мактабдаги ҳамда таълим-тарбия муассасаларидаги фаолият ва хатти-ҳаракатларининг психологик қонуниятларини ўрганувчи педагогик психология икки фанни, яъни психология ва педагогика фанларининг тўташган жойидан ўрин эгаллагандир. Педагогик психологиянинг *предмети* мактабда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал тафовутларни, ўқувчиларда фаол, мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятларини тадқиқ этишдир. Шунингдек, педагогик психология таълим-тарбиянинг таъсири оқибатида ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни, ўқув материалларининг ўқувчиларнинг ёш даврларига мос келишини, турли таълим

методларининг психологик жиҳатдан самарадорлигини, дарсликлар, ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар ва мактаб ишларининг тартибига нисбатан бўлган психологик талаблар каби муаммоларни ҳам педагогик психология ўрганади,

Ҳозирги вақтда педагогик психологиянинг муҳим вазифаларидан бири - мактабдаги таълим жараёнини янада такомиллаштиришнинг психологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу ҳол янги таълим дастурига утиш муносабати билан боғлиқдир. Педагогик психология шу билан бирга ўқувчилар шахсининг таркиб топиш жараёнини турли тарбиявий тадбирларнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини ўрганади ҳамда ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик асосларини тадқиқ этади.

Шунингдек, «Педагогик-психология» таълим ва тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлган - ўқитувчи шахсини, унинг педагогик фаолият хусусиятларини ҳам ўрганади. Бунда ўқитувчининг таълим-тарбия ишларидаги ютуқларни таъминловчи сифатларига урғу бериш билан бирга, унинг билим, кўникма, малака ва қобилиятларининг таркиб топиши ҳамда тараққиётининг психологик жараёнлари аниқланади.

Педагогик психология ўқитиш ва тарбиянинг асосини ўрганиб ва ишлаб чиқиб, ўқитишнинг ва тарбиянинг мазмунини ташкил қиладиган барсликларга ва турли уўқув қуролларига бўлган талабни аниқлаш ўқитиш ва тарбиянинг рационал ва самарали методларини топиш, ўқувчиларнинг билимларга этикоб қилишига эришиш қонуниятларини очиш; ўқувчиларни меҳнат ва ижтимоий фаолиятга тайёрлашнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш каби масалаларни тўғри ҳал қилиш имкониятига эгадир.

Педагогик психологиянинг вазифасига, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабати, ўқитувчи шахсига нисбатан қўйиладиган талабларни ўрганиш ўқитувчилик қобилиятининг мазмуни ва унинг таркиб топишини очиб бериш ва бошқа масалаларни ўрганиш ҳам киради.

Педагогик психология мактабда ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан билим ва малакаларни эгаллашнинг қонуниятларини ва тарбия жараёнларида бола шахсининг таркиб топишини ўрганади.

Ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик қонуниятларини ўрганиш педагогик психологиянинг предметини ташкил қилади. Бу Фан ўқувчилар тафаккурини шаклланишини текширади. Ўзлаштириш жараёнини идора қилиш, ақлий фаолият усуллари ва малакаларининг таркиб топиш муаммоларини ўрганади. Ўқитиш жараёнининг ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатнинг, ўқувчилар жамоасидаги ўзаро муносабатларнинг мувафоқиятли бўлишига таъсир қиладиган психологик факторларни аниқлайди. Ўқувчиларнинг психологик таффоввутини болалар билан олиб бориладиган уўқув-тарбия ишларининг психологик хусусиятларини ўрганади.

Психологияни билиш тарбия ишларида ҳам зарурдир. Шахс таркиб топиши жараёнининг психологик қонуниятларини, жумладан, ахлоқий одатлар ва ишонч-этикод таркиб топишининг қонуниятларини билмай туриб, тўғри тарбия бериш мумкин эмас.

Ёш психологияси болаларнинг, ўсмирларнинг ва успиринларнинг психик тараққиёти умумий қонуниятларини, психий тараққиёт босқичларини, ҳар бир ёшнинг психологик хусусиятларини ўрганади. Ёш психологиясининг асосларини билмай туриб, таълим ва тарбиянинг ҳеч қандай назарий ҳамда Амалий масалаларини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди.

Педагогика билан педагогик-психология ўртасида яна ҳам мустаҳкам ва ажралмас алоқа бордир. Болалар ва ёшларнинг мактабдаги ҳамда бошқа таълим тарбия муассаларидаги фаолият ва ҳатти ҳаракатларнинг аниқ турларини ўрганувчи педагогик психология икки фаннинг, яъни психология ва педагогика фанларининг туташган жойидан урин олгандир. Педагогик психология мактабда билимларни, қуликма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини ўрганади.

Педагогик психология таълим тарбия таъсири билан ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни ҳам ўрганади. Бундан ташқари, ўқув материалларининг ўқувчиларга мос келиши, турли таълим методларининг психологик жиҳатдан самарадорлиги, дарсликлар, ўқув қуроллари, асбоб ускуналар ва мактаб ишларининг режимига нисбатан бўлган психологик талаблар каби муаммоларнинг ҳаммасини ҳам педагогик психология ўрганади.

Педагогик психология шу билан бирга ўқувчилар шахсининг таркиб топиши жараёнини, бу жараённинг умумий қонуниятларини ва индивидуал фарқларини, турли тарбиявий тадбирларининг ўқувчиларга қурсатадиган таъсирини ўрганади ҳамда ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик асосларини текширади. Нихоят, педагогик психология таълим тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлган ўқитувчи шахсини ва ўқувчи меҳнати хусусиятларини ўрганади.

Психик жараёнларнинг зохир бўлиши ташқи таъсирларнинг акс этирилиши деб тушунилади ва шунинг учун объективлик принципига риоя қилгандагина бу жараёнларнинг табиатини, бирор бир психик жараён қонуниятларнинг вужудга келиш сабабларини англаб олиш мумкин бўлади. Амалий ҳаётда одамларнинг ақлига, туйғу –ҳисларига хоҳишлари ва характер ива қобилиятларига уларнинг ўзлари ҳақидаги гапларига қараб эмас балки уларнинг ҳатти-ҳаракатларига, уларнинг бажарган ишларига қилиқларига қараб баҳо берамиз.

Бу принципни қўллаганимизда шуни эсда тутушимиз керакки, одамнинг психик хусусияти ва ҳолати ташқи муҳит таъсири асосида жуда мураккаб ўзгаришга учрайди. Бошқача қилиб айтганда, ташқи муҳитдан келаётган бир хил таъсирот ўқувчиларда турли қуринишдаги жавоб реакциясини бериш мумкин.

Шундай қилиб педагогик жараёни ўрганишда ўзаро боғлиқлик ва бир-бирига алоқадорлик принципи ўқувчи ҳаёт ва фаолиятининг ташқи шароитларини ҳисобга олишни, ўқувчиларнинг бирор бир психик хусусиятига асос бўладиган сабабларни аниқлашни, ташқи таъсирот ҳар бир одам психик хусусияти ва психик ҳолатининг ўзига хос равишда турлича ўзгаришига сабаб бўлишини тушуниш зарур эканлигини талаб қилади. Демак, ривожланиш принципи ҳам асос қилиб олиниши керак бўлган принципдир.

Ўқувчи ўқитишнинг ҳар бир поғонасида усадиган ва аста секин ривожланадиган шахсдир. Ўқувчи ҳар бир ёш даврида ва ўқитишнинг маълум поғонасида ўзининг жисмоний ва ақлий, эмоционал ва иродавий ривожланишида сезиларли даражада мувофоқиятга эришади ва у билан бирга, шахс сифатида ўсишида ҳам бирор бир ўзгаришга эришади. Бола ривожланишда давом эти бунда нимадир маълум шаклга Кира боради. Унинг психик ўсишида Янги хусусият пайдо булла боради. Яна қандайдир хусусият таркиб топа бошлайди. Ана шу Янги хусусият катталар томонидан қўллаб юборишга мухтож бўлади. Бундай қўллаш унга актив рағбатлантирувчи омил бўлади. Бинобарин, ўқувчининг ривожланишига доимий раҳбарликгина у ўқув тарбия ишида ўқувчи билан перспектив муносабатда бўлиш имкониятини вужудга келтиради. Агар ўқувчи олға интилмаса ҳар бир ўқувчининг ўсишини олдиндан кура билмаса, у ўқув тарбия ишларини мақсадга мувофиқ равишда ташкил қилиб бўлмайди.

Нихоят, психологик илмий тадқиқот принципларидан Яна бири шахсни ўрганишнинг аналитико-синтетик принциpidир. Ҳар бир кишининг психик уклади, психик тарзи, жуда хилма хил ва мураккабдир. Турли ҳаёт шароитларида атрофдаги нарсалар билан бўладиган турлича муносабатларда, ҳар хил фаолиятларда ҳар-бир одамда Янги хусусият ва сифатлар очила боради. Шу билан бирга, ҳар бир одамнинг психик кифоаси ўзининг барча томонлари билан бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда бутунбир киши сифатида бир шахсни ташкил қилади. Одамнинг алоҳида хусусиятлари қандай қуринишда ифодаланмасин, барибир одамда конкрет одамга хос қайтарилмайдиган қандайдир умумийлик мавжуддир. Шунинг учун ҳам шахсни унга аналитико – синтетик муносабатда бўлиш орқалигина объектив равишда ўрганиш мумкиндир.

Педагогик психология фанининг методлари.

Педагогик психологиянинг тадқиқот методлари билан танишиш мактаб раҳбарлари ҳамда ўқитувчиларига Амалий жиҳатдан ҳам фойдали бўлиши мумкин. Бу методлар факат хусусий илмий тадқиқот ишлари учунгина эмас, балки Амалий таълим тарбия мақсадаларида болаларни чуқурроқ ўрганишни ташкил қилиш учун ҳам яроқлидир. Таълим-тарбия ишларида индивидуал муносабатда бўлиш ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини, тарбиявий таъсир кўрсатишда энг мақсадга мувофиқ ва энг самарали методлар, усуллар ва шаклларни танлашга асос бўладиган ўқувчилар шахсининг ўзига хослигини яхши билиш ва тушунишни таъмин қилади.

Таълим тарбия ишларини тўғри ташкил қилиш учун педагогик психологияда қўлланадиган тадқиқот методлари билан таниш бўлиш лозим. Бир-бирин ўзаро тулдирувчи ва назорат қилувчи бу методлар куйидагилардан иборатдир. Кўзатиш, суҳбат методи, интервью, турли хилдаги ва турли типдаги экспериментлар, ўқувчиларнинг фаолиятлари натижаларини ўрганиш ҳамда анкета методлари.

Асосий методлардан бири кўзатиш методидир. Равшанки, психикани бевосита кўзатиб бўлмайди. Инсон шахси, унинг психикаси фақат фаолиятда, ҳаракатларда ва кенг маънода олганда хатти-ҳаракатларда ифодаланади. Кўзатиш методи ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш орқали улар психикасининг индивидуал хусусиятларини воситали билишни такоза этади.

Кўзатишни куидаги принципиал коидаларга асосланган холда ташкил қилиш керак:

1.Ўқувчиларни таълим ва тарбиянинг табиий шароитларида кўзатиш ҳамда ургатиш лозим. Ўқувчиларни ана шундай тарзда ўрганиш уларга индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган холда,психологик жихатданасосланган индивидуал тарбиявий таъсиркўрсатиш усулларини ташкил қилиш ҳамда планлаштиришнинг зарурий шартларидандир. Ўқувчиларни ўрганиш фақат яхши таълим ва тарбия бериш учунгина эмас, балки уларни тарбиялашпроцессида ўрганиш ва ўрганиш процессида тарбиялашучун зарурдир. Шундай қилиб, ўқувчиларни ўрганиш, таълим-тарбия ишларидан ажралган холда эмас, балки таълим-тарбия ишлари Билан органиқ бирликда амалга оширилиши керак.

2.Ўқувчини инсон шахсининг яхлитлиги принципига асосланган холда, яъни аналитик-синтетик нуктаи назардан кўзатиш лозим. Бу мураккаб психологик бирикмани психологик анализсиз ўрганиб ва тушуниб бўлмайди. Шу сабабли ўқувчини унинг шахсини анализ қилмай шахсининг айрим томонларини айрим ҳислатларини ва ташқи хусусиятларини билиб олмай туриб ўрганиб бўлмайди.

Лекин ўқувчи шахсининг айрим хусусиятлари яхлит бир бутун шахсининг мухити доирасида қараб чиқилиши лозим. Масалан ,катъийлик, дадиллик танкидийлик каби ҳислатларни шахсининг хусусиятлари (масалан шахсининг йўналиши)Билан боғламай анализ қилиб бўлмайди.

Ўқувчи шахсининг намоён бўлишининг жуда кўп томонлари орасида асосийларини ,ҳал қилувчиларини ,етакчи ҳислатларни топиб ,кўрсатиб бериш лозим. Ўқувчини ўрганишда унинг шахсининг яхши томонларини кўрсатиб бериш таълим ва тарбия ишларида таяниш мумкин бўлган ,ривожлантириш керак бўлган ижобий томонларни топиш лозим бўлади.Одамдаги яхши ҳислатларни кура билишгина эмас,балки унда яхши ҳислатларни тугдира билиш ҳам жуда муҳимдир .Педагог бу ишни қила билишга мажбурдир,деган эди А.С.Макаренко.Аммо педагог нималарга барҳам бериш нималарни йукотиш ва қайта тарбиялаш кераклигини ҳам кура билиши шарт .

3. Шахсни катъий объектив материал –объектив ифодаланган курсаткичлар ,текшириб кўриш мумкин бўлган фактлар асосида ҳар томонлама билиш мумкин.Ана шу юқоридаги объектив курсаткичларни изохлаш ва баҳолашда янглишиш ва субъективизмга ,озгина миқдордаги фактларни юзаки анализ қилиб .биринчи тасаввурларга ёки интуиция деб аталган нарсага асосланиб шахснинг хислатларини аниқлашда шомашошарлик қилишга йўл қуйиб бўлмайди.Бундай кундалик режали системали кўзатиш натижаларидан олинган ва текшириб қурилган конкрет фактларга асосланиш зарурдир

4.Ўқувчи шахсининг хусусиятларини тушуниш учун уларни шахс шаклланадиган шароитлар ва теваарак атрофдаги муҳит билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда қараб чиқиш лозим.Шахсдаги маълум хусусиятларнинг намоён бўлиши сабабларини аниқлаш зарур .Масалан ,қайсарлик кўпол муносабатга қарши норозилик тариқасида юзага келган хислатми ёки ортиқ эркалатиб юбориш натижасими буни билиш жуда муҳимдир.

5.Буни бир мунча ўзок вақт мобайнида ўрганган ҳолда ,шахс хусусиятларини унинг тараққиётини ва динамиқасида қараб чиқиш лозимдир.Хаёт шароити ва фаолияти ўзгариши муносабати билан шахс ривожланиб ўзгариб боради .Бунда фақат ўқувчи шахсининг тараққиёт тарихинигина ўрганиб қолмай балки бу тараққиётнинг тенденциясини тушуниш ва нималар йук бўлиб бораётганлигини ,нималар усаётганлигини қура билиш лозим .Масалан,ўқувчида кўполлиқ каби салбий хусусиятнинг йуқолиб бораётганлиги ёки ривожланаётганлиги ,ёки ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш каби ижобий хислатларнинг йуқолиб бораётганлиги ёки ривожланиб бораётганлиги биз учун мутлақо бефарқ нарса эмас.

6. Ўқувчини жамоада ва жамоа аъзоси сифатида ўрганиш лозим. Айримўқувчини ўрганиш жамоа хусусиятларини ўрганиш билан бирга олиб борилиши керак . Одам ҳамиша жамоанинг бир қисми ҳисобланади. Агар ўқувчи аъзо бўлган ва ўз тасири остида ўқувчи шахси таркибу топадиган яқин ижтимоий муҳит ,жамоа оила синф гуруҳ ва шунинг қабилар яхши ўрганилмаса бундай пайтда ўқувчининг шахсига доир кўп томонларни ҳам тушуниб бўлмайди.Чунки шахс хусусиятлари кўп жиҳатдан мазкур жамоа хусусиятлари билан аниқланади.Бироқ шахсга жамоа таъсирининг пассив маҳсулоти сифатида қараб бўлмайди.Шахс активдир ва ўз навбатида жамоага таъсир қилади.

7. Кўзатишдан яхши натижалар олиш учун ,шахснинг хислатлари турли ҳилда намоён бўлишини назарда тутиб ,уларни турли шароитларда режали ва системали тарзда қун сайин ўрганиш керак .Бу ўқувчининг ҳатти –ҳаракатларида юз берган ўзгаришларни били шва қўлланилган метод ҳамда усулларнинг самарадорлигини аниқлаш имқонини беради.Психолог ўқувчи амалга оширадиган маълум иш ҳаракатларнинг фақат вазиятини ва шароитинигина эмас ,балки ўқувчининг ҳолатини ҳам жиддий равишда эътиборга олади .Ўқувчи одатдан ташқари

вазиятда ўзининг характер хислатларига мутлақо мос бўлмаган хусусиятларни намоён қилиши мумкин.Эхтимол ўқувчининг оиласида қандайдир алохида шароит содир бўлган бўлиши мумкин .Саломатлик ҳолати ,кайфияти, толиқиш даражаси ҳам ўқувчи шахсининг намоён бўлишига таъсир қилиши мумкин.Ўқувчининг устидан махсус кўзатиш олиб борилаётганини сездирмаслик баъзан жуда муҳимдир,чунки у сезиб қолса ,бу нарса ўқувчи шахсининг табиий равишда намоён бўлишини сиқиб қўйиши мумкин.Нихоят шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки ўқувчига баҳо бериш учун унинг ҳам ижобий ,ҳам салбий хатти-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эгадир.Аммо ўқувчининг хатти-ҳаракатларидаги қарама-қаршилик ва мантиксизликни қайд қилиш билан бирга типик бўлмаган ,тасодифий хислатларни характерли , сингиб кетган ,типик хислатлардан ажрата билиш керак.

Ўқувчини кўзатиш ва ўрганиш ишларини у Бирон конкрет фаолият формаси билан банд бўлган пайтда ўтказиш муҳимдир.Ана шундай конкрет фаолият формаларига даставвал мактаб ва оиладаги ўқиш ва меҳнат фаолияти синфдан ташқари ва ижтимоий ишлар шунинг билан бирга уйин фаолияти киради.Ўқиш ва меҳнат фаолиятида ўқувчининг шахси таркиб топади ва унинг шахсий хислатлари очила боради.Бундай фаолият давомида ўқувчи шахсининг муҳим ҳал қилувчи аҳамиятга бўлган хислатлари (уртоқлик,дустлик, ,бурч ва масулият хислари)юзага келади.,ўқувчи шахсининг қизиқишлари уларнинг йўналиши,чуқурлиги ва барқарорлиги аниқ шаклланади ва намоён бўлади;ўқувчи шахсининг иродавий хислатлари (мақсадга интилиш ,мустақиллик ,катъийлик ,ўзини тута билиш) шунинг билан бирга меҳнатсеварлик ,ташаббускорлик ,пухталиқ, ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиши каби хислатлари ҳам таркиб топади.

Уўқувчии шахсини ,жумладан ,уларнинг қизиқишларини ўрганишда синфдан ташқари ишлар катта имконият яратади.Ўқувчиларни ижтимоий иш жараёнида кўзатиш жуда муҳим.Бунда ўқувчиларнинг жамога бўлган муносабатларини ,масалан, жамоа олидида ўзларининг масъулиятларини сезишларини ,уларда уртоқлик хиссининг қандай ривожланганлигини ,ўз жамоасининг ютуқ ва мувафқиятсизликларини қандай ичдан кечиришларини кўзатиш мумкин.

Ўқувчинининг уйдаги мсехнат фаолиятини кўзатиш муҳим аҳамиятга эгадир .Ўқувчи уйда ўз вазифаларига эгами ёки йукми ,у уй вазифаларига қандай муносабатда бўлади ва уларни қандай бажаради .Кичик мактаб ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини уйинда кўзатиш мумкин ,бунда боланинг жамоа ва индивидуал, осойишта ёки ҳаракатли уйинлардан қай бирини афзал кўришлигига, уйинни охиргача олиб бориш ёки бормаслигига, уйиндаги ютуқларига, муваффақиатсизликларига ва шунинг қабиларга қандай муносабатда бўлишига эътибор бериш керак.

Ўқувчининг ўқитувчиларга, уртокларига бўлган муносабатлари ифодаланадиган кундалик хатти-харакатларини кўзатиш кимматли материал беради: бунда ўқувчининг одамларга бўлган муомаласида одоблилиги ва хушмуомалалиги ёки кўпол ва курслигига, уртокларининг ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, танбехлари, жазо чоралари, маъқўллашлари ва шунинг кабиларга қандай қарашига эътибор бериш лозим.

8.Ўқувчилар шахсининг ташқи жихатидан намоён бўлишини ўрганиш Билан бирга, улар амалга оширадиган хатти-харакат мотивларини (харакатга ундовчи сабабларни) тўғри тушуниш зарур. Ташқи жихатдан ухшаш ҳаракатлар турли мотивлар асосида амалга оширилиши мумкин, улар шахснинг турли ҳислатларида намоён бўлиши мумкин. Масалан, агар ўқувчи мажлисда ўз уртогининг ноҳуя хати-харакатини қоралаган бўлса, бу нарса ҳама вақт ҳам ўқувчининг юксак принципиаллиги натижаси бўлавермайди. Бу нарса масалан, ўқитувчининг маъқўллашини эшитиш, ўзини кўрсатиш хоҳишининг ифодаси ёки айбни бошқага тунқаб, жазолашдан қутилишга интилиш ёки ҳатто уч олиш мақсадида қилинган бўлиши мумкин.

Фақат ўқувчини маълум хатти-харакатга ундаган мотивни билган ҳолдагина бу хатти-харакатга тўғри баҳо бериш мумкин.

9.Шахсни билиш учун ўқувчилар нутқини кўзатиш ҳам маълум аҳамиятга эгадир. Ўқувчи сергапми ёки камгапми, кизгин қапирадими ёки бепарволик Билан гапирадими, оддий равишда гапирадими ёки дабдабали гапирадими, қандай мавзуда гапиришни яхши қуради, қандай ибораларни ишлатади? Нутқнинг анна шу хусусиятлари базан одамнинг бепарволигини, кўполлигини, совуқлигини ёки аксинча, сезгирлигини, юмшоқлигини, самимийлигини жуда Еркин кўзатиши мумкин.

Ўқувчига бериладиган характеристикани унинг ташқи киёфасини кўрсатиш Билан тулдириш мумкин. Масалан, ўқувчининг кастюми, имо-ишоралари, мимикаси унинг характерида камтаринлик ёки такаббурлик каби ҳислатларнинг борлиги ҳақида фарас қилиш учун асос бўлади.

Ўқувчи шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларини тушуниш учун унинг Билан ўтказиладиган интервью ва суҳбатлар жуда кўп маълумот беради (шунингдек, ўқувчи ҳақида бўладиган суҳбатни уни яхши биладиган одамлар – ота-оналари, ўқитувчилари, тарбиячилари ва уртоклари Билан ўтказиш мумкин). Бу суҳбатлар ўқувчининг ҳаётӣй фактларга, бошқа кишиларга ва ўзининг хатти-харакатларига бўлган муносабатларини намоён қилишга ёрдам беради.

Суҳбат илмӣй ттадқиқот методи сифатида қуйидаги принциплар асосида тўзилади: а) ттадқиқотчи ўқувчига ишончсизлик ёки эҳтиёткорликҳолатини туградиган бегона, ўзок одам бўлиб қуринмасликка интилиши керак, ттадқиқотчи Билан ўқувчи ўртасида ўзаро ишонч, хайрихоҳлик ва самимийлик вазиятидаги муносабатлар урнатилиши лозим; б) суҳбатни қандайдир алоҳида текшириш ёки савол анкеталарига жавоб олиш характериға айлантирмай, максимал

даражадаги табиий шароитда, жонли ва бамайлихотирлик Билан ўтказиш зарур; в) сўзбат ўтказиш куникма, малакат ва тактни талаб қилади; суҳбат ўтказишга албатта таёрланиш зарур: суҳбатнинг мақсадини аниқ тасаввур қилиш керак, унинг планини олдиндан белгилаб олиш керак, тахминий саволларни олдиндан уйлаб олиш керак (бир хил саволлар ўқувчига билдирмасдан бошқа саволларни назорат қилиши керак), суҳбат ўтказиладиган конкрет шароит ва вазиятни суҳбатлашилаётган ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда суҳбат шаклини аниқлаш керак.

Сўнгги йилларда психологлар ўқувчиларни оммавий равишда ўрганиш имконини берадиган анкета методини кенг миқёсда қўллай бошладилар. Бу ерда асосий кийинчилик саволларни тўғри танлашдан иборатдир. Саволлар аниқ, равшан, тушунарли, у ёки бу жавобни билдирмайдиган, бир маъноли бўлиши керак. Битта саволга берилган жавобни ҳудди шу саволга ухшаган яширин саволларга берилган жавоблар Билан назорат қилиб бориш зарур.

Қўшимча материални ўқувчилар ижодий фаолиятларини маҳсулотини анализ қилиш натижасинида олиш мумкин, чунки бу ерда ҳам ўқувчининг воқеийликка бўлган муносабати намоён бўлади. Бундай фаолият самарасини анализ қилишга болаларнинг ишлаган расмлари, чизган чизмалари, қўрган техник конструкциялари ва хусусан (« менинг орзуим »; « менинг энг яхши қўрган қахрамоним »; « ўз характеримни тарбиялаш устида мен қандай ишламоқдаман » вап шу каби) эркин мавзуда ёзган иншоларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, фаолият самарасини анализ қилишга ўқувчиларнинг турли фанлар бўйича тўтган дафтарларини ва шунинг Билан бирга, агар қўлга киритишимконияти бўлса, ўқувчиларнинг шахсий кундаликларини ўрганиш ҳам киритиш мумкин. Ўқувчи шахсини билиш учун фақат унинг фаолият маҳсулотининг мазмуни эмас, балки шакли ҳам (масалан, ёзма нутқининг услуби ҳам) муҳимдир.

Суҳбат, анкета ва турли иншолар психологик жиҳатдан одамнинг ўзидан ўзи ҳақида ёзма ва оғзаки маълумот олиш усулидир.

Мана шу ҳолатларнинг ҳаммасида ўқувчининг ўзи ўз фикрлари, ишонч ақидалари, қарашлари, ҳиссийти ички кечинмалари, теварак-атрофдаги ҳаёт ҳодисаларига бўлган муносабатларини (тупа-тўғри ёки бошқача бир йўл Билан, билвосита) ифодалаб беради.

Сўнгги пайтларда болалар жамоасини ўрганишда социометрик метод деб аталган методика қўлланила бошлади. Бу метод жамоанинг йўналишини жамоа ичидаги ўзаро муносабатларни, жамоадаги кичик груҳларнинг ва унинг айрим аъзоларининг мавқеини аниқлашга ёрдам беради. Ташқаридан қараганда бу метод жуда соддадир. Масалан, жамоанинг ҳар бир аъзоси индивидуал равишда, ўзининг номини айтмаган ҳолда қуйидаги саволларга ёзма жавоб беради. Ўз синфингдаги ўқувчи одамнинг номини бир чеккадан тартиб Билан ёз, сен улар Билан: А) Бир партада ўтиришни Б) лагерда бита палаткада яшашни В) уларнинг звено бошлиғи бўлишни Г) Улар

Билан бирга ижтимоий ттопшириқларни бажаришни ва шунинг кабиларни хохлармидин ёки хохламасмидинг.Бу саволларнинг статистик жихатдан ишлаб чиқилиши синфда (хар ёкурсаткичлар буйича) энг номи чиккан ўқувчиларни , яни ўзига яраша етакчиларни ва жамоадан чикиб колган синфда мутлақо номи чикмаган ўқувчиларни билиб олиш хамда жамоада қанча кичик грухлар борлигини ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш имконини беради.

Психологияда синалган методлардан бири эксперимент методидир.Педагогик психологияда экспериментнинг икки асосий тури табиий ва лаборатория экспериментлари қўлланади.Экспериментда ттадқиқотчи психиканинг ўзини қизиқтираётган томони қандайдир вазиятда намоён бўлишини кутиб утирмайди.Балки психиканинг томонлари намоён бўлиши учун тегишли вазиятни ва каттий хисобга олинадиган шароитларни ўзи яратади .Агар бу шароитлар ўқувчи хаёт ива фаолиятининг одатдаги ,табиий шароитлари булса ,у холда бу табиий эксперимент бўлади.Лабаратория эксперименти махсус равишда ташқил қилинган ваъмаълум манодаги суний шароитларда ўтказилади.Кўп одамлар лабаратория эксперименти хамиша факат махсус жихозланган хоналарда мураккаб техник асбобларни қўллаш Билан ўтказилади,деб янглиш уйлайдилар.Педагогик психологияда табиий екстериментнинг икки тури – аниқловчи (таъкидловчи) ва ўзгартирувчи турлари қўлланилади.Биринчи турида тадкикодчи ўз олдиға фактик холатни аниқлашни ,яъни психика намоён бўлишининг у ёки бу холатини ,шахснинг у ёки бу хислатларини ёки психик жараёнлар ўтишининг индивидуал хусусиятларини (уларнинг бор ёки йуклигини, турли даражада ифодаланишини) аниқлашни мақсад қилиб куяди.Масалан,психологик Т.И.Агафонов катъийлик ва дадилликнинг намоён бўлишини ўрганиш учун синаб кўриш типидаги табиий экспериментни мофакиятли қўллаган.Ўзгартирувчи қайта курувчи ,(таълим берувчи ва тарбияловчи)эксперимент Билан боглик бўлмай ,балки у ёки бу психик холатлар ва сифатларни таркиб топтириш ва ўзгартириш Билан богликдир. Масалан, ттадқиқотчи таълимнинг қандай шароитларда ммустақил ишда ақлий иш усуллари ёки ўз ўзини кўзатиш малакалари хаммадан кура тезрок таркиб топишини ёки холерик темпераментдаги ўқувчиларда сабр –токатни таркиб топтириш учун қандай тарбиявий усуллар қўлай эканлигини ўрганади.

Лабаратория эксперименти психик жараёнларни (идрок хотира ,тафаккур ,хаёл , ва шунингкабиларни),шунинг Билан бирга куникма ва малакаларни ттадқиқот қилишда кенг қўлланилган ва қўланилмокда. Турли ёшдаги ўқувчиларға маъно жихатидан турлича бўлган материалларни (сўзлар ,суръатлар, ракамлар мулохаза ва таърифларни) аниқ хамда астракт материалларни эсда олиб қолишни тавсия этиб , ттадқиқотчилар эсда олиб коли шва эсга туширишнинг кўпгина ёш хамда индивидуал хусусиятларини очиб бердилар. Махсус танлаб олинган масалаларнинг ўқувчилар томонидан ечилишини анализ қили шорқали тафаккур

компонентларнинг сўз мантик ва кургазмали – образли муносабатларига доир ҳамда индивидуал хусусиятлари аниқланди.

Лаборатория эксперименти шахснинг йўналиши ва характери каби томонларини ттадқиқот қилишда ҳозирча анча чекланган ҳолда қўлланилади. Бу табиий бир ҳолдир. Чунки текшириш объекти ниятда мураккаб ва ўзига хос хусусиятга эгадир. Бунда лаборатория шароитининг маълум даражада сунъийлиги анчагина кийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шахсни ўрганишдаги бундай лаборатория экспериментларининг ижобий томонлари куйидагилардан иборат: биринчидан, бу экспериментлар шундай ташқил этиладики, ўқувчилар ўзларининг шахсий хусусиятлари номоеън бўлишини ўрганилаётганидан шубҳа ҳам қилмайдилар, иккинчидан, тажрибалар киска муддат ичида ўтказилади, учинчидан, ттадқиқот натижаларини микторий томондан ифодалаш имконияти яратилади (яъни математик статистика аппарати қўлланилади). Хаар турли эксперимент методларини қўллаш орқали тез ва осон йўл билан ўқувчиларнинг характеристикасининг олиш мумкинлигига ёки ҳусан, ўқувчилар шахсий хусусиятларининг у ёки бу тарзда номоеън бўлишини улчашга уруниш нотўғри эканлигини мактаб ходимларига тушунтириб қўйиш лозим. Бу методлар эндиgina ишланилмокда ва текширилмокда, шуниси ҳам борки, бу методлар ҳозирча Амалий мақсадлар учун ишланилмокда. Бундан ташқари, бу методларни қўллаш ва уларни тўғри анализ қила олиш ҳамда уларнинг натижаларини тушунтириб Бера олиш учун ттадқиқотчилар анча юсак даражада психологикк ихтисосга эга бўлишлари лозим.

Сўнги вақтларда педагогик психологияда тестлар методи кенг қўлланилмокда. Бу метод ҳусан ўқувчиларнинг қобилиятларини таъдқиқот қилишда кенг қўлланилмокда. Тестлар ёрдами билан ттадқиқот қилиш экспериментал ттадқиқотнинг ҳусий бир ҳолидир. Тестлар методи психологияда тахминан 1905-йилдан болаб, яъни А.Бинэ кишиларнинг ақлий ўсиш даражаларини ёшларига караб улчаш ва уларнинг ақлий истеъдот даражаларига караб тахсимлаш имконияти борлиги ҳақидаги гоъни айтган вақтдан бошлаб кенг қўлланила бошланди. Тест методининг киска бўлиши, шубҳасиз, унинг авзаллигидан дарак беради. Тестларнинг стандартлаштирилганлиги, яъни, анализ ва баҳолаш методларининг маълум даражада бир хиллиги, маълум ёш нормаларига мослаштирилганлиги ҳам унинг авзаллигидир.

Анкета методи. Бу метод, суҳбат методига ухшаш, психологияда ёрдамчи метод ҳисобланади. Лекинбази пайтларда жуда кимматли натижалар беради. Масалан, бу методни кўзатиш методи билан биргаликда қўлланилганда муҳим материаллар олиш мумкин.

Одатда анкета саволларига ёзма равишда жавоб беришни ифодаловчи методдир. Ўқувчи саволларга шахсан ёки почта орқали жавоб бериш мумкин. Бу методдан фойдаланганда, саволлар мазмунини аниқ ифодалаш ва тўғри тарифлаш катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, анкетани

тўғри тулдириш учун зарур тушунтиришлар берилиши, туплаган материалларни сон ва сифат жихатидан синчиклаб ўрганиш, бу материалларни синтаксиз ишлаш муҳимдир.

Анкета методининг ижобий томони ўз ҳажмига кура кўп материал олиш мумкинлиги ва у асосда чиқарилган хулосаларнинг тўғрилиқдир. Бу методнинг асосий қамчилиги олинган жавобларни реал борлиқ билан ва жавоб берувчининг ҳатти-ҳаракати билан боғлиқлигини аниқлашнинг мумкин эмаслиқидир.

Математик статистика. Кейинги йилларда психологияда олинган материалларни математика-статистик маикдарий анализ қилиш методидан фойдаланиш кенг қўлланмоқда. Бу метод психологияда математик апаратни қўллашни тақозо қилади. Математик апаратни қўллаш деганда, биринчи марта қабул қилинган гипотезани тасдиқлаш имкониятини берадиган, ҳосил қилинган хулосаларнинг инобатли эканлиқига ишонча тугдирадиган турли статистик усулларни қўллаш ва эҳтимоллиқ назарияси қоидаларини қўллни тушунамиз.

Ҳозирги вақтда педагогик психологиянинг аниқ илмий текшириш вазифасига эга бўлган соҳалари бор. Бўларга, биринчи навбатда, мактабда предметларни ўқитишнинг психологик асосларини киритиш мумкин. Масалан, ўқитишнинг психологик асосларидан қуйидагиларни ажратиш мумкин.

1. Она тилини ўқитишнинг психологияси.

Педагогик психологиянинг бу бўлими она тилидан билам ,иктидор ,малакалар ҳосил қилишнинг энг самарали усулларини топиш масалаларини ҳал қилади.Бу соҳага ёзиш ва ўқитишга ургатишнинг орфография ва грамматикани ўрганишнинг психологик асослари масалалари ҳам қиради.

2. Чет тилини ўқитишнинг психологияси .

Бу бўлим чет-тилидан оғзаки гапиришга,ёзма нутққа, ўқишга ўрганиш ва таржима қилиш масалаларини ўз ичига олади.Бундан ташқари ,бу бўлимнинг вазифасига чет-тилини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал онгини ўрганиш ва у асосда тушунчалар системасини тўзиш ,бу системалар ёрдами билан ўқитувчи чет-тилини ўқитиш жараёнини англаб олиши зарур бўлган психологик масалаларни ўрганиш ҳам қиради. Чет –тилини ўқитишнинг психологик асосини ўрганиш чет –тили дарсларининг материалини ўзлаштиришни осонлаштиради фикр алмаштириш қуроли ,коммуникатив алоқада қуроли бўлган тилни яхшироқ тушуниш имкониятини беради.

3. Математикани ўқитишнинг психологияси.

Бу бўлим математик фанлардан билим,иктидор ва малакаларни ўзлаштиришга, математикадан билиш усулини тушунишга ёрдам бериши лозим.

4. Географияни ўқитишнинг психологияси.

Бу булим ўқувчиларда географик билим иктидор ва практик малакаларнинг ҳосил бўлиши ва ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига ёрдам беришни , ўқишга онгли муносабатини , билишга бўлган қизиқишни шакллантиришни мақсад қилиб қуяди.

5. Мехнат таълимининг психологияси,

Бу булим меҳнат ҳақидаги билим малака ва иктидорлар системасининг таркиб топишини , техник ижодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ва кишлоқ хужалаи илгор тажрибасининг ўрганишнинг самарали йўллари топишни ўқувчиларда меҳнат муносабатни вужудга келтиришнинг психологик томонларини ўрганади.

Ўқитиш психологиясининг юқоридаги булимларидан ташқари ,ҳар бир фаннинг ўқитувчи муттаҳассис томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши керак бўлган соҳалари бор .Мухими шундаки ҳар бир ўқитувчи ўзи уқитадиган фаннинг мазмунини , уни ўқитиш методикасини яхши билиш билан бирга , шу фанни ўқитишнинг психологик асосини ҳам билиш керак

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Абу Наср Форобийнинг «Бахт-саодатга эришув» асарини мутолаа қилинг ва аллюманинг қуйидаги қарашларини ёзма баён этинг:

а) инсоний камолотга эришувда ақлий билишнинг аҳамияти.

б) иродавий фазилатларни шакллантириш ва одатга айлантиришда инсон қудрати, таълим ва тарбиянинг кучи ҳақида.

в) ёшларнинг касб-ҳунар ва иш-тажрибани эгаллаши тўғрисида.

2. Педагогик психология фанининг вужудга келиш сабабларини кўрсатинг.

3. Турли даврларда психик ривожланиш ҳақидаги талқинларнинг моҳиятини ёритиб беринг.

4. Фаннинг предмети, назарий ва амалий вазифалари нималардан иборат? Унинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?

2-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯДА РИВОЖЛАНИШ МУАММОСИ

РЕЖА

1. Психик ривожланиш ҳақидаги янглиш концепцияларининг танкиди.

2. Психик ривожланиш шароитлари ва уни ҳаракатга келтирувчи кучлар.

1997 йилда қабул қилинган Таълим-тўғсидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида шахс кафолати асосий масала асосида эътироф этилган. Президентимиз И.А.Каримов «Иқтисодий ва сиёсий» соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун Ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини руёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолади, деган эдилар.

Мактаб жамиятнинг ижтимоий институтлардан бири. Мактаб жамиятнинг бутуни эмас, балки келажакка йўналтирилган ривожини белгилайди. Мактабнинг мақсади таълим ва тарбиядир.

Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унда шахснинг психик жараёнлари шаклланади ва ривожланади, унинг асосида янги фаолиятлар юзага келади.

Ўқув фаолияти инсоннинг бутун Ҳаёти давомида намоён бўлувчи ўзлуксиз жараёндир.

Рус психологи А.Н.Леонтьев инсон фаолиятининг психик ва амалий шакллари мавжудлигини, бола онги айнан ўқув фаолиятида ушшани таъкидлайди.

Д.Б.Эльконин эса ўқув фаолиятининг хусусиятларини кузатиб, моҳиятига, мазмунига ва ўзини намоён бўлиш шаклига кўра ижтимоийлигини таъкидлайди.

Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унинг натижасида аввало ўқувчида ўзгариш юз беради. Унинг маҳсули турли мотивлар асосида, қурилган бўлиши даркор. Бу мотивлар бевосита ўқувчи шахсининг ушши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиши керак. Ўқув фаолияти таълим, ўқиш ва ўрганиш деган тушунчалар билан бевосита боғлиқдир. Таълим ўқитувчи ва ўқувчи Ҳамкорлигидаги ўқув фаолияти, ўқитувчининг билим, кўникма ва малакаларини ўқувчиларга ўргатиш жараёнидир.

Таълим жараёни бевосита муайян ахборотни, Ҳаракатларни, ҳулқ-атворнинг шакллариини ўзлаштиришга қаратилгандир. Ўқиш ва ўргатиш тушунчалари ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга, ўргатишга хизмат қилади.

Ўқув фаолиятининг беш элементи мавжуд:

1. Ўқув мотивлари,
2. Ўқув топшириқлари.
3. Ўқув Ҳаракатлари.
4. Ўқитувчининг назорати.
5. Ўқитувчининг баҳолаши.

Д.Б.Элькониннинг таъкидлашича, ўқув фаолиятининг шакллантирилиши бу фаолият айрим кишилар бажарилишини асга-сёкинлик билан ўқувчининг ўзига ўқитувчининг иштирокисиз мустақил бажариш учун ўтказилишидир.

Таълим жараёни алоҳида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган фаолият бўлиб, у ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ташкил этади ва уларни бошқаради. Таълим жараёни беш элементдан иборат:

1. Таълимнинг мақсади - нима учун ўқитиш керак?
1. Таълимнинг мазмуни - нимага ўқитиш керак?
3. Таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари.
4. Таълим берувчи.
5. Ўқувчи.

Таълим жараёнини ташкил этиш идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши:

- фаолиятнинг ана шу барча турлари таркиб топган усуллари ва жараёнларининг ўзлаштирилишига;
- мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ва фойдаланишга боғлиқ.

Таълим жараёнининг муваффақияти:

1. Мотивация.
2. Маълумот усуллари,
3. Маълумотнинг тушунарлилиги.
4. Хотира.
5. Маълумотни қўллаш.

Таълим ва таълим жараёнида болани ривожланиш муаммоси психологик марказий масалалардан биридир. Таълим ва ривожланиш муаммосига доир қатор назариялар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири.

1. Аклий хатти-Ҳаракатлар, билимлар, малака ва кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш назарияси (П.Я.Гальперин).

П.Я.Гальперин назарияси бўйича билимларни ўзлаштириш жараёни олти босқични бошидан кечириб, уларга:

1. Мотивация.
2. Тушунтириш.
3. Моддий формадаги хатти-Ҳаракатларни бажариш.
4. Баланд овозда хатти-Ҳаракатлар ва вазифаларни бажариш.
5. Бажариладиган хатти-Ҳаракатларни ички режада овоз чиқармай бажариш.
6. Фаолиятни фикран бажариш киради.

Ушбу назарияда таълимнинг учта асосий турларга ажратилади:

- **биринчи турда** - хатти-Ҳаракатларни ўзлаштириш хатолар билан кечади, берилаётган материал етарли даражада англанилмайди, таълим олувчи таълимнинг асл моҳиятини тушуниб етмайди;

- **иккинчи турда** материални нисбатан дадил ва тула тушунилиши ва материал билан боғлиқ тушунчаларни ажратилиши билан характерланади;

- **учинчи тур** - тез, самарадор ва беҳато хатти-Ҳаракатларни ўзлаштирилишини таъминлаб беради.

В.В.Давидов назарияси. Ушбу назария кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни илмий тушунчаларни ўзлаштирилишини тарғиб қилади. Бунда ўқувчилар томонидан таълим жараёнида назарий тушунчалар тизимини ўзлаштирилиши лозим бўлиб, бу ўз ўрнида хусусийдан умумий билимларга утилишни таъминлайди.

қатор назариялар муаммоли таълим билан боғлиқ бўлиб, Л.В.Занков ва А.М.Матюшков томонидан олиб борилган тадқиқотлар таълимда муаммоли дарсларни ташкил этишга қаратилгандир.

- Таълимнинг психологик асослари муаммоси кўпгина масалаларни камраб олади. Таълимнинг муваффақияти бир қатор психологик омилларга боғлиқ бўлади. Аввало ўқувчининг ўқишга бўлган муносабатига тўхтайлик. Бу муносабат диққатда, Ҳис-туйғуларда, қизиқишлар ва иродада, шунингдек, шахснинг туган йўлида намоён бўлади.
- Таълим жараёни аввало ўқувчилар диққатини йўлга солишни талаб этади. Дарсларда кўргазмали қуроллардан, техник ва ЭҲМ воситаларидан фойдаланиш таълим олувчида ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Таълим жараёнида таълим берувчининг вазифаси дарсда ишлаш Ҳолатини юзага келтиришгина эмас, балки ўқувчиларнинг дарсда утиладиган материални идрок этишга тайёр туришларини кўзатиш ҳамдир. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг диққати ўзгариб туради. Уқитиш жараёнида бу қонуниятларни назарда тутиш ва ўқувчилар диққатини материалнинг асосий жиҳатларига жалб этиш ҳамда уларни такрорлаш керак.
- Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан бериладиган кўрсатмаларга ҳам боғлиқ. Ўқитувчининг роли шундан иборатки, у ўқувчиларга тегишли установкани Ҳосил қилиши, нимани вақтинча, нимани умрбод эсда олиб қолиши кераклигини, нимани бутунлай эсда олиб қолмасдан, фақат тушуниб олиш кифоя қилишини, нимани сўзма-сўз эсда олиб қолишни, ниманинг маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш учун эсда олиб қолиш зарурлигини кўрсатиб ўтиши лозим. Кўзатишлар кўрсатадики, бундай курсатмалар берилмаганида, ўқувчиларда кўпинча ногўри тасаввурлар вужудга келади.

Ўқитишнинг эмоционаллиги таълимнинг муваффақиятлилигини таъминловчи омиллардан биридир. Таълим бериш жараёни эмоционал жараён, агар ўқувчиларга берилаётган ахборот уларда Ҳеч қандай Ҳис-туйғу уйғотмаса, уни ўқувчилар яхшилаб эсда олиб қолмайдилар. Гап ўқувчиларнинг психик Ҳолатлари, яъни уларнинг муайян бир пайтдаги кечинмалари - Ҳақида ҳам бориши керак, албатта. Улардаги қувончи, оптимистик кайфият ўқув фаолиятини жуда самарали қилади. Ўқувчилар эмоционал руҳдаги материални дурустроқ ўзлаштириб оладилар.

Ўтказилган тажрибалар ўқувчилар Ҳеч қандай Ҳис-туйғу уйғотмайдиган материалга қараганда, эмоционал руҳдаги материални яхшироқ эслаб қолишларини кўрсатади. Ўқитувчи ўқув жараёнининг эмоционал томони Ҳақида ғамхурлик қилиши керак. Бу муаммо жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, таълимнинг мазмунини ниҳоятда мураккаблашиб, Ҳажми эса ғоят катталашиб кетган, Унинг муваффақиятли ўзлаштирилишига эришиш учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини кучайтириши лозим. Ижобий туйғулар ўқув меҳнатининг самарадорлигига кучли таъсир этади. Ҳафсала билан бажарилган бегараз мунозара пайдо бўлади, баҳслашилади, бефарқ қараган ёки ундан Ҳам бешбаттар, салбий муносабатда бўлишган ишга эса Ҳеч қандай Ҳафсала бўлмайди.

Жамиятимиздаги меҳнат - Ҳақиқий ижод, қувонч манбаи. Мактаб ўқувчиларида ўқув меҳнатига ижодий муносабат уйғотиб, меҳнатнинг Ҳақиқий ижодга, қувонч манбаига айланишига кумаклашиши керак. қадимда греклар жуда ажойиб иборани қўлайдилар: "Талаба -тулдириб турилиши керак бўлган идиш эмас, балки ёқиб турилиши лозим бўлган машъалдир" Бу фикрнинг тагида, чуқур маъно бор. Зеро, ўқитувчи биз юқорида таъкидлаб ўтган таълим методлари муаммолари таълим, қисман изланиш методи ва тадқиқот методларидан кенг қўлланиши керак. Таълим жараёнини бугунги кундаги асосий талабларидан бири эркин фикрловчи, мустақил тафаккурга эга бўлган шахсни шакллантириш бўлиб, юқорида айтиб ўтган методлардан фойдаланиш учқунлардан катта машъаллар пайдо бўлишини таъминлаб беради.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билишга қизиқишлари ғоят катта роль ўйнайди. Маълумки, қизиқиш ўқувчиларнинг эмоционал бёзаги, бирор буюмни, бирор фаолиятни танлаш муносабати ва йуналишидир.

Маълумки, психологияда қизиқишнинг икки тури ўқувчиларнинг таълим жараёнида аниқланади, **биринчиси**, бевосита қизиқиш, **иккинчиси** бевосита қизиқиш. Ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларида ўз фанига нисбатан бевосита қизиқишни таркиб топтиришга Ҳаракат қилади. қизиқишлар орқали ўқувчиларда таълимга актив муносабат намоён бўлади. Психологияда қизиқиш - бу шахснинг ўзи учун қимматли ёки ёқимли бўлган муайян нарса ёки Ҳодисаларга муносабатидир. қизиқишлар шахснинг муҳим ва индивидуал хусусиятларидан бири бўлиб Ҳисобланади. қизиқишлар ўқувчилар Ҳаётида катта роль ўйнайди. Улар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи асосий турткилар - мотивларидир, қизиқишлар мактаб ўқувчисига фан асосларини дурустроқ ўзлаштириб олишларига, ақлий қобилиятларнинг ўсишига, билим доирасининг кенгайишига имкон беради. Ўқитувчиларнинг вазифаси ўқувчини дастлаб қизиқтириб қолган ишнинг ўзи билан шугулланишга мажбур қилиш эмас, балки ундаш қизиқишларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, таъсирчан қилиш, қизиқишларнинг марказига айланиб қолган фаолият билан шугулланиш истагига, майлига айлантиришдир.

Ўқувчиларнинг муайян мақсадни кўзлаб иш тутишида, қийинчиликларни енга олишида, ишдан чалғитадиган нарсалар билан шугулланишдан ўзини тия олишида, унда ўқишга иштиёқ таркиб топтиришда намоён бўладиган ирода таълим жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

Умумий психология курсидан маълумки, ирода бу шахснинг ўз олдига қўйган мақсадининг аниқлиги, уни амалга ошириш учун интилиши, мақсад йўлида маълум бир қарорга келиш тезлиги ва уни ўз вақтида ижро этиши билан белгиланадиган сифатидир. Таълим жараёнида ўқув материаллига бўлган диққатнинг барқарор

бўлишида иродавий зўр беришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Таълимда ирода ўқувчида мактаб ва уйда ўтказиладиган машғулотларга тайёр туришда намоён бўлади. Ўқув материални ўрганиш - эслаб қолиш ва ўқувчининг иродавий зўр беришганига боғлиқ. Ирода ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларида - масалани ечишга, қўйилган саволга жавоб топишга ва Ҳоказоларга интилишида намоён бўлади, Улар ўқувчиларда кўникма ва малакаларни Ҳосил қилишда Ҳам таркиб топади.

Психологлар олиб борган тадқиқотларда ўқувчилар томонидан берилган материалнинг ўзлаштирилиши кўп жihatдан ироданинг тарбияланишига боғлиқдир. Иродавий активлик таълимнинг зарур шартидир. Таълим муассасасидаги таълим жараёнининг ўзи ўқувчилардан иродавий ўстириш омилларидан биридир. Бунда ўқувчиларнинг кундалмк режими, ўқиш ва оқилона дам олишни бир-бири билан тўғри алмаштириб туриш катта роль ўйнайди.

Таълим жараёнида билиш жараёнларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро билиш жараёнлари жуда мураккаб фаолит бўлиб, унда жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга, абстракт тафаккурдан амалиётга ўтилади, ана шундан сўнг объектив Ҳақиқат билиб олинади. Бинобарин, биз биринчи навбатда куриб чиқишимиз лозим бўлган карса ўқув материални идрок қилиш жараёнидир. Умумий психология курсидан маълумки, идрок бу нарса ва Ҳодисаларни сезги органларига таъсир этиши натижасида уларнинг киши психикасида яхлит образини пайдо бўлиши бўлиб, идрок этиш жараёни таълимда турли формаларда ўқитувчининг огзаки Ҳикоя қилишида, суҳбат ўтказишда, лекция ўқишида, кинодарс, телевизион парча, схемалар ва кўргазмалар курольлар кўрсатиш, экскурсиялар ўтказиш, ўқувчининг ўзига дарсликлар Ҳамда бошқа қўлланмаларни ўқитиш тарзида ўтиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, идрокни таркиб топтиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини Ҳисобга олиш ниҳоятда муҳимдир. Чунки, фазони, вақтни ва Ҳаракатларни идрок этишда Ҳам ёш хусусиятларда турли фарқли мавжуд бўлади.

Таълим-тарбия ишларининг усуллари воситалари ва ташқилий формаларини ишлаб чиқиш ҳамда педагогик жараёнларини бошқаришнинг самарадорлиги психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар масаласини тўғри хал қилишга боғлиқдир.

Болаларнинг психик жихатидан ўсиши масаласи болалар психологиясининг марказий муоммосидир. Бу муаммоани тўғри хал этиш болалар психологиясининг Фан сифатида янада тараккий этиш учун ҳам усаётган авлодни тарбиялаш иши учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Болаларнинг психик жихатидан ўсиши муоммосини чинаккамига илмий асосда хал этиш.

А) Болалар психикасини ўсишини таъминловчи оминларнинг ролини ва болалар психикасининг тараккий этиш конунуиятларини аниқлашга;

Б) Шу конуниятларга асосланиб таълим ва тарбия системасини шунингдек болалар ўртасида олиб бориладиган таълим-тарбия ишининг мазмуни ва формаларини тўзишга имкон беради.

Инсон психикаси ривожланишида, бир томондан табиий, биологик, туғма хусусиятлар билан, иккинчи томондан, ижтимоий ҳаётда орттирилган хусусиятларининг ўзаро муносабатларининг

проблемасидан, ривожланишида ташқи ва ички омилларнинг (ирсият ва муҳитнинг) роли ҳамда уларнинг ўзаро муносабати проблемасидан иборатдир. Одамда туғма равишда ташқил топган хусусиятлар (масалан, кўриш ва эшитиш сезгиларининг айрим хусусиятлари, нерв системасининг айрим хусусиятлари) билан бир каторда маълум ҳаёт шароити ва фаолиятнинг таъсири остида, таълим ва тарбининг таъсири остида ташқил топган (масалан, ахлоқий одатлар) хусусиятлар борлигини ҳеч ким инкор этмайди. Инсон психикасининг табиати биологикми ёки ижтимоий характерга эгами?

Буржуа психологияси психиканинг табиати биологик омилларга боғлиқ деган позицияда туради, яъни психик хусусиятлар туғма пайдо бўлади, уларнинг инсон дунёга келишидан олдинроқ унда бўлган биологик имкониятга боғлиқ деган позицияда туради. Унинг давосича, инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, биологик структураларга жойлаштирилгандир, психик тараққиёт эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб, организмга жойлаштирилган шу хусусиятларнинг пишиб етилиши жараёнидан иборат эмуш. Жумладан, ҳар бир одам қобилиятларининг ривожланиш даражаси (имкониятларнинг нисбаси, энг юксак нуктаси) тақдир томонидан, «қобилиятларнинг табиий фонди» томонидан илгаридан белгилаб қўйилган эмиш. Сўнгги вақтларда микробиологиянинг наслий хусусиятнинг ген билан боғлиқ бўлган механизмини очиш ишдаги ютуқлари муносабатлари билан «ген аслаҳаларининг туғма даражаси», шахснинг хусусиятлари ва қобилиятлари генларда программалаштирилганлиги, кодлаштирилганлиги ҳақида гапира бошладилар. Англиялик генетик Ш. Ауэрбах бу фикрни нисоятда аниқ ва образли қилиб ифодалаб беришга уринган. «Ҳаар бир одам, деб ёзган эди у, ҳуди картабоз қўлига карта олиб бошлагани каби, ўз ҳаётини, картабоз қўлига карта олиб уйин бошлагани каби, ўз ҳаётини, қўлига генларни олиб бошлайди. Баъзан карта шунчалик ёмон сўзиладики, ҳатто сал-пал ютуқни ҳам орзу қилиш кийин бўлади. Айрим ҳолларда карта шундай ажойиб қилиб сўзиладики, муваффақият қозониш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаса ҳам булаверади». Унинг фикрича «ақлий тараққиёт даражаси, махсус қобилиятлар шахсий сифатлар — бўларнинг ҳаммаси генетик факторлар билан муҳит факторлари муносабатининг натижасидан иборатдир». Бу фикрдан: юксак истеъдодли кишиларнинг кўпайишига хайрихоҳлик билдириш лозим. Инсониятнинг энг яхши намоёндаларини кўпайтириш керак (жамиyat ҳар икки жинсга тегишли истеъдодли кишиларнинг яқинлашишига ҳар томонлама ёрдам бериши керак), «истеъдодсиз» кишилар эса кўпайишдан ўзларини саклашлари керак — деган ҳулоса чиқади.

Бола психик хусусиятларининг туғма табиати ҳақидаги назария турли буржуа олимлари томонидан баъзи бир тўзатиш ва изоҳлар билан ҳар хил тусда, ҳар хил акцентда тушунтирилишига еарамай, шу вақтга қадар ҳозирги замон буржуа мактаб педагогикасининг асоси бўлиб

келмоқда. Бу назариянинг маддохари бўлган буржуа олимлари ўқувчининг нимага кодир эканлигини билиб олиб ,ундан сунг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослаштириш керак деб ҳисоблайдилар. Ўқувчиларнинг ақли истедод даражаларига қараб ҳар-хил типдаги мактабларга юбориш учун сортларга ажратиш (масалан Англияда анна шундан келиб чиққанки буни прогрессив педагоги ва психологи Б.Саймон кескин танқид қилган Англияда юксак даражада ақлий истедодга эга бўлган болалар университет маълумотини олиш имкониятига йўл очиб берадиган, грамматик мактаб деб аталадиган мактабларда ўқийдилар;ўз табиати жихатидан ақлий ва ижодий фаолиятга « ноқобил»,яъни ақелий истедод даражаси паст деб топилган болалар университетга кириш учун етарли тайёргарлик бермайдиган, ҳозирги замон мактаблари деб аталган «халта куча» типдаги мактабларда таълим олиш билан қаноатланишлари лозим бўлади.

А+Шда (тестлар ёрдами билан аниқланадиган)ақлий истедодқойфиценти жихатидан бир хил бўлган ўқувчиларни бир синфга туплаб ўқитиш амалиёти давом этиб келмоқда. Ақлий истедод болалар учун очилган .одатга қура ,бадавлат ота-оналарнинг болалари ўқийдиган синфларнинг уўқув программалари жиддий материаллар билан тулдирилган ,Ммустақил ишларга кўп этибор берилади.Уртадан паст ақлий истедодга эга бўлган ўқувчилар ўқийдиган синфларда таълим «суултирилган « программа асосида ,яъни назарий материалларсиз олиб борилади .А+Шда айтишларича , «тест баъзиларни жаннатга ,баъзиларни эса дўзахга жунатиш учун берилган рухсатномадир».

Ҳозирги замон буржуа психологларининг асарларида гарчи таълим-тарбиянинг роли ,муҳит ва атрофдаги ижтимоий ҳаётнинг роли ҳақида жуда кўп гапирилса ҳам ,шунга қарамай ,бу асарларнинг ҳаммасида психик ривожланишнинг чегаралари туғма биологик потенциал томонидан белгиланади ва ҳеч қандай шароитда бу чегарадан ташқари чиқиш мумкин эмас ,деб тасдиқланади.

Сўнгги вақтларда жуда кўп чет Эл психологлари 20-30 йилларда номи чиққан америкалик психолог Э.Торндайкнинг айрим фикрларига мурожаат этмоқдалар. Ҳозирги замон буржуа психологи ўз қарашларини ниқоблашни ёктиради. Э.Торндайк эса ниҳоятда аниқ ёзар унинг қарашларида ҳеч қандай иққиланиш ҳолатларига йўл қўйилмас эди. «Арифметика ўқитувчисининг Янги методлари» ва психологияга асосланган принциплари» деган асарларида Э.Торндайк тўғридан тўғри ўқувчиларнинг «табиий кучлари»га ,уларнинг «туғма майллари»га шама қилади.Э.Торндайк муҳитнинг таъсири ҳақида тарбиянинг таъсири ҳақида гапирган лекин бу факторларнинг таъсирига очикдан очик иккинчи даражали,тобелик ролини берган ўқитиш қанчалик яхши бўлишига қарамай ,айрим ўқувчилар ҳеч қандай мувафоқиятга эриша олмайдилар ,бошқа бир ўқувчилар эса ,ўқитиш қанчалик ёмон бўлишига қарамай мувафоқиятга

эришадилар.Мутлақо очик-ойдин фикр! Шундай қилиб ўқитувчининг роли йукка чиқарилмокда ва олдинган педагогик брак окланмокда .

Торндайк бўларни бундан ярим аср чамаси олдин ёзган ,лекин хозир ҳам буржуа олимлари унинг фикрларини деярли сўзма-сўз қайтармокдалар. «Яхши ақлий қобилиятлар наслига эга бўлган болалар хатто махсус таълимсиз ҳам юксак интелектлли кишилар булиб етиладилар ,яхши генлар наслига эга бўлиш бахтига муяссар бўлмаган болалар эса хатто энг яхши таълимдан ҳам фойдалана олмайдилар».

Буржуа психологининг фикрича ,туғма биологик имконият яъни ген аслахаларининг даражаси асосий хал қилувчи ахамиятга эгадир. Психик хусусиятларнинг тараққиёти бу имкониятларнинг пишиб етилиши ўз ўзича ривожланиши демакдир.Бунинг учун тегишли ташқи шароитлар булса ,бас .Чунончи таълимва тарбия бу туғма имкониятни намоён қилиш ва амалга оширишнинг зарурий шартларидандир.Шундай қилиб буржуа психологиясида мухитга факат «инсон табиатига жойлаштирилган»ва инсон ўзи билан дунёга олиб келган туғма имкониятни вояга етказадиган ташқи шароитлик ролигина берилган .Яроксиз овкат жисмоний тараққиётни тухтатиб қўйиш мумкин бўлганидек теварак-атрофдаги мухит ҳам ички сабаблар асосида юзага келадиган ақлий тараққиётга халакит бериши мумкин ,деб уктирилади.Бунингмисоли тарикасида тухум билан куйидагича ухшатиш келтирилади:тухум қанчалик юкори сифатли булмасин лекин,ўз ўзидан маълумки факат маълум мухит шароитида ,чунончи маълум температура бўлганидагина ундан жужжа чиқиши мумкин.Таъсаввур қилиб кулинг ,-дейди бу психологлар,-шароити яхши булмаса :агар юкори сифатли тухумни холодилникга солиб куйсак ундан хеч қандай жужжа чикмайди. Манна биз учун –деб таъкидлайди буржуа психологлари-қобилиятларнинг туғма табиий имконияти «тухум»,таълим-тарбия Эса -гуё температура шароитидир.Бу шароит булмаса ,қобилиятларнинг намоён бўлиши мумкин эмас аммо мухит ўз –ўзича қобилиятларни таркиб топтирмайди. Деб хисоблайди улар.

Бундай аналогия,яъни ухшатиш асоссиздир,чунки юкорида келтирилган мисолда гап психик тараққиёт ҳақида эмас ,балкибиологик тараққиёт ҳақида бормокда.Буржуа психологиялари психик тараққиётда наслий факторларнинг хал қилувчи роли бор деган фикрни асослашга интилиб одатда бир тухумдан бўлган (монозигот)ва хар хил тухумдан бўлган(дизигот) эгизакларнинг киёсий ўрганишдан олинган маълумотларни далил қилиб келтирадилар.Генетик жихатдан бир тухумдан пайдо бўлган уругланган ва кейинчалик иккига булинган бита хужайрадан пайдо бўлган) эгизаклар биологик жихатдан бита организмнинг иккита копияси булиб ,табиатдан бир хил ген бойлигини олган ,бир хил ирсиятга эга бўлган хакикий эгизаклардир.деб айтадиларБуржуа психологларинингбир тухумдан пайдо бўлган эгизаклар устидан ўтказган ттадқиқотларнинг кўрсатишича психик хусусиятларнинг таркиб топишида гуё ирсият етакчи рол уйнар эмиш..Бир

тухумдан бўлган лекин бир биридан ажратилган холда хар хил шароитда алохида тарбияланаётган эгизакларнинг шахсий хусусиятларида қобилиятларида ва ақлий тараққиётларида катта корелация (ухшашлик) борлиги аниқланган. Бу шу нарсадан далолат берадики ,бир хилдаги ген аслахаларига эга бўлган тақдирда хар хил тарбия ва хар хил мухит шароити ақлий тараққиёт ва қобилиятларда жуда оз фарқни юзага келтирар экан. Буржуа психологлари бундан фойдаланиб ,психик тараққиётда табиий биологик имкониятлари хал қилувчи фактордир,деб хулоса чикарадилар.

Бизда В,Н Колбановский,А,Р,Лурия,А,Н Мироновлар томонидан бир тухумдан бўлган эгизаклар устида ўтказилган тажрибалар бошқача ахволни курсатди,бир тухумдан бўлган эгизаклардан бир хил табиий шароитда ,таълим методларига караб ижодий яъни комбинаторлик) фаолиятни айрим турларида мутлақо хар хил натижаларини олиш мумкин бизнинг замонимизда прогрессив францўз психологи Р,Заззо бир тухумдан бўлган эгизаклар устида шунга ухшаш тажрибалар ўтказиб ,психик хусусиятларнинг туғма характери назариясига каттик зарба берди Педология болаларнинг психик хусусиятларига ирсият йўли билан мустахкамланган боланинг ўзлаштиришигина эмас балки хаётий меҳнат истикболини хам олдиндан белгилаб берадиган хусусиятлар деб каради. Хозирги замон педагогик психологияларида бошқа бир йўналиш қобилиятларнинг тараққиётини факат теварак атрофдаги мухитнинг таъсири билан тушунтиради .Бу йўналиш ўз замонаси учун прогрессив хисобланган 18 аср францўз философии К.А.Гелвеци талимотидан бошланган.Гелвеци талимотига кура ,хамма одамлар ақлий ва аахлокий тараққиёт учун тугилишданок мутлақо бир хил табиий имкониятга эга бўладилар.Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ факатгина мухит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади,тушунтирилади.Бу концепция одамларнинг психик ва рухий демак социал тенгсизлиги уларнинг туғма хусусиятлари деган ва уша даврларда хукмрон бўлган идеалистик назарияларга қарши қаратилган эди. Бу назариянинг чет эллардаги хозирги турли намоёндалари психиканинг ривожланишида ижтимоий мухитнинг ғоят даражада муҳим роли борлигини этироф этадилар. Бироқ ижтимоий мухит буржуа психологлари томонидан метафизик тарзда ,яъни ўзгармайдиган инсон тақдирини илгаридан белгилаб берадиган бир нарса тарзда тушунилади.Инсонга мухит таъсири остида бўлган пассив объект сифатида қаралади. Шуни айтиб ўтиш керакки генетиканинг қўлга киритган ютуқлари муносабати билан сўнгги вақтларда бизнинг мамлакатимизда психик хусусиятларнинг масалан,қобилиятларнинг табиати ҳақидаги психик тараққиётнинг табиий имкониятлари ҳақидаги масалалари кенг муҳокама қилинмоқда ва биологлар философлар,психологлар медиклар, юристлар иштирокида мунозаралар ўтказилмоқда.Ана шу мавзуга оид турли материаллар нашр этилмоқда ,мунозара жараёнида психология учун характерили бўлган қарши психик хусусиятларнинг табиатига диалектик ва

материалистик нуктаи-назаридан қараш аниқланади лекин шунинг билан бирга ,ошкора куриниб тўрган озчилик томонидан химоя қилинаётган иккита сунгги нуктаи-назар борлиги ҳам маълум бўлди.

Бу нуктаи-назардан бири – психик хусусиятлар ва қобилиятларнинг табиатини туғма ва наслий деб ҳисоблайди,Бу позицияда асосан айрим биолог генетиклар турадилар бу позиция тарафдорлари психик хусусиятларнинг таркиб топиши ва тараққиёт жараёнини одам генетик программасининг амалга оширилишидир ,деб тушунтирилади.мана шу фикрга мувофиқ талант генларнинг муфакиятли комбинациясида (кушилмасидан) иборатдир ,Психик хусусиятлар бир манода генотип билан яъни одамнинг генетик хусусиятлари билан белгиланади.Психик хусусиятларнинг таркиб топиши ва тараққиёти ген аслахалари спецификаси билан белгиланадиган сифатларнинг т(тегишли муҳит шароитларида) намоён бўлиш жараёнидир.Барча изохларга қарамай , бу мулохазалар мантикий равишда куйидаги хулосага:хар бир одам психик тараққиётнинг спецификаси даражаси маълум даражада унинг ген имкониятлари билан илгаридан белгиланган бўлади.,юеган хулосага олиб келади Бу эса таълим ва тарбиянинг ҳаётий шароити ва фаолиятининг ролини очиқдан очиқ камситишга юксак истедодли кишиларни сунъий равишда етиштириш ва йирик хужайра ядроларини трансплантация қилиш (кучириш) методи асосида ўзига хос интеллектуал элитларни сунъий тарзда ҳосил қилиш принципаал жихатдан мумкинлиги ҳақидаги гояларнинг ишлаб чиқилишига олиб келмоқда.(маълумки ,бу соҳада сода организмлар устида мувафоқиятли экспериментлар ўтказилган).

Агарда барча одамларга ўз қобилиятларини ривожлантириш учун Тула имконият яратиб берилса уларнинг ҳаммаларида ички имкониятлар бир хил булса ундай ҳолда хар бир нормал одам тўғри ташкил қилинган таълим ва тарбия орқали хар қандай соҳада истаган юксакликка эришиши мумкин бўлар эди.Агар одамларнинг турли қобилиятларига эга бўлишларига факат уларнинг турли ҳаёт ва тарбия шароитлари сабабчидир деб уйлайдиган булсак у ҳолда ,эхтимол ,хар қандай одамни ниҳоятда тўғри (идеал)ташкил қилинган таълим ва тарбия орқали мўзика соҳасида худи Бетховендек гениал одам, математика соҳасида худи Лавочевскийдек гениал одам Репин ва Эйнштейн каби каби гениал одам қилиб етиштириш мумкин бўлар эди,деб хулоса чиқарар Эдик.Бу назария психик ривожланишнинг, қобилиятлар тараққиётнингбориши ва йўналишига таъсир қилувчи табиий имкониятлардаги индивидуал фарқлар ҳақидаги тушунчани батамон имкор этади.

Психологлар ва педагоглар ихтиёрида бўлган жуда кўп фактлар у йўналишининг ҳам, бу йўналишнинг ҳам чекланган ва бир ёқламалигини курсатади. Одамнинг генетик хсусиятлари бир манода унинг психик хсусиятларини белгилайди, деб ҳисоблаш хатодир. Аммо бунинг тескариси ҳам, яъни психик тараққиётнинг табиий имкониятлардаги индивидуал фарқларни батамом имкор

қилиш (масалан, қобилиятларнинг нишонланадиган индивидуал фарқларни имкор қилиш) ва одамлардаги ғоят хилма-хил барча индивидуал — психологик хусусиятларни фақат ташқи таъсиротлар натижасид, дейиш ҳам нотўғридир.

Психик ривожланиш шароитлари ва уни ҳаракатга келтирувчи кучлар

Одамнинг психик хусусиятлари унинг ҳаёти давомида, яъни онтогенетик тарзда юзага келади; бу хусусиятларни таркиб топиши ва ривожланишида одамнинг ижтимоий тажрибаси ташаббуси унинг ҳаёт ива фаолияти шароитлари, таълим ва тарбия етакчи, ҳал қилувчи рол уйнайди, - деб ургатади.

Мухит (кенг маънода олганда), маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия азалдан берилган, генетик жihatдан каттий булгиланган ниманидир намоён қилиш учун шаройитгина булиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради. Шунини алоҳида қайд қилиб ўтишимиз лозимки, «жамият талабларига жавоб берадиган муайян шахсий сифатларни таркиб топтириш мақсадида катта авлоднинг ёш авлодга онгли, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш процессии» сифатида таълим ва тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Биринчидан, шунини қайд қилиб ўтиш керакки, одам мухит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки актив, фаол мавжудотдир. Шунинг учун ташқи ҳаёт шароити. Ташқи таъсир инсон психикасининг тўғридан тўғри белгиламайди, балки одамнинг мухит билан бўлган ўзаро таъсири орқали, унинг мухитдаги фаолияти орқали белгилайди. Шу сабабли мухитнинг таъсири ҳақида эмас балки одамнинг теvarак атрофдаги мухит билан актив ўз аро таъсири ҳақида гапириш тўғрироқ бўлар эди. Иккинчидан, психиканинг ривожланиши оқибат натижада ташқи шароитларга ташқи тасуротларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишнинг бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамиша одамнинг ҳаётий тажрибаси, унинг шахси, индивидуал психологик хусусиятлари ва психик кифоаси орқали таъсир қилади. Манна шун манода ташқи таъсир индивиднинг ўзига хос психикаси ва шахсий тажрибасини ўз ичига олган ички шароит орқали билвосита таъсир қилади.

Учинчидан, одам актив мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўзи-ўзини тарбиялаш билан шугулланиши мумкин. Лекин ўз-ўзини тарбиялаш жараёни теvarак атрофидаги мухитдан ажирилган ҳолда бормайди. Ўз-ўзини тарбиялаш мухит билан мослашган ҳолда ва мухит билан актив ўзаро муносабатда содир бўлади. Шунинг учун ўзини-ўзи тарбиялашда ҳам мухитнинг таъсири қуриниб турибди.

Хулоса чиқариш мумкинки, бир хил ташқи шароит, бир хил мухит, турли болаларга, ўсмирларга, йигит ва кизларга турлича таъсир кўрсатиш мумкин. Мактаб ўқувчисининг психик тараққиёти қонунлари шунинг учун ҳам мураккаки, психик тараққиётнинг ўзи мураккаб ва қарама-қарши ўзгаришлардан иборат жараёндир. Психик тараққиётнинг факторлари, талим ва тарбия

шароитлари хилма-хил ва кўп кирралидир. Биз юкорида айтиб утилганидек, бу фактор ва шароитлар турли болаларга турлича таъсир қилиши мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар зарурдир. Инсоннинг психик хусусиятлари нормал таркиб топиши учун муайян даражадаги биологик тўзилиш, инсон мийяси ва инсон нерв ситемаси бўлиши шарт. Инсоннинг табиий хусусиятлар психик ривожланишнинг муҳим шартидир. Бу табиий хусусиятлар психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар, факторлар эмас, балки факат дастлабки шартлардир. Мия биологик тарзда ташкил топган орган сифатида онгнинг юзага келиши учун дастлабки шартлардир, онг эса инсон ижтимоий турмушнинг махсулидир. Нерв ситемаси теварак атрофдаги оламни акс эттириш учун туғма органик имкониятларга эга лекин тегишли қобилят факат ижтимоий ҳаёт шароитидаги фаолиятда таркиб топади. қобилят куртакларининг, яъни нерв ситемаси ва мияда бўзи бир туғма анатомик – физиологик хусусиятларининг мавжудлиги қобилятларнинг ривожланиши учун зарур табиий шарт-шароитлардир. Аммо бу шарт шароитларнинг мавжудлиги ҳали қобилятларнинг ривожланишини таъминламайди. қобилятлар ҳаёт ива фаолият шароитлари, одамга бериладиган таълим ва тарбия таъсири остида таркиб топади ва ривожланади.

Табиий хусусиятлар тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч эмаслигига қарамай, психик тараққиётга маълум даражада таъсир курсатади. Биринчидан табиий хусусиятлар психик хусусиятлар тараққиётнинг турли й улларини ва усулларини белгилаб беради. Инсон нерв ситемасининг хусусиятлари ўз –ўзича шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди.

Ҳеч бир нормал бола дадил ёки куркок иродали ёки иродасиз меҳнатсевар ёки ялқов интизомли ёки интизомсиз булиб тугилмайди. Агарда турбиёя тўғри ташкил қилинса нерв ситемасининг исталган типии асосида характернинг барча ижтимоий кимматли хусусиятларини ҳосил қилиш мумкин масалан сабот матонат ва ўзини тутта билиш хислатини нев ситемасининг типии шиддатли (Павло буйича) бўлган болаларда ҳам нерв ситемасининг типии вазмин бўлган болаларда ҳам тарбиялаш лозим ва тарбияласа бўлади.

Иккинчидан табиий хусусиятлар одамнинг бирор соҳада эришган ютуқлари даражасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилят куртакларида туғма индивидуал фарқлар бўлмайди шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамларданг маълум бир фаолиятни эгаллаш имконияти жихатидан устун туришлари ва шунинг билан бир пайтда бир фаолият турини эгаллаш имкониятини ўзини мусика қобиляти ривожланиши учун қўлай табиий куртакка (табиий шароитга эга бўлган бола бошқа ҳамма шароитлар бир хил бўлишига қарамай мусика қобиляти ривожланиши учун табиий куртакка эгап бўлмаган болага нисбатан мусика соҳасида тез

ривожланади ва нисбатан катта ютуқларга эришади ,Манна шу маънода олганда одамлар ўз қобилиятларини ривожлантириш имкониятига эга эмаслар .

Психик ривожланишнинг биологик асослари туғма табиий куртаклар масалага якун ясар эканмиз мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг диққатини асосий ҳулосага қаратиш лозим гарчи табиий куртаклар мактаб ўқувчисининг психик ривожланиши маълум аҳамиятга эга бўлса (шу сабабли, масалан таълим жараёнида айрим ўқувчиларда бошқа ўқувчиларда нисбатан кўпроқ зўр бериш талаб қилинади, айрим ўқувчига ўқитувчи бошқа ўқувчига нисбатан кўпроқ куч сарфлайди этибор беради ва кўпроқ вақт ажратади.

Бу куртакларнинг ўзи психик тараққиётида ҳал қилувчи рол уйнамайди. ана шунинг учун ҳам уўқув тарбия ишларида жиддий кийинчиликлар юз берган вақтларда ўқитувчилар ўқувчиларда ҳақиқатдан ҳам (ёки чамаси) табиий қобилият куртаклари йук экан деб қўлни ювиб қўлтиққа уришларига ,хафсаласиз бўлишларига ҳеч қандай асос йук. Ривожланиш деганда –ҳодисаларнинг ҳар хил икки категорияси тушунилади, аммо бу категориялар бир бирлари билан чамбарчас боғлангандир.

1. Миянинг ўз биологик органик етилиши ,унинг анатомик биологик тўзилиш жихатдан еилиши ,
2. Психик (ақлий)ривожланишнинг маълум динамик даражалари сифатидаги ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик (шу жумладан ақлий) ривожланиш .Ўзтўзидан маълумки ақлий ривожланиш мия тўзулишининг биологик эттирилиши билан боғлиқдир ва бу факат уўқув тарбия ишларида албатта ҳисобга олиниши лозим.

Таълим миянинг органик жихатдан етилишини инкор эта олмайди. Мия тўзилишининг органик жихатдан етилишини муҳитга таълим –тарбияга мутлақо боғланмаган ҳолда ўзининг катъий биологик қонунлари асосида содир бўлади деб бўлмайди. Муҳит таълим тарбия ва тегишли машқ мия тўзулишининг органик жихатдан етилишига ёрдам беради ,шунинг учун масалан, биз ақлий ривожланиш ҳақида гапирганимизда бу жараёни миянинг биологик жихатдан етилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда содир бўлади деб ҳисоблаймиз.

Таълимсиз Тула ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Таълим ривожланишига стимул бўлади ривожланишни ўз орқасидан эргаштириб боради таълим масалан ,катта Ж.Пиаже фикридек мантикий фитқрлашни таъминловчи мия тўзулишларининг Тула туқис етилишини кутиб турмайди. Зарур шароит тугилганда таълим мантикий фикрлаш малакасини таркиб топтиради ва тегишли ақлий ривожланиш учун стимул бўлади. Лекин таълим ривожланишига стимул бўлиш билан ўзи ривожланишига таянади, эришилган ривожланиш даражасининг хусусиятларини ҳисобга олади, ривожланишнинг ички қонунларини инкор эттирмайди. Инкор этолмайди ҳам, таълимнинг имкониятлари жуда кенг бўлса ҳам аммо чексиз эмас. Таълим билан

ривожланишни айнан ухшаш нарса деб ўйлаш айнан бир нарса деб ўйлаш бир ёқлама фикр юритишдир ва шунинг учун ҳам бу нотўғри нуктаи-назардир

Боланинг мактаб ўқувчисининг психик ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар мураккаб ва турли тумандир. Ривожланишнинг моҳиятини қарама-қаршиликлар курашидан ияки зиддиятлар курашидан иборат деб тушунишга асосланиб, боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланишини бевосита ҳаракатга келтирувчи кучлар таълим-тарбия жараёнида юзага келадиган ҳамда бартараф қилинадиган эскилик билан янгилик ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборатдир дейиш мумкин. Бундай зиддиятларга, масалан фаолият томонидан юзага келадиган Янги эҳтиёжлар билан уларнинг қондириш имкониятлар ўртасидаги зиддиятлар боланинг усиб бораётган жисмоний ва рухий имкониятлари билан эски таркиб топган ўзаро муносабат формалари ва фаолият турлари ўртасидаги зиддиятлар жамоа катта одамлар томонидан кундан кунга ортиб бораётган талаблар билан психик таракқиётнинг мазкур даражаси ўртасиданги зиддиятлар киради.

Юқорида курсатилган зиддиятлар ҳамма ёш учун характерлидир, лекин қайси ёшда намоён бўлишига қараб, маълум спецификага (хусусиятга) эга бўлиб боради. Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчида мустақил иродавий фаолиятга нисбатан белган тайёргарлик билан хатти-ҳаракатларнинг мавжут вазиятга ёки восита ички кечинмаларга боғлиқлиги ўртасида зиддият бор. Ўсмирда энг кучли зиддиятлар, бир томондан, унинг ўзига ўзи баҳо бериши ва ўз талабалари даражаси ва иккинчи томондан, атрофдагиларнинг унга нисбатан бўлган муносабатлари ҳақидаги ички кечинмаси ўртасида, шунингдек, ўзининг жамоадаги раел мавқеи тўғрисидаги ички кечинмаси ўртасида, катта одамлар ҳаётида тула ҳуқуқли аъзо сифатида қатнашиш эҳтиёжи билан бирга ўз имкониятларининг мос келмаслиги ўртасида пайдо бўлади.

Диалектик нуктаи назардан қараганда, ривожланиш фақат соф миқдор ўзгаришлари жараёнидан, яъни қандайдир психик ходисаларнинг, психик хусусиятлар ва сифатларнинг кўпайиши ёки камайишидан иборат эмас. Психик ривожланишни фақат, ёш ошган сари диққат ҳажмининг, психик жараёнлар ихтиёрийлигининг, маъно жихатдан эсда олиб қолиш шва шунинг қабиларнинг ортиши, бола фантазиясининг камайиши, хатти-ҳаракатларнинг импульсивлиги, идрокининг уткирлиги, янгилиги ва ҳокимлардан иборат деб бўлмайди. Психиканинг ривожланиши маълум ёш давларида сифат жихатдан Янги хусусиятларнинг, яъни «янгидан ҳосил қилинган сифатларнинг» (ўсмирларда катта бўлиб қолганлик ҳиссининг ёки илк успиринликда меҳнат қилиб мустақилҳаёт кечириш эҳтиёжининг) пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Психологлар психик ривожланишнинг умумий тенденциялари, қонуниятлари борлигини қайд қилиб курсатмоқдалар. Лекин муҳит таъсирига нисбатан бу қонуниятлари (қенг маънода олганда) иккиламчидир, чунки бу қонуниятларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаёт шароитига, фаолиятга ва

тарбияга боғлиқдир. Мана шундай умумий қонуниятларга биринчи навбатда психик ривожланишнинг нотекслиги киради. Психик ривожланишнинг нотекслиги шундан иборатки, ҳар қандай шароитда, ҳатто таълим ва тарбиянинг энг қўлай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари, психик функциялари ва психик хусусиятлари ривожланишнинг бита даражасида тухтаб турмайди. Болаларнинг ривожланишидаги айрим даврларда психиканинг у ёки бу йўналишларда ривожланиши учун нисбатда қўлай шароитлар пайдо бўлади ва бу шароитларнинг баъзилари вақтинчалик, уткинчи характерда бўлади. Эҳтимол психик фаолият айрим турларининг таркиб топиши ва ўсиши учун оптимал муддатлар мавжуд бўлса керак. У ёки бу психик хусусиятлар ва сифатларнинг ривожланиши учун энг қўлай шароитлар бўлган ан шундай ёш давлатлари сензитив даврлар деб аталади (Л.С.Викотский, А.Н.Леонтьев). Бундан сензитивлик даврининг мавжудлигига миянинг органик жихатдан етилиш қонунияти ҳам, айрим психик процесслар ҳамда хусусиятлар асосида таркиб топиши ҳам (масалан, математик тафаккур фақат маълум даражада таркиб топган, абстракт тафаккур кубулифт асосида таркиб топиши мумкин) ҳаётий тажриба ҳам сабаб бўлади. Масалан, нутиқнинг ривожланиши учун 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган давр, кўпгина ҳаракат малакаларнинг таркиб топиши учун кичик мактаб ёшдаги давр, математик тафаккурнинг таркиб топиши учун 15-20 ёшгача бўлган давр сензитив давр ҳисобланади.

Бошқа бир қонуният психика интеграсиясидир. Инсон психикаси ўз тараққиёти давомида тобора кўпроқ яхлитлик, бирлик мустаҳкамлик ва доимийлик хусусиятларини касб эта олади. Н.Д.Ливитовнинг кўрсатишича, кичкина бола психик жихатдан турли фрагментар психик ҳолатларининг кичик бир системага уюштирилганидан иборатдир. Психик ривожланиш психик ҳолатларнинг секин-аста ушиб, шахс ҳислатларига айланишидан иборатдир.

Учинчи қонуният пластиклик ва компенсация имконияти И.П.Павлов фақатгина тегишли таъсир қўрилса, ҳамма нарсанинг яхши томонга ўзгартириш мумкинлигини таъкидлаб нерв системасини нисбатда пластиклигини кўрсатиб ўтган эди. Таълим ва тарбия шароитида боланинг, мактаб ўқувчисининг психикасини мақсадга мувофиқ ўзгартиришнинг бой имконияти нерв системасининг анна шу пластиклигига асосланади. Пластиклик компенсация учун ҳам йўл очиб беради: Бир ҳил психик функциянинг ривожланиши заиф ёки нуқсонли бўлса бошқа функциялар жадаллик билан ривожланади. Масалан, хотира кучсиз бўлса уни фаолиятнинг зўр уюшганлигига ва аниқлиги билан компенсация қилиш мумкин, кўришдаги нуқсонлар қисман эшитиш анализаторининг уткир даражада ривожланиши билан компенсация қилинади. Шундай қилиб, боланинг мактаб ўқувчисининг ривожланиши мураккаб мураккаб диалектик жараёндир.

Айниқса кейинги йилларда болалар ва мактаб ўқувчиларнинг жисмоний ва психик ривожланишининг тезлашиб боришида қўрқатган акселерация (лотинча тезланиш) ҳодисаси

деб аталадиган ходиса болаларнинг ёш характеристикасини қайта куриб чиқишга сабаб бўлди. Болалар тезроқ ушиб ривожланмокда ва психик интеллектуал ривожланишида бунда бир неча унйил илгаригига қараганда юксакроқ даражага эришмокдалар ,олимлар акселерация ходисасининг хам биологик хам ижтимоий сабабларини курсатмокдалар.Бу ходисанинг биологик сабаблари оз микдордаги ионлашган нурланишларнинг ва радио тулкинларининг таъсири ,кишлок хужалигига ва медицина да ўсиш ва ривожланишни стимуллаштирувчи биологик актив моддаларнинг қўлланилиши ,инсон озукасида хайвон оксил моддалари микдорининг ошишидан иборат булса ,бу ходисанинг ижтимоий сабаблари хаёт темпининг кучайиши ,хаёт тонусининг ортиши телевидение радио кино орқали боланинг ўсмирнинг илк ёшлик чогида н бошлаб миясига ййгиладиган ғоят кўп микдордаги информациялар , маълумотлар окимининг таъсиридан иборатдир.

Айрим ттадқиқотчиларнинг фикрига кура бўларнинг хаммаси ёш хусусиятлари характеристикасини шунчалик шартли бекарор харакатчан ва динамик қилиб куядики натижада ёш хусусиятлари деган тушунчанинг ўзи шубха остида қолади.

Уйлаймизки ,бу фикр билан келишиб бўлмайди ,Ёш хусусиятлари ёшнинг энг типик ва энг характерли бўлган хамда ривожланишнинг умумий йўналишини курсатадиган умумий хусусиятлари сифатида мавжуддир.Бироқ ўз ўзидан маълумки ёш ўзгармас ва абсолют категория эмас.Ёш –ёш чегаралари ва ёш хусусиятлари тушунчаси абсолют эмас ,балки нисбий ахамиятга эгадир. Таълим-тарбиянинг вазифаси болада мактаб ўқувчисида биринчидан мазкур ёш боскичида юксак ривожланиш даражасини характерлаб берадиган ва иккинчидан болани ,мактаб ўқувчисини кейинги ёш боскичига яъни психик ривожланишнинг янада юксакроқ даражасига қонуний равишда ўтишга тайёрланадиган психик хусусиятларини ,хислатларини ва сифатларини шакллантиришдир.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

- 1.Психик тараққиётнинг омиллари, шартлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида маълумот беринг?
2. Психик тараққиёт ва таълимнинг ўзаро муносабати дейилганда нимани тушунаси?
3. Психик тараққиётнинг қонуниятлари нималардан иборат?
4. Етакчи фаолият дейилганда нимани тушунаси?

МАВЗУ: ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ

Режа

1. Таълим жараёнини ббошқариш назариялари.
2. Ўқув фаолиятини ббошқариш.
3. Ўқишнинг моҳияти ва унинг қонуниятлари.
4. Ўқиш ва ақлий ривожланиш. Таълимни интенсивлаштириш ва актив, мустақил, ижодий тафаккурни таркиб топтириш.
5. Таълимни индивидуаллаштириш ва қобилиятларни ривожлантириш.
6. Қўникма ва малакаларни шакллантириш.

Бошқариш тушунчаси кибернетика фанига илмий техника революциясининг натижасида халқ хужалигининг тармоқларини идора қилиш сифатида (автомат, мослама, пулт ббошқариш, программалаштирилган электрон ҳисоблаш машиналари, компьютерлар, дисплейлар, сигнализатсия, техник қурилмалар) кириб келди. Мазкур тушунча аста-секин якка шахс фаолиятига татбиқ қилина бошланди, пировардида таълим ва тарбия тизимини ббошқаришда ҳам қўлланилишга киришилди.

Таълимни оптимал ббошқариш мақсадида собиқ совет психологлари «ўқув фаолиятини босқичли шакллантириш» (П.я.Гальперин, Н.Ф.Тазилина), «ўқитиш мазмунини тезлаштириш ва мураккаблаштириш» (Л.В.Занков), «Назарий умумлаштириш ва рефлексия» (Д.Б.Ельконин, В.В.Давидов) гояларини ишлаб яикдилар. Шунингдек, таълимни алгоритмлаштириш, программалаштириш, суггестезия (Т.В.Кудрявцев, А.М.Матюшкин ва бошқалар) назарияларини олға солдилар. Мазкур гояларнинг барчаси ривожлантирувчи таълим негизида тўзилган бўлиб, ақлий фаолият меаммоларини ўрганишга ҳамда таълим самарадорлигини оширишни тадқиқ қилишга қаратилгандир.

Психология фанида онг ав фаолият бирлиги принципининг вужудга келиши психологик ҳолатлар, ҳусусиятлар, ҳислатлар фаолиятда намоён бўлади ва унда шаклланади, деган янги тезисни майдонга ташлади. Янгиа бундай талқин психология фанининг ривожланиши, соҳаларининг кенгайиши учун муҳим имкониятлар очиб берди. Мазкур принцип И.М.Сеченовнинг психик фаолият замирида бош миё рефлексор фаолияти ётади, деган таълимотидан келиб чиқади. Кейинчалик бу гоя И.П.Павловнинг таълимотида ривожлантирилди ва қатор қонуниятлар кашф этилди.

Онг ва фаолият бирлиги принципи даставвал С.Л.Рубинштейн томонидан далиллаб берилди. Муаллиф ташқи сабаблар, омиллар ички шарт шароитларининг бевосита таъсири орқали ҳаракат қилади, деб тушунтиради.

Мазкур муаммога сал бошқачарок ёндошган П.П.Блонский эса инсоннинг барча фаолиятлари ижтимоий хусусиятга эга эканлигини шахснинг хатти ҳаракатларнинг таркибий қисми бўлишлигини таъкидлади.М.Я.Басов булсафаолиятни уйин, прсфессионал меҳнат шаклларинитаърифлаб,инсонт шахсининг таркиб топишидаги таъсирини ифодалаб берган.

Л.С.Виготский талкинига кура ,инсон сиртдан мия билан алоқа урнатади,унинг ёрдами орқали гавдасини идора қилади.Одамларнинг ижтимоий алоқалари хатти-ҳаракатлари имо-ишорава нутққа суянганҳолда фаолиятини вужудга келтиради.А.Л.Леонтев инсон фаолияти психик ва Амалий шакллари мавжудлигини тавсифлаб,бола онги айнан ўқиш меҳнат уйин фаолиятларини амалга ошириш жараёнида усади, деган гоёни олға суради.

Психологик илмий адабиётларда уквчиларнинг УҚВ фаолиятларини бавосита ва бевосита ббошқариш имкониятлари қайд қилиб утилган,уўқув фаолиятларини ббошқаришнинг энг муҳим хусусиятларидан бири-бу турли усулларни татбиқ этиш,махсус равишда ўқитишни жорий қилиш ,хар хил хусусиятга молик дидактик методлардан фойдаланишдан иборатдир.

Ю.А.Самарин ассоцацияларларга асосланган ҳолда уўқув фаолиятини ббошқариш мумкинлиги назариясини уртага ташлади.Ассоцациялар_онгимиздаги аввалги турмуш тажрибалари билан белгиланадиган тасаввурларнинг боғланиши,бу боғланишлар туфайли онгимизда пайдо бўлган муайян тасаввурларнинг ухшашлик ёндошлик, қарама –қаршилиқ белгиларига кура,шунга боғлиқ бўлган бошқа тасаввурларни ҳосил қилишдир.Ю.А.Самарин ассоцацияларнинг алоҳида томонларига таълуқли билимларни системага тушириш маълум уўқув предметларига оид билимларни тартибга солиш турли фанлардан тупланган хилма-хил билимларни системалаштириш каби босқичларга бўлиб ўрганади.

Е.Н.Кабанова-Меллер ҳар қандай фаолият ёки бу усуллар ёрдамида амалга оширилади ва улар уша воситалар ёрдамида бошқарилиши мумкин, дейди.

Муалииф мазкур ақлий фаолият усуллари ўз навбатида катта ёки кичик системага бирлашган хатти ҳаракатлар тизимидан иборат деб тушунтиради.Усуллар объектив равишда тавсиялар,қоидалар,йуриқлар қуринишида ифодаланади.Ўзлаштирилган уўқув фаолияти усуллари инсоннинг маънавий бойлигига айланиб,истаган вақтда янги вазиятларга ва шароитларга қучирилишир мумкин.

Д.Б.Элконин ўқувчиларнинг уўқув фаолиятини ббошқаришга ургатиш учун

А)ттопшириқни ечиш воситалар танлаш

Б)психологик ттопшириқни ечиш учун ўз-ўзини назорат қилишни амалга ошириш

В_билимларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш

Г)ўз-ўзини текшириш

Д)ўз олдига мақсад қўя олиш

Е)символлар биланпредметнинг ияки муносабатлари мавжудлигини тушуниш каби жихатларга эътибор қилишни уктириб утади.

Психологиянинг ттадқиқотлари тахлилининг кўрсатишича, программалаштирилган таълим ўқитишни бевосита ббошқариш ва назорат қилиш имконини яратади. Программалаштириш принципи буйича талабаутилган мавзуни ўзлаштирмай туриб, янгисини эгаллай олмайди. Чунки уўқув материали катъий мантиқий изчиликда маълум булакларга таксимланиб тингловчининг онгига ўзатилади. Сабок олувчи билимларнинг колган улишини қабул қилиш учун у утилган мавзуларни эгаллаган бўлиши, ттопшириқларни ммустақил еча олиши ва саволларга тўғри жавоб бера олиши зарур. Билимлар таълимий машиналар, комрйутерлар, дисплейлар ёрдамида талабалар миясига ўзатилади. Тескари алоқа канали орқала субъект фаолиятининг натижаси, махсули йўзасидан ахборот, малумот хабар келиб тушиши назарда тутилади.

Билимларни ўзлаштириш жарайонини ббошқариш муаммоси П.Я.Гальперин ва Н.Ф.Тализина томонидан ўрганилган. Улар ақлий хатти-харакатларини боскичма-боскич шақиллантириш назариясини ишлаб чиққанлар. Муалифлар ақлий хатти-харакатларини моддий холда ташқи нутик йордамида ҳамда акли шақилда, фикрда намоён бўлишини изохлаб бердилар.Ақлий хатти-харакатларнинг биринчи боскичи расм, схема, диаграмма ва шартли белгилар тарзида ўз ифодасини топади. Ақлий хатти-харакатларнинг иккинчи боскичи кургазмалардан олган тасаввурлари тўғрисида ўқувчиларнинг овоз чикариб фикр йуритишидан иборатдир. Учинчи боскич эса субъект онгида тасвур, тушунча, конуният, хосса, ҳуссият, опирация, усул тарикасида намоён бўлади. Анна шу боскичларни талабаларга тушунтириш орқали уларни ўз-ўзини ббошқаришга ургатиш мумкин.

Биз куйида «уўқув фаолиятини ббошқаришнинг умумлашган усулларни эгаллаш» назариясига асосланган холда уўқув фаолиятиниббошқариш амалга ошириш йўллари изохлаб беришга ҳаракат қиламиз. Уўқув фаолиятининг ўқувчилар ва талабалар томонидан ббошқариш муаммосининг долзарблиги, биринчидан, ривожлантирувчи таълим структураси ва функциянинг хусусиятларидан, иккинчидан, ўқувчи ва талаба шахсини ҳамда ақлий ривожланишини изаил равишда ўрганиш аҳамиятидан келиб чиқади. Уўқув фаолиятини ббошқаришнинг умумлашган предметлараро усулларига уни планлаштириш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўзлаштириб олинган билимларни ва таълимий усулларни системалаштириш, эгалланиб олинган ббошқариш усулларини янги шароитга кучириш, янгисини ммустақил холда топиш, ўз олдига мақсад куя олиш, билимга қизиқишни онгли равишда идора қилиш, ммустақил билим олиш йўллари изохлаштириш, диққатни фаолиятда шақиллантириш ва бошқалар киради.

2. Уўқув фаолиятини ббошқариш деганда мақсадга йуналтирилган, планлаштириладиган, назорат қилинадиган, системалаштириладиган, ташқил қилинадиган мустақил билим олишга қодир бўлган фаолият тушунилади ва уни систематик равишда манна бундай шаклда акс еттириш мумкин.

Уўқув фаолиятини ббошқариш.

1. Уўқув фаолиятини планлаштириш.

2. Ўз-ўзини назорат қилиш.

3. Кенг қўламдаги билимлар, талимий усулларни системалаштириш.

4. Ўз фаолиятини ўзи ббошқариш усуллари эгаллаш ва янгисини топиш.

5. Шахсий қизиқишни идора қилувчи усулларни эгаллаш.

6. Ўз диққатини ўзи ббошқариш усуллари эгаллаш.

Фаолиятни психик ббошқаришнинг самарали бўлиши учун психика нарсаларининг ўзига хос объектив хусусиятларини акс еттиришини ва ана шулар воситаси билан инсон олдида қўйилган мақсадларга эришиш йўллари аниқлашимиз керак. Инсон фаолияти билиш ва идора қилиш билан боғлиқдир. Бу жараёнлар иштирок қилмаса, инсон фаолияти намоён бўлиши мумкин эмас.

Хар қандай фаолият инсоннинг психик ва жисмоний активлигидан иборат бўлиб онг ли мақсад билан бошқарилади.

Хатти-ҳаракатларни ббошқариш олатда тескари алоқа принципи асосида амалга оширилади. Биринчи навбатда бундай сезги алоканинг канали бўлиб хизмат қилади, предмет ва ҳаракатларнинг идрок қилинаётган элемент ва белгилари эса информатсия манбаи вазифасини утайди. Тескари алоканинг бундай турини П.К.Анохин тескари афферентация деб атаган эди.

Инсон фаолиятининг интериоризация ва экстериоризация хусусияти мавжуд. Ташқи реал ишдан ички идеал ишга ўтиш жараёни интериоризация дейилади. Нарсалар билан қилинадиган ташқи фаолиятни ички психик фаолиятнинг экстериоризацияси деб қабул қилинган. Психология фанида субъектни ўрганишдан иборат бўлган махсус фаолият таълими деб аталади. Психология фанида талабанинг фаолияти, ҳуқуқ ва хатти-ҳаракатини, инсоннинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш томон йуналтириш иборат бўлган фаол жараёни таълим деб юритиш ҳам учирайди. Одатда таълим фаолияти ўз ичига қуйидаги ҳолатларни қамраб олади :

А) Маълум бир идеал ва амалий фаолият турини муваффақиятли ташқил қилиш учун теъварак-атроф тўғрисида муҳим хусусиятлар ва қонуниятларни ўзлаштириш.

Б) Мавжуд маълумотлар ва информацияларни ўзлаштириб олишга ёрдам берадиган усул ва операцияларни эгаллаш.

В) Қўзланган мақсад ва муаммо шартига мос равишда оптимал услуб, рационал йўл-йурик ва оперициалар танлаш ҳамда назорат қилиш учун назарда тутилган информация материаллардан фойдаланиш усуллари билан талабаларни қуроллантириш ва хоказо.

Бизнингча, олий таълимда уўқув фаолиятини талаба томонидан ббошқариш жараёни дастлабки пайтларда ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида ва кумагида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда олий таълимнинг мазмуни, уўқув фаолиятининг таркибий қисимлари, унинг психологик хусусиятлари ва қонуниятларини, уни таркиб топтириш йўллари, воситалари, ўзлаштириш, эгаллаб олиш усуллари талабаларга англашмай қолиши мумкин. Олий таълимни такомиллаштириш учун талабаларни мустақил билим олишга ургатиш ва бунда ҳозирги замон талабларига англашилмай қолиши мумкин. Олий таълимни такомиллаштириш учун талабаларни мустақил билим олишга ургатиш ва бунда ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи фаол услублар билан қуроллантириш айтиш мумкин.

Уўқув фаолиятини ббошқаришнинг психологик масалаларини тадқиқ қилиш натижасида унинг босқичлари, фазалари, йўллари, ҳозирги кундаги ҳолати, уўқув дастурларида, дарсликларида ва қўлланмаларда бундан фойдаланиш аҳоли, диагностик методикаларнинг ишончлилиги даражаси аниқланди. Шунинг билан бирга мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг уўқув фаолиятини ббошқаришнинг ёш давлари хусусиятлари ўзига хос жиҳатлари, грухий фаолият ва индивидуал услубга оид қонуниятлар, ббошқаришнинг таркибий қисмларининг турлари, қурилишлари, шакллари тўғрисида бойнинг маълумотлар тупланди. Ўқилган маълумотлар ҳам назарий, ҳам Амалий аҳамият касб этиб олий мактабда уўқув фаолиятини ббошқаришда муҳим роль уйнайди.

3..Мактабнинг таълим беришдан иборат асосий вазифаси-ўқувчиларнинг Фан асосларини актив ,онгли мустаҳкам ва системали равишда эгаллашини таъминлашдир.Ўзлаштириш натижасида билимлар маълум бир системани ҳосил қилиши амалда татбиқ этилиши мумкин.Ҳақиқий ўзлаштириш – ҳақиқат актив жараён бўлиб билишга оид хилма-хил вазифаларни ҳал қилиш билан боғлангандир. Ўзлаштириш, кенг манода олганда, ўқувчининг уюшган билиш фаолиятидир, бу фаолият идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл каби катор билиш процессларини ўз ичига олади. Ижодий ўзлаштириш сифатида ўқиш, билим эгаллаш уч факторга – нимани ўқитишга, ким ва қандай ўқитишга, кимни ўқитишга боғлиқдир. Биринчидан, ўқишнинг характери ўзлаштириладиган материалга, унинг мазмунига ва қандай системада етказиб бериладиганлигига боғлиқдир, Иккинчидан, у ўқитувчининг методик маҳоратига ва тажрибасига, унинг шахсий хусусиятларига, ҳар бир айрим ҳолда қўлланиладиган конкрет ўқитиш методикасига боғлиқдир. Нихоят, ўқиш жараёни ўқувчининг ўзга хос хусусиятларига ҳам – унинг психик ривожланишининг (ақлий, эмоционал, иродавий жиҳатдан) индивидуал характеристика, унда ўқишга нисбатан қарор топган муносабатларга, унинг қизиқиш-ҳавасларига боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, таълим процесси ўқувчига нимани ва бир хил натижасига эмас, яъни сирдан таъсир қилдирадиган шарт-шароитларнинг оёибати эмас, балки ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ равишда амалга оширилади.

Н. Д. Левитов ўзлаштиришнинг психологик компонентлари деган тушунчани киритади, у ан шу компонентлар деганда ўқувчи психикасининг бир-бирини Билан ўзаро боғланган кўп кирралари томонларини тушунади. Унинг фикрича, анна шу компонентларни активлаштиринадан ва тегишли тарзда йуналтиринадан туриб таълимда мақсадга еришиб бўлмайди. Бундай компонентларга куйидагилар киради: 1) ўқувчиланинг ўқишга ижобий муносабатда бўлиши; 2) материал Билан бевосита хиссий тинишиш жараёнлари; 3) олинган материални актив равишда қайта ишлаш жараёни бўлган фикрлаш жараёни ва 4) қабул қилинган ҳамда ишлаб чиқилган ахборотни эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш процесси. Бу компонентларнинг мазмунини қисқача қараб чиқамиз ва таълим процессида ривожланишини характерлаб берамиз.

1. Ўқишга муносабат. Ўқишга ижобий муносабатда бўлиш ўқув материални Тула-туқис ўзлаштиришнинг мутлақо зарур шартидир. Психологларни ўтказган тадқиқотлари бундан муносабатни таркиб топтиришга куйидаги оминлар ёрдам беришини курсатди: ўқув материалининг гоёвий-илмий жихатдан мазмунли бўлиши, унинг коммунистик қурулиш амалиёти билан алоқадорлиги, баён қилишнинг муаммоли ва эмоционал характерда бўлиши ўқувчиларининг билишига оид изланиш фаолиятини уюштириш, ўқувчиларни ўқув ишларининг рационал усуллари билан қуроллантириш. Ўқувчининг ўқишга муносабати унинг ўқишга диққат қилишида, қизиқишида кийинчиликларни бартараф қилиш учун ирода қилини сарфлашга тайёр эканлигида ифодаланади.

Ўқувчиларнинг диққати-ўқув ишлари мувофиқиятли боришининг зарур шартидир. Таълим жараёнида диққат такомиллашади, анча ихтиёрий, яъни уюшган, тартибга тушган бошқариладиган бўлиб қолади. Диққатсизликнинг оддий сабаблари –фанга нисбатан қизиқишнинг йуқлиги, материални баён қилишнинг қуруқ ва ноаниқлиги ўқувчиларнинг қарчаганлигидир. Ўқувчилар диққатини қўзғотишнинг асосий воситалари-хилма-хил усуллари қўллаган ҳолда машғулотларни динамик тарзда олиб бориш, ўқувчилар активлигини ошириш, баён қилишнинг жонлилиги, бир фаолият туридан иккинчисига ўтиши, диққатни қалғитувчи қўзғовчиларга барҳам беришдан иборатдир. Албатта диққатни қалғитувчи қўзғовчиларга барҳам бериш йўли билангина эмас, балки уларга қарши тура билиш қобилиятини таркиб топтириш, уларнинг қалғитувчи таъсирига қарши қурашиш йўли билан ҳам тарбияламоқ керак, акс ҳолда нозиклашган, инжик диққат мутлақо қўлай шароитлардагина ишлаш одати вужудга келади.

Диққатнинг характерига ўқув ишларининг суръати жуда таъсир қурсатади. Секин суръат диққатни тарқатиб юборади, ўқувчиларнинг активлигини секинлаштиради. Жадал суръат ҳам ноқўлайдир. Кўпчилик ўқувчилар ўқитувчининг фикрига диққат қилиб улгурмайдилар, қарчайдилар орқада қоладилар. Бунинг оқибатида диққат ҳам сусайиб тарқок ҳолда бўлади. Муайян синф учун оптимал иш суръати ўқитувчи томонидан эмпирик тарзда белгиланади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг

диккатиини жалб этишга ҳаракат қилганда шу нарсани назарда тутиш керакки, баъзи ҳолларда ўқувчилар ўз диккатларини ошириб диккат қилиб, диккат Билан қараб тусалар ҳам, лекин уларнинг фикри ,бошқа бирор нарса Билан банд бўлиши мумкин. Ўқитувчи диккатиинг ташқи ифодасига эътибор бериб қолмасдан фаолият жараёнида актив идрок қилиш Билан боғлиқ бўлган ҳақиқий диккат берилишига эришмоғи зарур.

Ўқишга ижобий муносабатда бўлишни ифодалашнинг иккинчи формаси ўқишга оид қизиқишларнинг мавжудлигидир. қизиқиш одатда эмоционал бўёкка эга бўлиб чуқур ва таъсирли туйғуларни кечириш Билан боғлиқдир.

Ўқишга оид қизиқишлар одатда, танловчанлик хусусиятига эга бўлиб улар энг кичик ёшдаги ўқувчилардагина умуман ўқишга булаган қизиқиш шаклини олиши мумкин ,ўқишга қизиқиш ўқувчига ўзи ўрганаётган материалнинг аҳамияти қанчалик тушунарли эканлигига ,бу материал ўқувчи қизиқишларининг ўқишдан ташқари соҳаси Билан қанчалик алоқадорлигига ,ўқитувчи материални қанчалик аниқ ва тушунарли қилиб баён этишига ,ўқитиш методларининг қанчалик хилма хил эканлигига боғлиқдир.

Ўқишга қизиқишни тарбиялаганда ,мароқлилиқни суистеъмол қилмаслик керак. Ўқувчилар ўзларига бевосита қизиқ бўлган нарсанигина қилишга ўрганиб қолмасликлари керак. Улар ҳаётда кўп нарсани бевосита қизиқмасдан қилишга тўғри қилишини тушуниб олишлари керак. Шунинг учун ўқувчиларда шунчаки мароқлилиқ Билан эмас ,балки фаннинг аҳамиятини ,бирор маълумотнинг ҳаётий муҳимлигини чуқур англаш Билан белгиланадиган билвосита мослашган, қизиқишларни ҳам тарбияламоқ керак .Шундай бўлганда ўқувчи қизиқарли бўлмаган иш Билан ҳам виждонан шугулланади.

2. Ўқув материални ўзлаштиришда ҳис этиладиган ,курғазмали материалнинг аҳамияти каттадир. Таълим жараёнида актив, уюшган режали идрок қилишнинг, қўзатишнинг аҳамиятини инкор этиш ҳато бўлар эди. Ўқувчилар билимларни эгаллар эканлар қокрет предметлар ва ҳодисаларни ,уларнинг тасвирини қўздан кечирадилар. қокрет тасаввурларга эга бўладилар. Психологик нуқтаи назардан предметли ,тасвирий ,сўз курғазмалилиги фарқ қилади. Предметли курғазмалилик ўқувчиларнинг нарсаси ва ҳодисаларини бевосита идрок қилишларини назарда тутди. Синфда ўтказиладиган тажрибалар, экскурсиялар ҳам шунга қиради.

Тасвирий курғазмалилик-тасвирий воситалар расмлар, муляжлар, диопозитивлар, киноқартиналар ёрдамида амалга оширилади. Тасвирий воситаларнинг ҳарактерига қараб курғазмалилик ҳақиқий тасвирий курғазмалиликка (нарсаси ва ҳодисаларнинг ҳақиқий тасвири) ва символик курғазмалиликка (қартиналар, чизмалар, схемалар, жадваллар, диаграммалар) бўлинади. Сўз курғазмалилиги деганда ўқитувчининг ўқувчиларда қокрет тасаввурларни уйғотадиган Ерқин ,образли Ерқин нутқи тушинилади. Бироқ психологик қўзатишлар ва экспериментлар шуни қурсатмоқдаки ,ҳиссий идрок

иклиш боскичида ортикча тухталиб қолиш факат фойдасиз булибгина колмасдан ,шу Билан бирга зарарли хамдир. Чунки у абстракт тафаккурнинг ривожланишини бугиб куяди.

Кўзатувчанликни тарбиялаш актив уюшган ,аниқ мақсадга мувофиқ системали кўзатиш куникмасини тарбиялаш сифатида жуда мухимдир. Ўқитувчи кўзатишни ташкил қилар экан ўқувчилар олдига аниқ ва муайян бир мақсадни куяди,кўзатишни йўлга салади.,деталларни ажратиб кўрсатишни мазкур объектни бошка объектлар Билан таққослашни ва номухим белгиларни ажратиб кўрсатишни тавсия этади. Ўқувчиларга кўзатиш натижаларини сўз Билан ёки кургазмали формада кайд қилишини ургатиш мухим ишдир.

3.

Уўқув

материалини англаш ,тушуниш , уни муайян системага киритиш ,муайян сохаларга оид алокаларни фанлар ичидаги ва фанлараро алокаларни топа олиш ва уларни ўзаро боглай олиш(Ю,А,Самарин фикри буйича)-ўзлаштиришнинг энг мухим компоненти.Тушуниш хамиша янги материални таркиб топиб бўлган ассоциациялар системасига киритишни, нотаниш материални таниш материал билан боглашни англатади. Сабаб-оқибат боғланишлари муносабатларинит урнатиш ўқувчилар учун бирмунча кийинчилик тугилади, бунга сабаб, бир томондан шуки, хатто бу хилдаги оддий муносабатлар хам кўпинча пир томонлама эмас (бирдан-бир сабаб-битта оқибат) , балки кўп томонлама булад (бита сабаб кўп оқибатлага эга бўлади ёки бита оқибат кўпгина сабаблар вужудга келтириши мумкин. Иккинчи тмондан, бу кийинчиликлар шу нарса Билан богликки, сабаб-оқибат боғланишлари кўпинча оддий кўзатиш йўли Билан идрок қилинмайди, балки тафаккур ёрдамида аниқланади.

4.

Ўқувчини

нг тафаккури билан қабул қилинган ва қайта ишланган ахборот хотирада сакланиши лозим. Бу эса исталган бир пайтда хотирадаги запаслардан зарур маълумотлар олиш ва уларни қўллаш имкониятини беради.

Эсда олиб қолиш тўғридан-тўғри ўқувчи фаолиятининг характериға богликдир. Ўтказилган кўпдан-кўп кўзатишлар ва тажрибалар (А.А.Смирнов П.И.Зинченко) шуни курсатадики, эсда олиб қолишбирон-бир актив фаолиятда руй берган вақтдагина энг самарали бўлади. А.А.Смирновнинг тажрибаларида текширувчиларга икки хил фаолият таклиф қилинган эди. Биринчи холда улар маълум текстларни эсда олиб қолишлари лозим эди. Текширувчилар текстни ёдлар эканлар, материал устида хеч қандай актив иш олиб бормадилар. Иккинчи холда эсда олиб қолиш вазифаси қўйилмади-ю, лекин текст устида муайян иш олиб бориш-ундаги маънавий хатоларни аниқлаш таклиф этилди. Иккинчи холда эсда олиб қолиш анча самарали бўлганлиги аниқланган.А.А.Смирновнинг ўтказган тажрибалари шуни курсатадики,масалан ,текстнинг тўзиб чиқилган режасига асосланган ёдлаш режага асосланмаган ёдлашдан икки баравар салмоклирок

экан .Ёдлаш жараёнида такрорлаш билан материални актив эсга туширишга интилишни бир-бири билан алмаштириб туриш тавсия қилинади.Берилган вақт тенг бўлган шароитда бу усул факат такрорлашга асосланган (В.С.Иванова)ёдлашдан 30-40 фоиз самаралироқ бўлиб чиқди. Маълумки ,уўқув материални маъносига тушуниб эсда олиб қолиш факат зарур бўлибгина қолмасдан шу билан бирга механик эсда олиб қолишдан бекиёс даражада самаралироқдир.Бу уринда ҳам ўқитувчининг қандай йўл тутажаги аниқ ва равшандир.Ўқувчинакадар улгайиб борган сари унинг ақлий фаолиятида маъносига қараб эсда олиб қолиш шу қадар муҳим роль уйнайди.Мактаб ёшида хотирани ривожлантиришнинг умумий йўналиши шундан иборатки.ўқувчи ўзининг мнемик функциясини аста-секин эгаллаб боради ,бу функция ихтиёрий яъни уюшган ,тартибга солинадиган ва бошқариладиган бўлиб қолади.Таълим жараёнида анализ ва синтезнинг анча ривожланган формаларига секин аста утилади.Бунда ўқитувчининг йўлга солувчи ,ўқувчилар томонидан қилинган анализ ва синтезниташкил этувчи ,тартибга солувчи ва назорат қилувчи сўзи хал қилувчи роль уйнайди.

Ўқувчилар ўзлаштирадиган уўқув фанлари нарсга ва ходисаларнинг муҳим белгилари ҳақидаги умумлашган билимлар бўлган илмий тушунчалар системасидан иборатдир.Фанни ўзлаштириш ,хусусан ,ўқувчиларда тегишли тушунчаларни таркиб топтиришдан иборатдир.Лекин биз ҳозиргина қайд қилиб ўтганимиздек ,бир қанча ҳолларда бу тушунчалар ҳақиқий умумлаштиришлар асосида эмас.балки жўзий масалаларни бирор умумий принципга боғлаш(қонундан ташқари умумлаштиришлар) асосидатаркиб топади.

Иккинчидан бу ерда ўқувчининг ҳиссий идрок қилиш характери таъсир этади. Бола *битта* расм ёки чизма таъсири отида бевосита идрок қилган ёки тасаввур етган белгилар муҳим белгилар даражасига кўтарилади. Бироқ бир тушунчани тасодифий, муҳим бўлмаган белгиларсиз тасвирлаб бўлмайди . умуман қўлни, умуман мевани. Баликни ва хоказоларни тасвирлаш мумкин эмас умуман учбурчакни таъсвирлаб бўлмайди – учбурчак ҳамиша муаян бурчакларга, томонларга ега бўлган, текисликда маълум тарзда жойлашган бутунлай конкрет учбурчакдан иборатдир. Масалан, ташқи бурчакнинг катталиги ҳақидаги теоремани исбот қилиш вақтида гарчи гап ҳар қандай учбурчак ва унинг ҳар қандай ташқи бурчаги ҳақида борса ҳам , ўқувчилар исбот қилишни муайян ,конкрет хусусий учбурчак асосида ўзлаштирадилар. Тушунчалар ҳосил бўлишида бевосита ҳиссий таъсурутлар таъсири шу қадар каттаки .баъзи ҳолларда биз бу таъсирнинг сўз билан таъсир кўрсатишдан(дарслик текстидан.ўқитувчининг тушунтиришидан)кура кучлироқ эканлигини кураимиз . Агар кургазмали тажриба бир хил бир томонлама ёки чекланган бўлса,у нарсга ёки ходисанинг муҳим белгиларини булакларга ажратиш ва умумлаштиришга тусқинлик қилади,чунки ўқувчиларнинг диққат этиборининг аниқ ифодаланган ,лекин муҳим бўлмаган тасодифий белгиларга жалб қилади.

Шу сабабли «тўғри чизик хамиша горизонталдир»; «ташқи бурчак хамиша утмас бурчак бўлади»; «кўл-кадди буқилган азоб чеккан одам»; вахокозолар типигаги кенг тарқалган хаттолар келиб чиққан.

Албатта ,аниқланган фактлар мактаб ўқувчиларидаги айнан шундай нотўғри умумлаштиришлар ,хатто тушунчалар конуний равишда пайдо бўлади,деб хулоса чиқаришга олиб бормайди.Биз агар ўқитувчи тахлил ва умумлаштиришларнинг хато эканлигини огохлантириш учун махсус чоралар кўрмаса ,кўпинча қандай холлар юз беришини кўрсатиб утамыз.

Бу чоралар .психологлар аниқлаб чиққанидек икки томонлама характерга эга биринчидан,муҳим бўлмаган белгиларни ўзгартириш мумкин,бунингучун кургазмали материалдаражада хилма хил қилиш керак ,унда муҳим бўлган белгиларнинг инвариантлиги (яъни доимий белгилар билан сакланиши)мавжуд бўлган хода муҳим бўлмаган белгилар албатта ўзлаштириладиган булсин.Шу билан бирга тўғри умумлаштиришларни ишлаб чиқиш учун ,Э.Н.Кбанова-Меллер кўрсатиб ўтганидек ўқувчилар таклиф қилинган мисолларни таққослашлари ва умумий нарсаларни шунингдек турланадиган,ўзгариши мумкин бўлган ,турли аҳамиятга эга бўладиган нарсаларни ажратиб кўрсатишлари лозим. «Орол» деган тушунчани шакллантириб, картадан оролларнинг катта ва кичик турли шакллари ороллар ,текис ва тоғлик ,атрофи ажратилган ва архипелагдаги ороллар қирғоқ яқинидаги ва океан ороллари бўлиши мумкинлиги курсатса бўлади. «илдиз» деган тушунчани шакллантириб,расмда илдизларнинг хар хил куринишларини –ер ости ва ер усти ,ўзун ва киска ук илдиз ва сершоҳ илдиз бўлишини кўрсатиб бериш керак ,Албатта ,хамма вақт хам вариацияларнингбарча хилларини камраб олиш имкони бўлмайди.Бунга алохида эхтиёж хам йук,Чунки уквчиларга хиссий тажрибанинг чекланганлигини тушунтириб бериш ,бу тажриба чегарасидан,албатта четга чиқиш мумкинлигини кўрсатиш муҳимдир.

Иккинчидан ,ўқитувчи муҳим бўлмаган белгиларнинг вариациялари бўлиши мумкинлигини ,бу вариацияларнинг принципини ва йўналишини оғзаки такидлаб ўтиш мумкин.Баъзан бу шундай оддий курсатма яъни «тўғри бурчакни тўғри ажратиб кўрсатиш учун унинг факат градус улчовигаэътибор беринг ва хамда унинг каерда ва қандай жолашганлигига эътибор берманг» кабилидаги конкрет курсатма бўлади.Тушунчани очиб бериш вақтида ўқувчилардан муҳим белгиларнигина эмас балки муҳим бўлмаган белгиларни хамда уларнинг эхтимол тутилган вариациясини хам «меедиананинг йўналиши истаган –юкорига,пастга уннга чапга караган бўлиши мумкин»; «сувайргич»хар қандай ва хар қандай баландликка эга бўлиши мумкин»)кўрсатиб беришларини хам талаб қилиш керак.

Кўрсатиш ва тушунтиришни конбинациялаштириш ,албатта,энг яхши натижалар беради масалан,ўқитувчи «вертикал бурчаклар»деган тушунчани киритар экан,бундайдейди: «вертикал бурчаклар факат дарсликда тасвирланганидек бўлиши шарт эмас ,Улар турли холатда туриши

мумкин(доскага чизиб курсатади),бурчакларнинг катталиги ҳам турлича була олади.»(намоиш қилинади).

Ўқувчилар мактабда таълим олар эканлар , фан асосларини эгаллабгина колмасдан .шу билан бирга хилма хил куникма ва малакаларни ҳам хосил қиладилар. Куникма-бу тўғри усул ва йўлларни татбиқ қилган холда бирор ҳаракатни ёки мураккаб фаолиятни мувафаккиятли бажаришдир. Малака деб мустахкамланган ,автоматлаштирилган иш усуллари ва йўлларига айтилиб, бу йўллар мураккаб лекин онгли фаолиятнинг таркибий томонлари хисобланади.Куникмалар машқлар жараёнида вужудга келади,лекин ҳар қандай машқ ҳам(бир қоллипдаги ҳаракатларни такрорлаш сингари) куникмани вужудга келавермайди.

Уўқув, меҳнат, спорт, гигиена ва бошқа малакалар бўлади. Уўқув малакаси деган малакага тухташиб утаммиз. Бу аввало ўқиш, ёзиш, хисоблаш малакасидир. Бу малакалардан ҳар бири жуда мураккаб табиётга эга бўлади. Интеллектуал малакалар ёки ақлий иш малакалари алоҳида қизиқиш уйғотади. Л.С.Виготский, П.Я.Галперин, Н.А.Менчинская, П.А.Шеварёв ва бошқаларнинг тадқиқотларида масалаларни ечиш жараёнида фикрлашни тухташ (қискариш) ходисаси ўрганиб чиқилган. Бир хил фикрлаш жараёнида секин-аста оралик звенолар тушиб қолиши руй беради, бунинг оқибатида бутун жараён туътаган, қисқарган характерга эга бўлади.

Фикрлашнинг нимани ва қандай қилиш керак-қандай операцияларни қандай изчиллик амалга ошириш зарур, деган саволга жавоб берадиган оператив элементлари сакланиб қолади. Н.А.Менчинская билан Д.Н.Богоявленский кўрсатиб ўтишларига қараганда, бунинг маъноси шуки, бир хилдаги машқларнинг таъсири остида ўқувчида нима учунемахкур йўналишда ҳаракат қилиш керак, деган шубҳа тугилмайди ва у мазкур фикрлашга оид масаланинг хусусиятларига мувофиқ келадиган ҳаракат усуллари белгилаб олишгагина эътибор беради.

Малакаларни таркиб топтириш ва мустахкамлашнинг зарур шарт машқ қилиш булиб, у қуйидаги шартларни қаноатлантириш лозим: 1)машқнинг мақсадини аниқ билиш, қандай натижаларга эришиш кераклигини билиш зарур; 2) бажаришнинг аниқлигини махсус кўзатиш ,агар хатолар пайдо булса, улар мустахкамланиб колмаслиги учун машқларнинг натижаларини кўзатиш,ўз ҳаракатларини эталон билан таққослаш ,қандай мувафокиятларга эришиб булинганини англаш ва камчиликларга барҳам бериш учун улардан қайси бирларига диққатни қаратиш кераклигини билиб олиш зарур.3)ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларига боғлиқ бўлган машқлар сони малака хосил қилиш учун етарли бўлиши лозим. Агар машқлар етарли булмаса ,малака мустахкамланмайди,балки тезроқ барбод бўлади.Машқлар ҳаддан ташқари кўпроқ булса ,одатда ўқувчилар кўпроқ бу машқларга салбий муносабатда була бошлайдиларва бу хол кўпроқ эътиборни пасайтиради,натижада малаканинг ххосил бўлишига ҳалакит беради.

4) машқлар бир хилдаги ҳаракатларнинг тасодифий йигиндисидан иборат булмаслиги лозим. Бу машқларга муайян система уларнинг аниқ режалаштирилган тўғри изчиллиги, хусусан уларни секин аста мураккаблашиб бориши асос қилиб олиниши керак. 5) машқлар бир қадар ўзок муддатга ўзилиб қолмаслиги лозим, акс ҳолда малака секин ҳолда ҳосил бўлади, ёки агар у мустаҳкамланмаган бўлса тезда сусайиб қолади, тормозланади, ҳатто умуман йуқолиб кетади. Малаканинг сусайиши ва йуқолиши унинг регрессив тараққиётида ифодаланади. Ҳаракат секин аста деавтоматлашади, уни бажариш яна жиддий эътибор беришни ва унинг ҳар бир элементини онг тўғридан тўғри назорат қилишни талаб этади. Ҳаракатнинг тезлиги ва аниқлиги йуқолади.

4. Таълимни шундай ташкил этиш вазифаси қўйилмоқдаки, у ўқувчиларнинг ақлий тараққиётини максимал даражада таъминлай олсин. Техника тараққиёти ва фаннинг тез суръат билан ривожланаётганлиги ёш авлоднинг умумий таълим тайёргарлиги даражасида тобора кўпроқ талаблар қўймоқда. Уўқув программалари ва курсларни қайта қўриш замонавийлаштириш зарур бўлиб қолди. С.Л. Рубинштейн билан Б.Г. Ананьев биринчилар қатори умумий ақлий ривожланишни Умумий интелектни тадқиқ қилиш билан шугулланишга дават этиб майдонга чиқдилар. Масалан Ананьев бу категориялар одамнинг шундай мураккаб психик хусусиятларидирки, ўқиш ва меҳнатдаги муваффақият ана шу хусусиятга боғлиқдир, деб гапирди. Олимбу категорияларни билишга оид турли вазифаларнинг қўйилиши ва ҳал этилиши билан боғланган, яъни ҳодисага энг муҳим мулжалловчи тавсифнома берган бўлиб, бу тавсиянома уни ҳал этишнинг мумкин бўлган йўллари кўрсатиб берди.

Ю.А. Самарина ақлий фаолиятнинг ассоциатив табиатини системалилик принципи асосида текширар экан, ассоциацияларнинг тегишли даражага бирлашиш характерига қараб ақлий фаолият даражаларини классификация қилиб чиққан (локаль ассоциациялар даражаси-айрим ҳодисалар ўртасида, чекланган-системали ассоциациялар даражаси-мактаб курсининг айрим темаси ва бўлими чегарасида, ички системали ассоциациялар даражаси-муайян уўқув фани доирасида ва бир қатор уўқув фанларининг материални бирлаштирувчи системалараро ассоциациялар даражаси).

Н.А. Менченская ўзининг бир гуҳ ҳодимлари билан бирга ақлий тараққиёт муаммосини самарали тадқиқ қилиб чиққан. Бу тадқиқотлар Д.Н. Богоявленский ва Н.А. Менчанская томонидан таърифлаб берилган қоидага яъни ақлий тараққиёт ҳодисаларининг икки категорияси билан боғлиқлиги ҳақидаги қоидага асосланади. Биринчидан, билимлар фонди тупланган бўлиши лозим-бунга П.П. Блонский Эътиборни жалб қилган эди «қўп қуруқ бош фикр юритмайди: бу бош қанча қўп тажриба ва билимга эга бўлса, у шу қадар кўпроқ фикрлашга қодир бўлади.» Шундай қилиб, билимлар тафаккурнинг зарур шартидир. Иккинчидан ақлий ривожланишнинг характерлаш учун шундай ақлий операциялар зарурки, улар ёрдамида билимлар эгалланади. Яъни ақлий

ривожланишнинг характерли хусусияти –яхши ишлаб чиқилган ва катъий мустахкамланганақлий усулларнинг алохида фондини жамғариш булиб бу усулларни интеллектуал куникмаларга киритиш мумкин .Хуллас ақлий ривожланиш онгда ниманинг акс этиши билан ҳам ва янада кўпроқ бу акс этиш қандай содир бўлиши билан ҳам характерланади.

Тадқиқотларнинг ана шу гуруҳсида ўқувчиларнинг ақлий операциялари турли нуктаи назардан туриб таҳлил қилинади. Аналитик –синтетик фаолият даражалари томонидан белгиланадиган самарали белгилаш даражалари никлаб олинади. Ана шу даражаларга: а) анализ билан синтез ўртасидаги боғланиш, б) бу жараёнлани амалга оширишда воситалар ҳамда в) анализ билан синтезнинг тулалик даражаси характеристикаси асос қилиб олинади. Шу билан бир каторда мактабда уқитиладиган битта фан доирасидаги маълум бир типдаги масалани хал қилиш учун ёки билимнинг турли соҳаларга оид кенг масалалар доирасини хал қилиш учун махсус таркиб топтириладиган операйиялар системаси бўлган ақлий усуллар ҳам ўрганиб чиқилади.

Л. В. Занков нуктаи назари ҳам- қизиқиш уйғотади. Унинг учун ақлий ривожланиш соҳасида хал қилиувчи нарсаси – ўз табиятига кура турли характерга эга бўлган характер усулларини муайян функционал системага бирлаштиришдан иборат. Масалан, кичик ёшдаги ўқувчиларга бир хил дарсларда анализ қилиб кўзатишни, бошқа дарсларда (вақт ва мазмун жихатидан бир- биридан ўзок дарсларда) муҳим белгиларни умумлаштиришни ургатганлар. Ақлий фаолиятнинг анна шу турли характердаги усулларни бита системага, ягона аналитик –синтетик фаолиятга бирлаштириш руй берган чоғдагина ақлий ривожланишдаги прогресс ҳақида гапириш мумкин.

Юукорида баён қилинганлар муносабати билан ақлий ривожланишнинг мазмунига оид мезонлар (белгилар, курсаткичлар) руйхатини Н.Д.Левитов келтириб утади. Унинг фикрича, ақлий ривожланиш куйидаги курсаткичлар билан: 1) тафакурнинг мустақиллиги билан 2)уўқув материалнинг ўзлаштиришнинг тезлиги ва мустахкамлиги Билан,3)Стандарт бўлмаган вазифаларни хал қилишда ақлий чамалашнинг(топқирликнинг)тезлиги Билан,4 ўрганиб чиқиладиган ходисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш (муҳим бўлган нарсани ,муҳим бўлмаган нарсадан ажрата билиш)Билан ва 5) ақлнинг танқидий қараши ,баландпарвоз ,асоссиз мулоҳазаларга мойилликнинг йуклиги Билан характерланади, Д.Б.Элкони учун ақлий ривожланишнинг асосий мезони –тўғри ташкил этилгануўқув фаолияти структурасининг(таркиб топган уўқув фаолияти)ҳамда унинг компонентлари –масаланинг қўйилиши ,воситаларни танлаш ,ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини текширишнинг мавжудлиги ,шунингдек ,уўқув фаолиятидаги предмет ва символик режаларнинг тўғри нисбатидир.

Н.А.Менченская шу муносабат Билан фикрлаш фаолиятининг шундай хусусиятларини,чунончи:

1)ўзлаштиришнинг тезлиги (ёки сустлиги); 2)фикрлаш жараёнининг пухталиги (яъни ишни қайта кўришнинг ттопшириқларнинг ўзгарганшароитларига мослашишнинг осонлиги ёкикийинлиги)3)тафаккурдаги кургазхмали ва мавхум компонентларнинг махкам боғланиши (ёки таркоклиги)ва 4)аналитик с-синтетик фаолиятнинг турли даражасини караб чиқади.

Э.Н.Кабанова – Меллер ақлий фаолиятининг бир объектда таркиб топган уссулларини бошка объектга кенг ва актив равишда кучиришни ақлий ривожланишнинг асосий мезони деб хисоблайди. Масалан, кўлдорлик тўзимини тахлил қилиш схемасини феодал тўзимини тахлил қилишга ммустақил равишда кучириш; Буюк Британиянинг иклимини денгизнинг якинлиги, кенглик, денгиз сатхидан баландлиги, кўп булиб турадиган шамолларни хисобга олган холда тахлил қилиш принципларини Япониянинг иклимини тахлил қилишга кучириш; $(a+v)^2$ формуласини чиқариш вақтидаги тафаккур схемасини $(a+v)^3$ формуласини ммустақил равишда чиқаришга кучири ва хакозо. Ақлий ривожланишнинг юкори даражаси ақлий уссулларни фанлараро умумлаштириш билан боғланган булиб, у анна шу усулларни бир фандан иккинчисига кенгрок кучириш имконини беради.

Ўқувчилар ақлий ривожланишининг бошка бир мезони- «тафаккурнинг тежалиши» деб аталган тушунча, яъни фикрлар миқдори булиб, ўқувчилар ана шу фикр асосида ўзлари учун янги бўлган конуниятни белгилаб оладилар. Бунда З. И. Калининва куйидаги мулохазаларга асосланган. Ақлий ривожланиши паст даражада бўлган ўқувчилар масалани шартларида берилагн ахборотдан суст фойдаланадилар, кўпинча уни куркурона синовлвр ёки асоссиз аналогиялар асосида ечмокчи бўладилар. Шунинг учун уларни ечиш йўллари хам тежамли булиб чиқади, бу йўлда конкрелаштирилиши керак бўлган, такрорий ва сохта мулохазалар кўп бўлади. Бундай ўқувчиларнинг доим четдан тўзатиб тури шва ёрдам бериш талаб қилинади. Ақлий ривожланиши юкори даржада бўлган ўқувчилар кўп билим фондаги ега бўладилар ва унда фойдаланиш усулларини бўладилар, масаланинг шартида берилган ахборотдан Тула бархаманд бўладиларўз харакатларини доимо назорат қилиб турадилар, шунинг учун уларнинг проблемани ечиш йўллари лунда, киска ва рационал екнлиги Билан ажралиб туради.

Ўқувчиларга турли методлар, турли дарсликлар буйича таълим бериш вақтида уларнинг ақлий ривожланиши даражасини аниқлай олиш (яъни турли мароитда таълимнинг самараси ортиб бораётганлигига бахобера билиш) керак. Аниқлаш воситалари дарсликлар ва таълим методларининг оптимал вариантларини танлаб олишда ёрдам бермоги лозим.

Иккинчидан, хар бир ўқувчи максимал даражада ва хар томонлама ривожланиши учун унинг тафаккурини индивидуал хусусиятларига ва интевектуал имкониятларига таяниш принципини, индивидуал таълим принципини амалга ошириш мақсадидаақлий ривожланишд дарижасини аниқлай олиш керак. Хозирнинг ўзидаёк ақлий ривожланишда вақтинча орқада колган, умумий

аклий ривожланишда вақтинча нуксонлар бўлган нормал болаларга анча самарали таълим беришнинг психологик шарт-шаройитлари ўрганиб чиқилди.

Хозирги вақтгача таълим жараёнида ўқувчиларнинг аклий ривожланишига оид айрим диагностика методлари ишлаб чиқилган, бу методлар мактаб ўқувчилари аклий фаолиятининг шундай параметрларини чунончи. 1.ўқув материални класификация қилиш;2.аклий фаолият усуллари ва уларни қучириш мумкинлиги; 3.мустақил равишда билим эгаллаш (муаммони мустақил тарзда хал қилиш,қонуниятни кашф этиш. 4. тафаккурнинг «тежалиши».5)хусусийдан умумийга томон силжиш суръати(тезлиги); 6.харакатларнинг ички плани ва хоказоларни баҳолаш ҳамда улчаш билан боғланган.

Хаётнинг жушкин суръатидан орқада қолмаслик учун умр бўйи ўсиш, уқиб ўрганиш ,ўз билимларини тулдириб бориш керак бўлади. Таълимжараёнида ўқувчиларда актив мустақил,ижодий тафаккурни ,мустақил билиш фаолиятига ,мустақил билим эгаллашга ,ёки баъзи ҳолларда айтишларича ,ўз-ўзича таълим олишга мактабдан кейин мустақил таълим олишга оид қобилиятни бутун чоралар билан таркиб топтиришни нажот йўли деб билмоқдалар. Таълим муайян мазмунга эга бўлган ва махсус ташқил этилган тақдирда кичик ёшдаги ўқувчиларда мавҳумлаштириш ва фикр юритишнинг уйланганидан ҳам анча юқорирок даражасини таркиб топтириш мумкин экан. Бу ёшдаги ўқувчилар тилшунослик ва математика соҳаларидан нисбатан мураккаб абстракттушунчаларни бемалол ўзлаштириб олишлари мумкин.Бу таълимнинг мазмуни ва методикаси одат бўлиб қолган таълим мазмун методикасидан(шу жумладан,янги программаларда турт йиллик бошлангич таълим учун белгиланганмазмун ва методикадан ҳам)жиддий фарқ қилади.назарий ва умумлаштирувчи характердаги билимлар математика она-тили ва меҳнатга оид экспериментал программаларнинг етакчи звеноси бўлиб майдонга чиқади.Таълим умумий типдаги билимлардан анча хусусий ва конкрет қурилишларига оид ғоят бой хилма хилликни англашга утадилар.Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини максимал даражада активлаштириш ,уларнинг актив, мустақил, иждодий тафаккурини авж олдириш мактаб таълимининг муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Таълимнинг асоси-ўқитувчининг ўқувчиларга етказадиган мул-қўл ахборотини эсда олиб қолиш эмас (гарчи бу муҳим вазифа бўлсада),балки бу ахборотни олиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари актив иштирок этиши ,уларнинг мустақил фикр юритишини , мустақил билим олиш қобилиятини ,ўз-ўзича маълумотини ошириш қобилиятини секин –аста шакллантириб боришдан иборат бўлмоғи лозим.Агар ўқувчи юзта теоремани эмас балки элликта теоремани билгани, лекин зарур бўлса, яна зарур бўлса ,элликта теоремани исбот қилиббера олгани яхши десак бу гап тортишувга сабаб бўлмаса керак.Таълим психологияси соҳасидаишляётган тадқиқотчиларнинг асосий вазифаситаълим жараёнида мустақил иждодий тафаккурни ва ўқувчиларнинг билиш

активлигини таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг оптимал даражасини қўлай шароитларини таълимнинг ривожланиб бораётган ролини ошириш шароитларини аниқлашдир. Бунда психологилар Л.С.Виготский томонидан аниқланган коидага ,яъни таълим бериш ўқувчи қўлга киритиб бўлган ривожланиш даражасини кўзламасдан, бирмунча олга кетиши ,ўқувчининг тафаккурига унинг мавжуд имкониятларини бирқанча оширадиган талаблар қўйиши ,у эришган ва яхши ўзлаштириб олган аналитик синтетик фаолият даражасини талаб қилиши керак деган коидага асосландилар. Л.С.Виготский таълимнинг ақлий ривожланишдаги етакчи ролини таъкидлар экан ,таълим ўқувчиларнинг ривожланишидаги кечаги кунга эмас ,балки эртанги кунга таянмоги керак деб ҳисоблаган эди. Таълим ривожланишнинг фақат тугалланган даражаси асосида қурилмасдан ,аввало ҳали унчалик таркиб топмаган (ва шундай таълимтасири остида таркиб топаётган) нарсаларга таянмоги керак.

Л.С.Виготский боладаги ақлий ривожланишнинг икки даражаси ҳақидаги коидани ифодалаб берди. Биринчи даража ,Виготский атаганидек актуал ривожланиш даражаси-ўқувчи тайёргарлигининг мавжуд даражаси булиб ,у ўқувчининг қандай топтириқларни тула мустақил бажара олиши билан характерланади.

Анча юкори бўлган иккинчи даража (уни Виготский *енг якин ривожланиш зонаси* деб атаган) боланинг нимани мустақил бажара олмаслигини, лекин озрок ёрдам билан (йўл-йурик берувчи саволлар, айтиб беришлар, ишора қилишлар, умумий курсатмалар бериш ва ҳақозо) ниманинг уйдасидан чиқа олишини курсатади. Виготский, бола бугун катталар, ўқитувми ёрдамида бажараётган нарсани эртага мустақил равишда ўзини бажаради, энг якин ривожланиш зонасига кирган нарсалар, таълим процессида актуал ривожланиш даражасига утади деб таъкитлаган эди.

Психологлар анна шу принципга асосланиб, таълим процессида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини активлаштиришнинг психологик шарт-шароитларини, ўқувчиларнинг мустақил ақлий фаолият самарали методларини эгаллаш шарт-шароитларини тадқиқ қилмоқдалар, ўқиш жараёнида «тайёр» билимларни ўзлаштириш билан мустақил «кашфиётлар» қандай нисбатда бўлишини аниқламоқдалар. Ҳаар бир ўқув фани мазмунида билимлар системасидан ташқари билишга оид ва Амалий вазифаларини алоҳида типларини ҳам кўзда тутиш кераклигини кўрсатибутилган эди. Бу вазифаларининг ҳал қилиниши билимларни анча онгли равишда ўзлаштиришгагина ёрдам бериб қолмасдан, билимларни мустақил равишда эгаллаш қобилиятини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.

Муаммоли таълим жихатдан бир қанча афзалликка эга бўлади: 1) у ўқувчиларни мантиқий, илмий, диалектик, ижодий фикрлашга ургатади; 2) у ўқув материални анча ишонарли қилади, бу билан билимларнинг эътиқотга айланишга кумаклашади; 3) у, одатда, анча таъсирчан булиб, чуқур интеллектуал ҳис-туғулар, шу жумладан, шодиёна қониқиш туйғусини, ўз имкониятлари ва қучига

ишониш туйгусини вужудга келтиради, шунинг учун у ўқувчиларни қизиқтиради, ўқувчиларда илмий билишга жиддий қизиқишни таркиб топтириди; 4) ҳақиқатнинг, қонуниятнинг мустақил «кашфэтилиши» осонликча унутилмаслиги аниқлаб чиқилган, мустақил ҳосил қилинган билимлар унутилган тақдирда ҳам, уларни тезирок қайта тиклаш мумкин.

Таълим вазифаси маълум шароитда ақлий активликни вужудга келтиришга сабаб бўлиши мумкин. Психологлар ўқувчилар активлигининг манбаи, хусусан уларда мавжуд бўлган тажриба (билимлар, қурқмалар, малакалар) билан билишга оид ўқув вазифаларини ҳал қилиш вақтида улар олдида пайдо бўладиган муаммолар ўртасидаги қарама-қаршиликлардадир деб биладилар. Бу қарама-қаршилик актив фикрлаш фаолиятини вужудга келтиради. Масалан, ўқувчи билишга оид бирор масалани ҳал қилиш керак, бироқ: а) бу масаланинг шартлари уни ҳал қилиш йўлларни айтиб бермайди ва б) ўқувчиларнинг аввалги тажрибаси масалани ечишнинг ҳеч қандай тайёр схемасига, мазкур ҳолда татбиқ этса бўладиган схемага эга эмас. Ўқувчи ўз тажрибасида мавжуд бўлмаган янги ҳал қилиш схемасини, ҳаракат усулларининг янги системасини яратиш зарур белиб қолади. Ўқувчиларнинг турмиш тажрибаси илмий билимларга тукнаш келиши йўли билан проблемали вазиятлар пайдо бўлиши мумкин. Муаммолик даражаси ҳар хил бўлган топшириқларни турлича ифодалаш мумкин. Муаммоли-эвристик таълим турли сифат даражаларида амалга оширилиши мумкинлиги математика материаллари асосида (В.А.Крутецкий) кўрсатиб берилган. Муаммоли эвристик таълимнинг тахминан учта кетма-кет даражасини (ёки босқичини) белгилаб чиқиш мумкин.

Маълумки муаммоли таълим процессини тўртта асосий звенога ажиратиш қабул қилинган: 1) умумий муаммоли вазиятни англаш; 2) уни таҳлил қилиш, конкрет муаммони ифодалаш; 3) муаммони ҳал қилиш (гипотезаларни илгари суриш, асослаб бериш, уларни изчил текшириш); 4) муаммонинг тўғри ҳал қилинганлигини текшириш.

Муаммоли-эвристик таълимнинг учта даражасига оид таклиф қилинган схема ўқитувчининг ўқувчиларга қанча ва қайси звеноларни беришга асосланади (биз кейинги иккита звенони бита қилиб бирлаштирамиз, чунки бизнинг фикримизча, муаммони ечилишини текширишини ҳам ўз ичига олиши керак: текширилган ечимгина ҳақиқий ечим деб ҳисобланиши мумкин).

Таълимнинг анъанавий формасида ўқувчининг ўзи муаммони ифодалаб ва ҳал қилиб беради (формулани ёзади. теоремани исботлайди ва ҳоказо). ўқувчи эса ўқитувчи айтган фикрни тушуниши ва эсда олиб қолиши, ифодани, муаммони ечиш принципини, муҳокаманинг боришини эсда олиб қолиши лозим. Муаммоли таълимнинг биринчи даражаси шу билан характерланадики, ўқитувчи муаммо қуяди, уни ифодалаб беради ва муаммони ҳал қилиш йўлларини мустақил равишда излашга ўқувчини йўллаб туради. Иккинчи даражада шу билан фарқ қиладики, ўқувчида муаммони ҳам мустақил равишда ифодалаш, ҳам уни ҳал қилиш қобилияти тарбияланади. ўқувчи эса

муаммони факат кўрсатиб беради. Нихоят III боскичда ўқитувчи муаммони хатто кўрсатиб бермайди ҳам: ўқувчи уни мустақил равишда ўзи кўриши лозим, уни кургач, ифодалаши ҳамда уни қилиш имконияти ва усуллари тадқиқ қилиши керак. Натижада муаммони мустақил равишда кўриш, муаммоли вазиятни мустақил таҳлил қилиш, мустақил суръатда тўғри жавоб топиш қобилияти тарбияланади.

Ўқувчиларнинг ақлий фаолиятидаги активликни ривожлантиришни ўқитувчининг берган талош-йўналишларидан рағбатланган ҳаракатлардан масалаларни мустақил қўйишга, олдиндан маълум бўлган йўллар ва усуллари танлаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардан масалаларни ҳал қилишни мустақил излашга, сунгра муаммоларни мустақил кўриш ва уларни тадқиқ қилиш малакасини ҳосил қилишга ўтиш сифатида характерлаш мумкин. Тадқиқотчилик методи – ўқув ишларини шундай ташкил этишдирки ундан ўқувчилар билимларга эга бўлишнинг илмий методлари билан танишадилар ва илмий методларнинг ўзлари учун қўлай элементларини ўзлаштириб, янги билимларни мустақил ҳосил қиладилар, изланишни режалаштириш ҳамда ўзлари учун янги бўлган боғланиш ёки қонуниятни очиш малакасини эгаллайдилар.

Муаммоли методни бунинг устига тадқиқотчилар методини таълимнинг универсал методига айлантириб юбориш мумкин эмаслиги шак-шубҳасиздир. Бу метод ҳали мустақил фикр юритиш малакаларини ҳосил қилмаган баъзи бир ўқувчиларга бир мунча қийинлик қиладди (ҳолбуки бошқа ўқувчилар бу методни бемалол ўзлаштиришлари мумкин; масалан бизнинг экспериментларимиз анча қобилиятли ўқувчилар деярли бутун геометрия курсини ўзлари учун; «кашф этиб» олганлар). Бундан ташқари у анъанавий ахборот-хабар берувчи баён қилишга қараганда кўпроқ вақт олади. Лекин бу кейинги ҳолатни барттириб юбормаслик керак. Муаммоли методни жорий қилишнинг дастлабки боскичларида бекор сарф бўлган вақт кейинчалик, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши етарли даражада қанот ёзгач ўз урнига қелиб қолади. Мактаб таълими тажрибасида ҳар икала методни ҳам гармоник тарзда уйғунлаштириш зарур. Барча қонуниятларни «қайта кашф этиш» га ўқувчиларни мажбур қилмаслик керак. Лекин ҳар ҳолда қуриб чиқилган метод мустақил, ижодий тафаккурни ривожлантириш жиҳатидан жуда самарали метод эканлигини унутмаймиз. Бу эса ҳар кимнинг Фан тараққиёти жадаллашиб бораётгани билан биргаликда мустақил равишда олға ҳаракат қилишга имкон беради. Шунинг учун ҳам психологлар ва педагоглар турли ёш боскичларида, турли ўқув предметларида, ўқув курсларининг ҳар хил бўлиmlарини ўтиш вақтини муаммоли ва тадқиқотчилик методларини қўлланиш имкониятларини интенсив равишда тадқиқ қилмоқдалар.

Таълимни индивидуаллаштириш устида махсус тухталиб ўтиш керак. Таълимни индивидуаллаштириш ҳар бир ўқувчи индивидуал (алоҳида), бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда таълим олади деган маънони билдирмайди. (Ҳарчи принцип жиҳатидан шундай таълим бўлиши мумкин бўлса ҳам). Хусусан, программалаштирилган таълим (эпизод сифатида эмас балки таълим

системаси сифатида) ўз табиатига кура индивидуаллаштирилган. Таълимни индивидуаллаштиришнинг маъноси шуки, у ўқувчининг индивидуал –психологик хусусиятларига таянади, ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда курилади. Шу нуқтаи –назардан синфдаги оддий таълим қандай руй беришини қараб чиқамиз. Синф ривожланиши ва таёргарлик даражаси бир хил бўлмаган, ўзлаштириши турлича ва ўқишга муносабати ҳар хил, қизиқишлари хилма-хил ўқувчилардан ташкил топади. Ўқитувчи анъанавий ташкил этилган таълим шароитида ҳаммага бир хилда барабар кела олмайди. Шунинг учун у таълимни уртача даражага – уртача ривожланишга, уртача таёргарликка, уртача ўзлаштиришга татбиқ қилган ҳолда олиб боришга мажбур бўлади – бошқача қилиб айтганда, у таълимни қандайдир афсонавий «урта» ўқувчини кўзда тўтган ҳолда ташкил етади. Бу нарса муқаррар равишда шунга олиб келадики, «кучли» ўқувчилар ўз ривожланишида сунъий равишда ушлаб турадилар, ўқишга қизиқишлари қолмайди, ўқиш улардан кўп ақлий куч сарфлашни талаб қилмайди, «кучсиз» ўқувчилар эса сурункасида орқада қолишга муттало бўлганлар, улар ҳам ўқишга қизиқмай қуядилар, бу ўқиш улардан кўп ақлий куч сарфлашни талаб қилади, «кучсиз» ўқувчилар эса сурункасига орқада қолишга муттало бўлганлар улар ҳам ўқишга қизиқмай қуядилар, бу ўқиш улардан кўп ақлий куч сарфлашни талаб қилади. «Урта даражага кирувчилар» ҳам жуда жуда ҳар хил бўладилар, қизиқиш ва майллари турлича, идрок хотира, ҳаёл ва тафаккур хусусиятлари хилма –хил бўлади. Бир ўқувчи қурғазмали образлар ва тасаввурларга асосли равишда таянмоғи зарур, иккинчиси бунга қамроқ эҳтиёж сезади, бири секин фикрлайди, иккинчисининг ақлий мулжали нисбатан тезлиги билан ажралиб туради, бири тезда олиб қолсада, мустаҳкам эмас, иккинчиси –секин эсда олиб қолсада, кўп нарсани ёдида сақлайди; бирини уюшган ҳолда ишлашга ўрганган, бошқаси қайфиятига қараб, асабийлашиб ва нотекис ишлайди; бири астойидил, иккинчиси мажбуран шугулланади.

Таълимни индивидуаллаштириш принципи ўқитишга ўқувчиларнинг реал типларига таяниш зарурлиги асосланади. Бу принципларни, биз қуриб ўтганимиздек, прогламмалаштирилган таълим жуда яхши амалга оширади. Лекин одатдаги таълим шароитидаги бу принйип татбиқ этилиши мумкин ва лозим. Ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари таълимнинг айрим методлари ва усуллари танлаш ҳамда қўлланиш вақтида уйга берилган топшириқларни қисмларга, бўлишда синф ва контрол ишларнинг вариантларини (уларнинг қийинлик даражасига қараб) аниқлашда ҳисобга олинади. Таълимда индивидуал ёндошиш қамчиликларга барҳам беришнинггина эмас (бу нарса кўпинча анна шундай тушунилади.), балки ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш, ўқишга тўғри муносабатда бўлишни, билишга оид қизиқишларни таркиб топтириш ишларини олиб боришни ҳам аниқлади. Ўқишга салбий (негатив) муносабатда бўлиш ҳолларида бундай муносабатни қелтириб чиқарган сабабларга қараб, тарбиявий чора тадбирлар қўриш керак

бўлади.Бундай сабаблар орасида ўқитувчи билан бўлган келишмовчилик, ўқувчи дуч келган кийинчиликлар ,билимдаги нуксонлар, ўз кучига ишонмаслик ва хоказолар бўлиши мумкин.

Таълимни индивидуаллаштириш тажрибаси бошка мамлакатларда ҳам ,шу жумладан Европа мамлакатларида ҳам ўтказилмокда .Масалан,бундай тажриба А+Шдаги бир неча мактабда ўтказилмокда, лекин биз унга ижобий баҳо бера олмаймиз, чунки у интеллетуал ривожланишнинг генетик жихатдан шартли туғма даражаси ҳақидаги гайри илмий гоёларга асосланади ва болалар коболиятланинг тенгсизлигини белгилаб беради. Лекин психолгик-дидактик характердаги айрим жихатлари маълум қизиқиш уйғотади.

Барча болалар ўқишга қобилиятлидирлар, ҳар бир нормал ва психик жихатдан соғлом ўқувчи урта маълумот олишга қодирдир, мактаб программалари доирасида уўқув материаларида маълум даражада муваккياتли эгаллашга қодирдир, бинибарин ўқувчи ҳамма ўқувчиларнинг ҳам шундай бўлишига эришмоғи лозим, деган нуктаи назарда турадилар. Лекин бундан ҳамма ўқувчиларга ҳам таълим бериш бир хилда осон, деб асло уйлаб бўлмайди. Ҳар қандий таълим методикаси шароитида, бу таълим яхши ташкил этилган шароитда бир хил ўқувчилар яхшироқ ҳаракат қилиб, бошкалардан кура юкори натижаларга еришадилар. Бир ўқувчи алоҳидақўп куч ва меҳнат сарф қилмасдан нисбатан киска муддат ичида юксакнатижаларни, катта муваффақиятларни қўлга киритади, уша даражага шунчалик тез ва осонликча кўтарила олмайди.

Укий олишлик- доимий ва ўзгармас сифат емас, олдиндан белгилаб олинган қандайдир бир нарса емас, у таълим жараёнида тегишли фаолиятни эгаллаш жараёнида ривожланади ва такомиллашади. Шунинг учун айрим уквчиларнинг ўқишидаги, нисбатан паст даража ўқитувчини анна шу уквчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ҳар тамонлама ривожлантириш,уларнинг уўқув материалларини тулақонли ўзлаштиришига ҳаракат қилиш заруратидан ҳалос этмайди.

Бироқ ттадқиқотларнинг кўрсатишича ,укий олишдаги индивидуал фарқлар шу қадар каттаки,ҳамма категориядаги ўқувчилар учун бир хилда оптимал бўлган умумий таълим шарт шароитларини яратиб бўлмайди . Шу нарса белгилаб чиқилганки ,кенгайтирилган ва мазмун жихатидан анча мураккаб программа асосида таълим бериш – укий олишлик қобилияти бирмунча юкори эканлиги яққол намоён бўлган ўқувчилар учун оптимал даражадаги таълим бўлади. Материални таълимдаги муаммолилиқ принципини максимал даражада амалга ошириш асосидатақдим этмок керак. Бундай ўқувчиларга муаммоларни ҳал этишнинг асосий, принципиал жихатдан янги услубларини кўрсатиб беришга қаратилган ва четдан бериладиган нисбатан озгина кумак кифоя қилади.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишнинг характерли ҳусияти - улар психикасининг ожиз томонларига пассивик билан мосланиш емас, балки бу ўқувчилар максимал даражада вояга етиши учун уларнинг ақлий ривожланишига актив тасир кўрсатиш принципи булмоғи лозим. Тарбиячи ва

ўқитувчи айрим болаларда ўзининг уртача эканлиги, қобилиятсизлиги ва хатто мукаммал эмаслиги ҳақида пайдо бўлган тасаввурга активлик билан қаршилиқ кўрсатишлари лозим. Таълим бундай ўқувчининг индивидуал хусусиятларига мувофиқлашмайди, балки ўқувчининг ўзи тобора тезлашиб ва мурккаблашиб бораётган таълим жараёнига мувофиқлашади.

Кўпгина ўқитувчилар муттасил ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлашда, ҳамма ўзлаштирмовчи ўқувчилар «бир хилда ёмон» тафаккир хусусиятларига эгадирлар ва ўзлаштимаслигига барҳам бериш учунайни бир хил ёндошиш (одатда – бир хил методика буйича қушимча машхулотлар ўтказиш) зарур, деб хатто уйлайдилар. Анн шу хатто фикр, афтидан, бир хил ўқувчилар билан ишлашда кўпинча мувафаккиятсизликка учрашга сабаб бўлаётганга ухшайди. Ҳақиқатда, бу ўқувчилардаги тафаккур хусусиятлари жуда ҳар хил, уларнинг муттасил ухлаштимасликлари сабаби ҳам ҳар хил бўлиб, улар билан ишлаш методикаси ҳам ҳар хил бўлиши лозим. Методика материали асосида ўтказилган текшириш, жумладан, шуни курсатдики, «қобилиятсиз» ўқувчилар нисбатан ривожланишда ва ўз тафаккуридаги курғазмали – образли ва сўз – мантик компонентларининг нисбатида анча фарқ қиладилар (афтор материалларидан).шунга биноан математикадан муттасил ўзлаштирмовчи ўқувчиларнинг бир неча типлари ўрганиб чиқилган бўлиб биз улардан иккита асосий типини баён қиламиз.

Интеллектуал фаолиятнинг конкрет – курғазмали планидан сўз – мантик планига ва сўз – мантик планидан конкрет – курғазмали планга ўтишга келганда шуни айтиш керакки, бу типдаги ўқувчилар биринчи йўлни иккинчисига оз кийинчилик билан амалга оширадилар. Улар учун образга таянишдан кура, образдан ўзоклашиш осонроқ (гарчи ҳар иккаласи ҳам маълум кийинчиликлар билан боглиқ булсада). Кўрсатиб утилган типга мансуб бўлган ўқувчилар математикадаги абстракцияга мойил бўладилар, муҳим бўлмаган белгиларнинг конкрет аҳамиятларидан ўзларини олиб қочишга ҳаракат қиладилар. Бироқ, бундай абстракция, одатда, шошилишч абстракция бўлади, чунки унинг учун ҳали етарли хиссий база йук ваши у сабабли асоссиз абстракция бўлади. Абстракциябилан чамбарчас боглиқ бўлган умумлаштириш ҳақида ҳам ҳуди шу гапни айтиш мумкин. Бу уринда ҳам умумлаштиришга, маълумки, мукаммал бўлмаган, шошилишч умумлаштиришга мойинлиқанча аниқ ифодаланган бўлади.

Фикрлаш фаолиятининг конкрет – курғазмали планидан сўз – мантик планига ўтишни бу типдаги ўқувчилар кийинчилик билан амалга оширади. Уларнинг образдан ўзоклашуви кийин бўлиб, орқага қайтиши – образга таяниши нисбатан осондир. Табиийки, хатто абстракциянинг хиссий базаси тамомила етарли бўлган ҳолда ҳам бу абстракция жараёни улар учун нихоятда кийинлик қилади. Умумлаштириш бу грух ўқувчилари учун жуда кийин жараёндир. Бу типга мансуб бўлган ўқувчилар курғазмали – образли материални сўз – мантик материалига қараганда яхшироқ эсда олиб

ва эсда саклаб коладилар. Таърифлар, ифодалир, мантикий схемалар, исботлаш ва мулохазаларга оид схемалир яхши эсда олиб колинмайди, ёдлаш учун кўп вақт талаб қилади, тез унитилади.

Дифференциялаштирилган таълимнинг барча санаб утилган формалари асосида куйидаги фикр, яъни ҳамма ўқувчилар ҳамма фанлар буйича билимларнинг муайян минимумини тула-тукис ўзлаштиришлари (бу минимум давлат уўқув программаларида белгилаб берилган), бундан ташқари эса, айрим фанларни асослирок ва чуқуррок ўрганишлари ёки уўқув пиланига кирмайдиган фанларни ўрганишлари мумкин, деган фикр ётади.

Дифференциялаштирилган таълим тажрибаси ва уни махсус равишда текшириб чиқиш (М.А.Мельников, Д.А.Эпштейн ва бошқалар) шуни курсатдики, бу таълим ҳамма ўқувчиларга зарур билмлар ҳажмини беришга ва айтилган вақтда Фан, техника, санъатнинг исалган соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш имкон тугдиради. Бундай дифференциялаштириш ўқувчиларнинг индивидуал қизиқиш – ҳавасларини ва қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам беради.

+қобилиятларини таркиб топтириш ва ривожлантириш муаммоси муносабати билан психологларнинг бир қанча таққотларини ўқувчиларнинг турли фаолият турларига бўлган қобилиятларини аниқлашга қаратилганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Бу уринда қобилиятлар деганди кишининг муайян фаолияти талабларига жавоб берадиган ва унинг мувоффақиятли бажарилиши шарт бўлган индивидуал психолог ҳусиятлари комплексия тушунилади. Шундай қилиб, қобилиятлар – мураккаб, интеграл психик таризда ҳосил бўлган нарсалар ҳусиятлар ёки компонентларнинг ўзига ҳос синтезидан иборатдир.

Ақлий фаолиятнинг ҳусиятлари бўлган математик қобилиятлар ҳақида гапирганда (В.А.Крутецкий таққотлари), аввало ўқитувчилар ўртасида бир мунча тарқалган янглиш фикр ҳақида тухталиб ўтиш керак. Биринчидан, кўпкина кишилар математик қобилиятлар даставвал тез ва аниқ ҳисоблаш (жумладан, кунгилда ҳисоблаш) қобилиятдан иборат деб ҳисоблайдилар. Аслида эса ҳисоблаш қобилиятлари чинакам математик (ижобий) қобилиятларни таркиб топтириш билан ҳамма вақт ҳам боҳлик эмас. Иккинчидан, кўп кишилар математикага қобилиятли бўлган ўқувчилар формулалар, рақамлар ва сонларни эслаб қолиш учун жуда яхши хотирага эга бўладилар, деб ҳисоблайдилар. Бироқ академик А.Н.Колмогоров кўрсатиб ўтганидек, математикадаги муваффақият кўп муктордаги фактлар, рақамлар, сонлар, формулаларни тез ва мустаҳкам эсда олиб қолиш қобилиятига анча кам асосланган. Нихоят, бир хил одамлар математик қобилиятларнинг курсаткичларидан бир фикрлаш жараёнларининг тезлигидир деб ҳисоблайдилар. Бироқ ишнинг тез сурати ўз-ўзича математик қобилиятларга алоқадор эмас. Ўқувчи секин ва шоммасдан ишлаши, шу билан бир вақтда математикани ўзлаштиришда уйлаб, ижобий, муваффақиятли равишда олға бориш мумкин.

қобилиятли ўқувчиларнинг (математик фаолият жараёнидаги) тафаккури: а) тез ва кенг умумлаштириш билан (хар бир конкрет вазифа намунавий масала сифатида хал қилинади); б) тугал хулоса чиқаришлар тенденцияси билан (мантикий жихатдан худа аниқ асосланган мавжуд бўлганда); в) фикрлаш жараёнларининг зўр ҳаракатчанлиги, масалаларини ечишга ёндошдаги нуктаи-назарларининг хилма-хиллиги, бир ақлий фаолиятдан иккинчисига оссон ва эркин ўтиш биан, тўғридан тўғри фикрлашдан тескари фикрлашга ўтиш биан; г) масалани ечишда аниқликка, оддийликка, рационалликка, тежамликка (ихчамликка) интилиш билин характерланадию.

Математикага қобилиятли бўлган ўқувчиларнинг хотираси математик системаларнинг (масалаларнинг) турли элементларига нисбатан турлича намоён бўлади. Уларнинг хотираси умумлашган характерга эга бўлади. Масалаларнинг типлари ва уларни ечиш усуллари, фикрларнинг, далил-испотларнинг схемалари, мантикий схемалар тез эсда олиб қолиниди ва мустахкам эсда сақланади. Конкрет маълумотларини, рақамларини, сонларини эсда олиб қолишга келганда шуни айтиш керрки, у математик қобилиятларига нисбатан бетарафдир. Бундай ўқувчилар яхши ривожланган фазовий тасаввурлари блан фарқ қиладилар.

Матиматикага алохида истеъдотли бўлган ўқувчиларга ақлини ўзига хос математик муносабатлар призмаси орқали идрок қилишга мойиллик уларни мантикий ва математик категориялар тарзида аниқлаш хсусияти характерлидир.

Бу проблеманинг ахамияти ҳозирги вақтдаги ишлаб чиқарувчига (ишчи, техник, инженер) қўйилаётган юксак техника талаблари блан ижодий фаолият элементларини ҳозирги ишлаб чиқариш механикага кўпирок жорий қилиш ва ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатнинг тоборо бир-бирига яқинлашуви билан белгиланади.

Пировардида шуни таъкидлаш керакки, таълим процессида ва таълимнинг таъсири остида ўқувчининг шахси таркиб топади. Бу вақт Дунеқараш, қизиқишлар, қобилиятлар (таълимнинг уларга таъсир кўрсатиши аниқ қуриниб турибди) каби шахсий хсусиятларигина эмас, балки маъавий куёфага, эмоционал иродави сифатларга, характерга ҳам тааллулидаир. Тўғри таълим хамиша ўқувчиларнинг маънавий жихатдан усимшини, улар шахсининг вужудга келишини, уларнинг коммунистик мақсадини таркиб топтиришини билдиради. Шу маънода таълим қилишни таркибиялайди, бу эса бизга тарбияловчи таълим тўғрисида гапириш ҳуқуқини беради.

Кўникма ва малакаларни шакллантириш билимларни ўзлаштирибгина қолмай хилма-хил кўникма ва малакаларни Ҳосил қиладилар.

Кўникма - машқ қилиш натижасида юзага келган ҳагги-Ҳаракатларнинг автоматлашган усули. Физиологик жихатдан кўникма бош миянинг катта ярим шарлари пўстлогиди Ҳосил бўлиб, вақтинчалик нерв боғланишларининг барқарор тизимининг функциясини таъминлайди. Динамик-стереотипларни яратиш

шароитлари бир вақтнинг ўзида автоматлашган акт билан мураккаб аналитик-синтетик фаолиятни юзага келтиради. Бунинг натижасида нафақат кўникмалар, билим малакалар ҳам юзага келади.

Малака - олдинга қўйилган мақсад ва ҳатти-Ҳаракат шароитидан келиб чиқадиган муваффақиятли Ҳаракатлар усулидир. Малакалар ҳатти-ҳаракат услби бўла туриб, маълум фаолият турига қараб ишлаб чиқариш, ўқув, ижтимоий, спорт, ташкилий, техник фаолият, илми фаолият, санъат соҳасидаги кўникмалар ва бошқалар бўлиши мумкин. Лекин, барча фаолият турларида қўлланиладиган кўникма ва малакалар мавжуд: булар – ҳаракат, сенсор, ақлий кўникма ва малакалардир. Ҳаракат кўникмаларига жисмоний меҳнат, спорт ва ўқув кўникмалари (ҳат ёзиш, тез ўқиш ва ҳоказо) киради.

Сенсор кўникма ва малакаларга ўлчов, ёруғлик, овоз ва символик маълумотларни тез ва тўғри қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ва бошқариш марказларида такрорлаб боришлар киради.

Ақлий кўникма ва малакаларга – кузатиш усуллари, малакаларни ривожлантириш, оғзаки ва ёзма ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш, ҳаракатларга йўналтириш, китоб билан ишлаш, архив материалларини йиғиш, илми тажриба ўтказиш ва ҳоказо, кўникмалар машқ натижасида юзага келади, яъни бунда мақсад сари йўналтирилган (доими) қайтариш мустаҳкамлашга олиб келади ва самарали усуллар асосида қата-қайта қайтарилиши амалга оширилади.

Инсон томонидан эгалланган кўникма ва малакалар янги кўникмаларни шакллантиришга таъсир кўрсатади.

+онуниятлар:

1. Кўникмаларнинг ҳосил бўлишининг нотекис жараёни. Бу машқларнинг эгри графигида намоён бўлади. Юқорида келтирилган расмда бунни кўриш мумкин.
 2. Кўникмаларнинг кўчиши, Ижобий кўникмаларнинг янгиларини шаклланишига таъсири кўчиш дейилади. Кўникмалардаги салбий таъсир эса интерференция деб аталади, бунда эски кўникма янгисининг шаклланишига ҳалақат беради.
 3. Кўникмани прогрессив ва регрессив – кўникма узок вақт миқдорида хизмат қилиши уун ундан фойдаланиш лозим. Акс ҳолда деавтоватлаштириш юзага келиб, зарур ҳаракатлар ўз тезлиги, янгиллиги, аниқлиги ва автоматлаштирилган ҳаракатларни таъминловчи хусусиятларини йўқотади.
- Одатлар – бу шундай ҳаттиқҳаракатларки, улар ўз-ўзидан автоматик тарзда юз беради. Одатларни инсоннинг маданий ва ахлоқий ҳулқида аҳамияти катта.
- Таълим боқариладиган жараёни бўлиб, бунда ҳар бир боланинг ҳаракати қадамба-қадам назорат қилинади, ўқитувчи ҳар бир босқичда ўқувчининг билимларини малакаларини ўзлаштириш ҳақида ахборот олиб туради, янги материал аввалги метриални ўзлаштиришга қараб тақдим этилади.

Такрорлаш ва муҲокама қилиш учун саволлар.

1. Ўқув фаолияти ва унинг элементлари нималардан иборат?
2. Таълим жараёнида билимларни ўзлаштириш: нимага боғлиқ?
3. Ўқиш мотивлари ва мотивацияга изоҳ беринг.

4. Ўқув фаолияти мотивациясининг манбаларига нималар қиради?
5. Билимларияи ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик компонентлари нималардан иборат?
6. Таълим фаолиятига кўра таълимнинг қандай методларини биласиз?
7. Кўникма ва малакалар таълим жараёнида қандай шакллантирилади?
8. Ўқув фаолиятини бошқариш деганда нимани тушунасиз?

Мавзу: Тарбия психологияси

Режа:

- 1. Мактаб ёшида шахсни таркиб топтиришнинг психологик қонуниятлари. Ўқувчиларга индивидуал муносабатда бўлиш принциплари.**
- 2. Тарбиявий иш услублари ва формаларининг психологик асослари.**
- 3. Жамоа ва унинг тарбиявий таъсири. Оилада ва мактабда ўқувчи шахсини таркиб топтириш оминлари.**
- 4. Меҳнат тарбиявий таъсирининг психологик асослари.**
- 5. Тарбияда индивидуал ёндошишнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 6. Мустақиллик шароитида тарбиянинг асосий вазифалари.**

Адабиётлар

- 1. Педагогик психология асослари В. А. Крутецкий «ўқитувчи» 1976 й.**
- 2. МАктабгача тарбия психологияси. М. Вохидов Тошкент 1970й.**
- 3. Психологияси маърузалар матни. В. Каримова Тошкент 2000 й.**
- 4. Оила психологияси. Э.Гозиев Тошкент 2002 й.**

Ўқувчиларни индивидуал муносабатда бўлиш орқали ўрганиб борилади. Индивидуал муносабат – ўқувчига таъсир этиш йўли булиб, ўқувчини ўрганишдаги дастлабки босқичлардан бири ҳисобланади. Ўқитувчи болалар коллективида ҳар бир ўқувчининг ҳуқ-атворини, қизиқишини, қобилиятини, билимини, гайратини, характерини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини олиб боради.

Мактабда ўқувчилар учун ҳуқ ва мактаб қоидалари бир хил булса ҳам, унинг ижроси турли ўқувчида турличадир. Бу нарса ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигидан далолат беради.

Ўқувчиларга салбий ҳолларда, кўпинча тезчора кўришни талаб қилиш лозим бўлгандагинаиндивидуал муносабатдабўлиш билан чегараланиш нотўғридир. Масалан, ўқувчи Т. га берилган характеристикада «Т. жуда қобилиятли киз. Колективнинг актив аъзоси. Синфда катта обруга эга» дейилади. Бу фикргаасосланганда, бу ўқувчига индивидуал муносабатдабўлиш талаб қилинмас эди. Т. га берилган характеристикада Яна шундай фикрларни уқиймиз: «характер жихатдан у ўзини катта тутувчи, инжик, гап кутара олмайдиган киз. Ўз максатига эришишда ҳеч нарсадан тортинмайди». Бундан маълумки, бу «алочи» ўқувчи билан албаттаиндивидуал муносабатда бўлиш лозимдир.

Баъзан ўқувчиларга индивидуал муносабатни ҳар бир болани чуқурроқ ўрганиш, тушуниш билангина чеклаб қўядилар-да, бу соҳадаги ишни давом эттирмайдилар. Индивидуал муносабатнинг бундай чегараланиши унинг таъсирчанлигини, амалийлигини йукотиб қўяди.

Педагог болаларни ўрганишда ҳеч қачон педагогик мақсадни унутмаслиги керак. Ўқувчини ўрганишда тарбияга асос булувчи хусусиятларни ва қайта тарбиялаш талаб этиладиган салбий хусусиятлар билан бирга, ижобий томонларни ҳам топиш керак.

Ўқувчи – камол топиб боровчи, энг авалло, таълим-тарбия таъсири остида шахс сифатида вояга етувчи одамдир.

Яхши ўқитувчи ўқувчиларнинг яхши-ёмон томонларини билади, улар учун нималар кийин эканлигини пуйкайди, бу кийинчиликларнинг олдини олади ва кимларга ёрдамлашиш зарур бўлса, ушларга кумак беради. Бундай ўқитувчи ғоят даражада ҳаяжонли, серҳаракат болаларни тинчлантиради, уятчан, тортинчокларни маъқўллайди актив, истеъдодли болаларга Яна иш беради, дангасаларни «ҳаракатга солишга» урунади, қобилиятсизларга қўшимча ёрдам курсатади.

Ўқиш ёки меҳнат натижаларига баҳо қўйишда барча учун ягона меъёр бўлса-да, айрим ҳолда ўқувчиларнинг индивидуал хусусияти назарда тутилиб, бу муҳим қоидадан чекинишга рухсат этилади. Индивидуал муносабат мураккаб ва кўп иррали процессдир. Индивидуал муносабат ўқувчини ҳар томонлама билишда фойдаланади. Ўқувчини ўрганишда унга нисбатан ҳамма вақт одиллик билан иш қўриш керак. Одиллик – ўқитувчи шахсининг муҳзим характер хислати бўлиб, ўқувчилар буни жуда қадирлайдилар. Мактаб ўқувчилари (айниқса, ўсмир ва успиринлар) ўз билимлари ва ҳатти-ҳаракатларига баҳо беришда ҳаққониятсизлик қилган ўқитувчисини ҳеч қачон кечирмайдилар. Уларнинг фикрича, ҳаққониятсиз ўқитувчи энг ёмон ўқитувчидир.

Ўқувчитни унинг келажакини олдиндан қўра билган, унга ишонган ҳолда ўрганиш керак. Ўқитувчида: «Агар ўқувчидабугун ёмон томонлар кўп бўлса, эртага албатта яхши томонлари ортиб боради», деган умид бўлиши лозим. Ўқувчининг қўчига ишониш, унда, қўчкинабўлса ҳам, яхши хислат қўрлигини билиш асосида унинг шахсини тарқиб топтириш индивидуал муносабатнинг энг яхши томонидир. Ҳуди шундай муносабатни биз юқорида Ф.Н. Қоноболин қелтирган мисолда яққол қўрамиз.

Ўқувчиларга индивидуалмуносабатда бўлишда ўқитувчининг олидида асосан қўидаги вазифалар туради:

1. ҳар бир ўқувчини, унинг ўзига ҳос психологик хусусиятларини яхши билиш.
2. Ўқувчиларга таълим-тарбиявий таъсир қўрсатиш методларини ва усулларини таллашда ва уларни татбиқ этишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, бу ерда педагогик тақбирлар ҳамда ўқувчиларга бир меъёрда қўлланилишга алоҳида эътибор бериш.

3. Ўқувчилар билан тўғри педагогик муомалада бўлиш учун қандай муносабат ўқувчида қандай оқибатларни келтириб чиқаришни олдиндан билиш.

Шахс одам иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар системасининг таъсири остида ва унда ўзи бажарадиган фаолият таъсирида таркиб топади.

Ижтимоий муҳитнинг, жамоанинг шахсга таъсири тўғрисида гапирилар экан, социал психология ишлаб чиқаётган *референт гуруҳ* тушунчасига асосланиш зарур. Гап шундаки, хама одамлар ҳам, хатто энг якин теварак-атрофдаги одамлар ҳам мактаб ўқувчисининг шахсига таъсир қилавермайди, кўпларнинг фикрларига у бефарқ қарайди. Хаар бир одам учун бўлганидек, ҳар бир мактаб ўқувчиси учун ҳам айрим гуруҳлар (баъзанг бундай гуруҳ бир кишидан таркиб топган бўлиши мумкин) мавжуд бўлади, у шахс сифатида бу гуруҳнинг фикрлари, ўзи учун нихоятда аҳамиятли бўлган мулохазалари билан ҳисоблашади. Оила, синф, синефдаги айрим ўқувчилар, баъзи ўқитувчилар, ховлидаги улфатлар, якин дуст ва хоказолар муайян мактаб ўқувчиси учун анна шундай референт гуруҳлар бўлиши мумкин. Мактаб ўқувчисининг тез-тез учраб турадиган тарбиявий таъсирларга бефарқ ёки хатто салбий муносабатда бўлиш ҳолларида кўпинча ўқувчининг тарбиячига маълум бўлган референт гуруҳ позициясилатуриши сабаб бўлади. А.В.Петровскийнинг оқилона фикрига қара, агар тарбиячи, мактаб ўқувчиси ҳеч нарса ва ҳеч ким билан ҳисоблашмайди, унинг учун ҳеч қандай обрӯли одамлар йук, унга ҳеч ким таъсир қила олмайди, деб даво қиладиган бўлса, бу нарса одатдатарбиячининг мактаб ўқувчисининг аахлоқий поэзиясининг белгилаб берадиган таъсирли референт гуруҳлардан мутлақо хабарсиз эклигини билдиради.

Психологлар тарбиявий иш методларининг психологик асосларини ишлаб чиқаётганларида, тарбиянинг ҳар қандай методига абстракт тарзда қараб ва уни баҳолаб бўлмайди, деган фикрга асосланадилар.

Шахснинг ижобий йўналишини таркиб топтириш учун, мактаб ўқувчисининг барча вазият ва ҳолатларда тўғри йўл тўтишни *исташи* ҳамда *тўғри йўл тўтиши* учун унинг нима қилишни билиши, ўзи ҳурмат қиладиган кишиларнинг нима қиладиганларини кўриши ва ўзи ҳам тўғри ҳуқ-атворли бўлишни *маиш қилиши* (бу – энг муҳими) зарур.

Билимлар – аахлоқий тасаввурлар ва тушунчаларнинг муайян системасини эгалламасдан туриб ҳақиқий эътиқодларни таркиб топтириб бўлмайди. Ўз-ўзидан бу билимлар аахлоқий ҳуқ-атворни белгиламасдан туриб, унга муҳим таъсир курсата олмайди.

Аахлоқий онгни таркиб топтиришнинг энг муҳим йўли ўқувчиларнинг ўзларида тўғри ҳуқ-атворни юзага келтириш билан аахлоқий тажрибани бойитиш ва умумлаштириш йўлидир, албатта. Ўқувчилардаги аахлоқий билимнинг турли-туман формалари, уларнинг онги ва ҳис-туйғуларига жонли, ёркин оташин сўзнинг (тарбиячилар, мактаб кутубхоналари томонидан уюштирилган

индивидуал ва коллектив этик суҳбатлари, маърузалар, мунозаралар, китобхонлар конференцияларининг) таъсири бу ишни анча тулдириши мумкин .

Хатто актив таъсир кўрсатишнинг ажойиб устаси бўлган А.С. Макаренко ҳам аахлокий (этик) суҳбатларнинг чинакам тарафдори эди. Унинг ўзи назарий аахлокий турдаги суҳбатларнинг конспектини ёзар, уларда энг яхши аахлокий назариянинг энг катта самараларининг кураб эди.

Муайян принциплар ишлаб чиқилган бўлиб, аахлоққа доир суҳбатлар уша принциплар асосида тўзилиши керак. Бу принциплар қуйидагилардир:

1. Аахлоққа доир суҳбатлар мазмуни жихатидан тегишли ёшдагиларга тушунарли бўлиши лозим. Мавхум ва абстракт тушунчалар, мураккаб мулохазалар билан толиктириб қўйишга йўл қуйиб бўлмайди.

2. Одатда, суҳбат ўтказиладиган коллективни, унинг йўналишини, бу коллектив аъзоларининг ўзаро муносабатларини, ўқитувчига, ўқиш ва бошқаларга муносабатини яхши билиш зарур.

3. Бундай суҳбатларни нихоятда тез-тез ўтказиш турмаслик даркор. Агар суҳбатлар конкрет сабаблар билан, мамлакат ёки коллектив ҳаётидаги бирор воқеага, масалан октябрь, революциянинг, катнашувчилари билан, қаҳрамонлар билан учурашувларга, Янги китоб ёки кинофильм чиққанлигига, мактаб ҳаётида юз берган бирор ижобий ёки салбий воқеага тугирлаб ўтказилс, жуда яхши натижа беради.

4. Суҳбатни Еркин, яхшилаб танлаб олинган конкрет мисолларни, ҳаётий воқеалар ёки адабий асарлардаги фактларни ҳамда кўзатишларни таҳлил қилишдан бошлаб, умумлаштириш ҳамда хулосалар чиқаришга ўтиш тавсия этилади.

5. Эмоционал тарзда келтирилган, Еркин ва таъсирчан образга оқилона таяниш (нафис санъатдан, адабиёт асарларидан фойдаланиш, кинофильмлар ёки театр асарларига коллектив бўлиб бориш ёхуд уларни коллектив бўлиб еслаш) зарур.

6. Ўқувчиларнинг онгига сингдириладиган қоидаларнинг яхшилаб асослаб берилиши, исботланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳама нарсани тушуниб олишга ва бунинг оқибатида далил қабул қилишга, унинг асосланганлигига ишонч ҳосил қилишга, унинг асосланганлигига ишонч ҳосил қилишга, оқилона исботларга рози бўлишга қодир бўлган ўқувчилар ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш пайтида жуда муҳимдир.

7. Ўқувчиларда максимал оқтивлик уйғотиш, жонли равишда фикр алмашиш истагини уйғотиш, уларнинг фикрин авж олдириш ва ўзларини аахлоқ масалалари устида уйлаб кўришга мажбур қилиш зарур. Ўқувчиларга тайёр ҳақиқатни зўрлаб қабул қилдириш ярамайди, аахлоқ нормалари ҳақидаги хулосаларини уларнинг актив иштирокида (аммо ўқитувчининг раҳбарлигида) чиқартириш керак. Бунинг учун суҳбат жараёнида муҳабабга қўйилиши керак бўлган масалаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш тавсия этилади.

8.Ўқувчиларда чуқур ва таъсирчан амоцияларини уйхотишга интилиш лозим. Бунда ўқитувчи суҳбатни бефарқ ва шавк-завксиз эмас, балки эмоционал тарзда жонли қилиб ўтказганидагина эришиш мумкин. Ўқитувчи ўзининг эхтиросли эътиқоди ўсмирларга юкушини унутмаслиги даркор.

Тарбиячиларнинг шахсий намунаси (шу жумладан, ўқитувчиларнинг шахсий намунаси) ўқувчи шахсини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи кўпинча ўқитувчига таклид қилиб, унга ухшаҳга ҳаракат қилади, лекин биринчидан, буни кўпинча тушуниб етмасдан қилади, иккинчидан, ўқитувчининг ташқи қуриниши ва қилиқлари таклид қилади, чунки у ҳали шахснинг намоён бўлишини таҳлил қилишга ва шахснинг барқарор хислатларини англаб етишга қодир эмас. Ўсмир ва катта мактаб ёшидаги ўқувчи кўпчилик ҳолларда намунага онгли равишда таклид қиладилар. Ўсмир ўзини катта деб ҳисоблай лошлаганда эътиборан ктталарнинг хатти-ҳаракатлари ва ишларига таклид қилишга интилади. Шунинг учун унда теварак-атрофдаги кишиларнинг, айниқса ўзига энг яқин ва ўзи учун энг обрули кишиларнинг хатти-ҳаракатларига қизиқиш ҳамда эътибор бериш юзага келади. Ўқитувчи қанчалик обрули бўлса, унинг эътиқоди, билимлари, фикрлари, диди ўқувчиларга шунчалик кўп таъсир қиладиган бўлади.

Ўқитувчилар ва ота-оналар базан тарбиявий ишларда ўзларининг шахсан намуна кўрсатишларининг таъсирига етарлича баҳо бермайдилар. Холбуки, уларнинг қилаётганишлари, ўзларини қандай тўтишлари уларнинг айтган гапларига, ургатган нарсаларига қараганда камроқ эмас, балки кўпроқ аҳамиятга эга бўлади. А.С.Макаренко таъкидлаб ўтган эдики, бу жихатдан одам ҳулқ-атворининг ҳама томонлари, хатто одамнинг қандай ўқувониши ва хафа бўлиши, унинг дустлари ҳамда душманлари билан қандай муносабатда бўлиши, унинг бошқа кишилар билан гаплашиши ва бошқалар тўғрисида қандай гапириши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тарбиячи ҳулқ-атворининг ўз сўзларига зид келиши ҳоллари ҳам тарбия учун жуда зарарлидир. Агар ўқувчи бундай ҳолни бир неча марта, унинг устига, ҳар хил кишиларда кўзатиладиган бўлса, унда икки юзламалик тарбияланади.

Агар ўқувчи аахлоқий жихатдан ҳали барқарор бўлмаса (жуда кўп ҳоллардашундай бўлади) ёки бунга ухшаш намуналарни у бир неча марта қабул қилган бўлса. Унда унинг ҳулқ-атвори уша намуналарга мувофиқ тарзда ёмон томонга ўзгариши мумкин.

Табийки, ҳама ўқитувчилар ва ота-оналарнинг камчиликларибўлмаслигини ҳамда ўз хатти-ҳаракатларида хатоларга йўл қўймасликларини кутиб утириш ярамайди. Аммо ўқувчилар олдида бундай камчиликларни курсатмасликни талаб этиш мумкин ва керак. Агар шунга ухшаш ҳолл бариин бир юз берса, яхшиси ўзининг ноҳақлигини қўлай ва назокатли бир тарзда (бу – зарурий шарт) буйинга олиш керак. Кўпчилик тарбиячилар олдида буйинга олиш уларнинг кўз унгида ўз обрусини йукотиш демакдир, деб ҳисоблаб, хато қиладилар. Энг яхшиси хатога йўл қўймаган маъқўл, агар хатога йўл қўйилган бўлса, иккинчи хатони такрорлаб утириш: ужарлик билан ўзининг

гунохсизлигига ишонтиришга ёки ўз хатти-харакатини оклашга интилиш ярамайди. Бундай қилиш чиндан ҳам оруни тукади. Ўз хатосини оқилона ва назокатли бир тарзда очикдан-очик тан олиш эса (агар шу киши тажрибасида бунда хатолар камдан-кам учираган ҳолларда) табиатчининг обрўйига путур етказмайди, салбий намуна эса ўз кучини йукотади. Ўсмирларда ўз айби ёки хатосини мардлик билан виждондан ва тўғридан-туғир тан олган катта кишига нисбатан хурмат кучайиб кетади.

Тўғри хатти-харакатларда Амалий тажрибани уйиштириш, йуқорида та Кидлаб утилганидек, шахсни тарбиялашда, асосий омилдир. Тарбиячи ўқувчиларда хатти-харакатларнинг шундай форма ва усуллари таркиб топтирмоғи керакки, бу форма ва усулларида тарбиянинг ҳал қилувчи таъсир остида юзага келадиган ўқувчи эътиқодлари амалга ошсин. Хатти-харакатларнинг айтиб утилган формалари мотивларини, ўқувчининг эҳтиёж ва муносабатларини «моддийлаштириш» ифодаси, воситаси, формасига айланиб қолгандагина барқарор омилга айланиб мустаҳкамланади.

Аввало гап бир хил ишларнинг ўзини ёки ўз характериға кура бир хил бўлган ишларни кўп марталаб шунчаки бажариш тўғрисида бормайди. Ахир, бу ҳолда хатти-харакатларида шаблон, стереотип, турли вазиятларда тўғри иш тута олмаслик ҳосилбулур эди. Машқ қилиш – бу турли вариантлардаги хатти-харакатларни аслида бир-бириға ухшаш вазиятларда уюшган ва муайян мақсадни кўзлаган ҳолда такрорлашдир. Фақат анна шундай қилингандагина хатти-харакатларнинг барқарор ва Айни вақти умумлашган формалари таркиб топади. Сунъий машқлар эмас, ўқувчи ҳаёти ва фаолиятининг табиий шароитлари назарда тутилади, албатта.

Нихоят, тарбиячи машқ қиладиган қўлай пайт келишини кутиб утирмайди, балки унинг ўзи анна шундай шароит яратади, ўқувчилар олдиға Амалий аҳамиятға эға бўлган вазифалар, муайян талабалар қуяди.

Одамнинг йўналиши, эътиқодлари амалға ошириладиган хатти-харакатларнинг мустаҳкамланган ва умумлашган усуллари бўлган баҳс ҳислатлари ва ҳусиятларнинг таркиб топиши машқ қилиш жараёнида ҳали шахснинг ҳусиятларға айланмаган психик ҳолатларнинг таркиб топиши босқичини босиб утади, чунки у муваққат ҳамда вазиятли характерға эға бўлади. Психик ҳолатлар – муайян вақт ичидаги психик қурилиш ва хатти-харакатларнинг яхлит бир характеристикасидир улар юзаға келган ўзига ҳос оралик нарсалардир. Шахснинг психик ҳусиятларига ўтиш ҳуди анна шу психик ҳолатлар орқали амалға оширилади. Агар психик ҳолатлар тез-тез такрорланса, у мустаҳкамланиши ва шахснинг ҳислатига айланиб қолиши мумкин. характерни тарбиялашучун дастлаб боланинг бир неча марта ҳеч бўлмаганда катъийликнинг муваққат ҳолатини бошдан кечиришиға эришиш зарур.

Хуш, ҳулқ-атвор қандай тўзатилади? Маъқўллаш ва қоралаш, қарағбатлантириш ҳамда жазолаш ўз ўқувчининг ҳулқ-атворини бобоқариш ва тўзатишнинг ҳақиқий воситаларидир. Маъқўллаш,

ррағбатлантириш хатти-харакатларининг тўғри мотивлари ват угри формаларини мустахкамлаш ҳамда ррағбатлантириш воситаси булиб хизмат қилади. Карорлаш, жазолаш хатти-харакатлардаги салбий кўзғалишларни ҳамда нотўғри формалари турмозлаб туриш воситасидир.

Мактаб ўқувчиларнинг ишларига берилган ижобий баҳо, унинг хатти-харакатларини қўллаб-ўқувватлаш мақўллашнинг ҳар хил турлари (огзаки ррағбатлантириш, мактаб, миннадорчилик билдириш, мактаб радио ахбороти, деворий газетадаги мақола, ота-оналарга юборилган ва хоқозалар) ўқувчида ижобий эмоциялар, қилинган ишдан ўқувончли канотланиш хиссини пайдо қилади ва бундан куйин ҳам анна шундай қилишистагини келтириб чиқаради. Танбех бериш, коралаш ўқувчидаги нохуш кечилмаларни, бошка кишиларга , коллективга етказилган жазодан норози бўлиш, катталар ва коллективни хафа қилганликдан ранжиш хисларига сабаб бўлади. Бунинг натижасда ўқувчида бундан кейин анна шундай ишлардан ўзини тийишга интилиш истаги пайдо бўлади.

Ррағбатлантириш ва жазолаш системасини қўлланшдаги хатолар шахсни тарбиялаш жараёнида зарарли акс этади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб, тарбиянинг Янги омили – ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Ўқувчилар ўзларидан ижтимоий кимматга эга бўлган шахс хислатларини таркиб топтириш соҳасида ҳуққ-атворидаги камчиликларга салбий хислат ва сифатларга барҳам бериш соҳасида онгли равишда мунтазам ишлай бошлайдилар. Одам юксак даражада ўз-ўзини идора қилувчи, ўз-ўзини камол топтирувчи бирдан-бир системадир, - деган эди И.П.Павлов. Шахснинг катта таъсирлари билан тараккий этиши, уни ташкардан манавий психологик – етукликнинг муайян даражасида идора қилиш, ички идора қилиш, ўз-ўзини идора қилиш билан тулдирила бошлайди. Ўсмир, йигит кизнинг ўз-ўзини тарбиялашга интилиши (агар тўғри ташкил этилган ва жамият томонидан рағбатлантирилган бўлса) коллективдан ажралиш, ундан ўзини устун қўйиш истагини эмас, балки ўз бурчини яхшилаб бажариш, коллективнинг муносиб азоси бўлиш истагини такоза этади. Ўз-ўзини тарбиялашнинг бундай усули мактаб тарбиясига қарши қўйилмайди, балки уни тулдириб боради. Ўқувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзидан тарбиялашига раҳбарлик қилишда туртта вазиятни кўзда тўтиши керак. Биринчи вазифа-ўқувчида ўзида шахснинг ижобий хислатларини тарккий эттиришига ва ўз ҳуққ-атворидаги ёмон томонлардан ҳолос бўлишга интилиши уйғотиш истагини (ёки қўллаб-ўқувватлаш)дир. Агар бундай истак ҳали бўлмаса ,унинг ўз-ўзидан юзага келишини кутиб утирмаслик бундай истакни одам ўз характерини ўзи юзага келтиришини ва унинг учун жавоб беришини ишонарли тарзда кўрсатиб, баъзи кишиларнинг ўз-ўзини тарбиялашда акндай ютуқларга эришганликларини айтиб бериши керак. Тарбиялашва ўз-ўзини тарбиялаш имкониятларига ишонмаслик ўсмирлар,йигит ва кизларнинг бир ксмига мос хусусият булиб(юқориад кўрсатиб утилгандек) у хусусият маълум даражада пасивликка сабаб бўлади.

Ана шуундан иккинчи вазифа-ўқувчига ўз шахсига танкидий муносабатта бўлишда, ўз хулқ-атворидаги хусусиятларни диққат билан ва одилона тушунтириб олишда, ўз камчиликларини яққол кўришда, ўз нуқсонларини фахмлаб олишда ёрдамлашиш вазифаси келиб чиқади. Ўз-ўзига баҳо бериш, бу баҳонинг объективлиги ёки субъективлиги шахснинг таркиб топиши жараёнида муҳим рол уйнайди.

Учинчидан, ўқитувчи тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш программасини тўзишда, шахс хулқ-атвори хислатининг қайси хусусиятларини (масалан, ўзини ушлаб билиш, катъийлик шунинг сингариларни) тараккий этиш, қайсиларига (масалан, ушарлик, ялқовлик, кўполликка) барҳам бериш кераклигини белгилаб, ҳамда ҳар хил қилиб олишда ўқувчига ёрдам берадилар.

Нихоят, туртинчи вазифа – ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг оқилона йўллари кўрсатиб берадилар, ўқувчини шахснинг ижобий хислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барҳам беришга оид энг мақсадга мувофиқ ва самарали ишлаш усуллари билан қуроллантирадилар. Ўқувчининг шахснинг реал тусикларга барҳам бериш жараёнида, кундалик меҳнат, ўқиш, жамоат ишида, ҳаётий, ҳатто кундалик кийинчиликларга қарши қурашда таркиб топишга ишонтириш лозим.

Агар ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчилар жамоанинг раҳбарлиги ва назорати остида амалга оширилса, жуда яхши натижа беради. Агар жамоанинг ўз-ўзи ўз аъзосига катъий талаблар қўйса ва уларнинг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб турса, бу ҳол ўқувчининг ўз устида ишлашга ниҳоятда рағбатлантириб юборади.

Жамоа ва унинг тарбиявий таъсири

Малумки, юксак гоёвий йўналишга эга бўлган, умумий мақсад, ҳаракатларининг бир-бирига мослиги ва уюшқоклиги билан бирлашган бир бутун, ниҳоятда ҳамжихат, соғлом ҳамда муайян мақсадни қўзловчи жамоани уюштириш орқали тарбиялаш, тарбия берувчининг асосий принципларидан биридир. Бундай жамоа тарбиячининг таянчи, ёрдамчиси, тарбиявий таъсирининг қудратли қуролидир.

Ўқувчи фақат жамоада ва жамоа таъсири остида жамоа ўзаро бирдамлик муносабатлар тажрибасини, ижтимоий йўналишни тараккий эттириш, шахс ва жамият ўртасидаги тўғри муносабатлар тажрибасини эгаллайди. Жамоадан ташқарида бундай сифатларни умуман тарбиялаб бўлмайди.

Жамоа ўз аъзоларига таъсир қурсатади, улардан муайян хулқ-атворни талаб этади. Жамоанинг соғлом ва обрўли жамоатчилик фикри қучи ниҳоятда каттадир. Жамоанинг маъқўллаши ёки қоралаши, жамоанинг соғлом таънқиди, ўз аъзолари олдига қўядиган таъсирли ва жиддий талаблари шахсни таркиб топтирувчи, назорат қилувчи ва тўзатувчи муҳим омилдир.

Ўқитувчининг жамоа қўллаб ўқуватлайдиган талабларидан жамоа ўз аъзоларига мустақил равишда ҳамда ўз ташаббуси билан талаблар қўйишга ва уларнинг бажарилишининг контрол қилишга ута олиш, ўқитувчининг бевосита педагогик таъсиридан жамоа орқали бевосита таъсир кўрсатишга ўтиш керак. А.С.Мокоренконинг параллел тарзда таъсир курсатувчи юксак гоаявий ва талабчан жамоани уюштириш орқали шахсни тарбиялашдан иборатдир.

Жамоанинг жипслашуви ўқувчилар учун улар фаолиятига ижтимоий аҳамият касб этадиган қизиқарли фаолият турини танлаб олишга, ҳамда ўзаро раҳбарлик қилиш ва буйсинишнинг қизиқарли системасини ташқил этишга имкон беради. Жамоанинг ташқил топиши ва жипслашуви одатда активни ташқил этиш ҳамда жипслаштиришдан ва унинг обрўйини мустаҳкамлашдан бошланади.

Ўз ижтимоий бурчларини виждонан бажариш, юксак принципиаллик, жамоамизни чуқур хис этиш – ўқувчини обрўли қилади ва унга ўз уртокларига таъсир кўрсатиш, уларга вазифалар ва бурсларга бўлган ўз муносабатларини юктириш имконини беради.

Ана шундан жамоанинг факат жипслашган, инок жамоа бўлишигина эмас, балки гоаявий йўналишга, соғлом жамоат фикрига, танки два ўз-ўзини танкидга, жамоанинг ҳар бир аъзосига нисбатан юксак талабчанликка ҳам эга бўлган жамоа бўлишига эришишдан иборат иккинчи вазифа келиб чиқади. Агар жамоа олдида ижтимоий фойдали ва Айни вақтда қизиқарли мақсад қўйиладиган бўлса, анна шундай сифатлар таркиб топиши мумкин. қизиқарли мақсад қўйиш жуда муҳимдир, чунки ўсмирлар ва айникса кичик мактаб ёшидаги болалар бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги учунгина унга ҳамиша ҳам қизиқавермайдилар.

Масалан, мактаб буйича навбатчилик қилиш жуда фойдали иш бўлса-да, лекин унча қизиқарли иш эмас, уни қизиқарли қилиб ташқил қилиш керак. Бу ерда икки нарса психологик жиҳатдан жуда муҳимдир: 1) ўқувчиларнинг бурчлари уларнинг онгида ўзларининг ҳуқуқлари тариқасида номоён бўлишига эришиш лозим. Агар улар навбатчилик вазифасини бажаришлари кераклигини эшитсалар, ич-ичларидан қаршилиқ кўрсатишга тайёр бўладилар, агар уларга ша бағундан эътиборан улар мактабдаги тартибни назорат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тантанали вазиятда эълон қилинадиган бўлса, болаларнинг бу ишга муносабатлари мутлақо бошқачи бўлади; 2) ишни шундай ташқил этиш зарурки, ўқувчилар навбатчилиқни планлаштириш ва уни ташқи қилишда яхши иштирок этсинлар, мустақиллик ҳамда ташаббускорлик курсатсинлар .

«Соғлом ижтимоий фикрга, ўз аъзоларига нисбатан ривож топган танкид ва талабчанликка эга бўлган жипслашган, инок гоаявий йўналишга эга бўлган жамоа ўз аъзоларига таъсир кўрсатиш кучига эга бўлади ҳамда уларга тўғри йўналишда таъсир курсатади. Амма бунинг ўзи камлик қилади. Ана шундан бундай жамоада таъсир кўрсатишнинг тўғри формаларини қўлана олиш,

индивидуал ёндашиш, назокат усулини қўллани хислатларини таркиб топтиришдан иборат учунчи вазифа келиб чиқади.

Тўғри барча ҳолларда ўқитувчининг жамоа ишига аралашуш ва уни кўзатиш ҳуқуқи сақланиб қолади, шундай бўлса ҳам, жамоа таъсир кўрсатишининг тўғри формаларини танлаш олишга эришиш керак. Ўсмирлар ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар эса нихоятда ихтирочи бўлиб тарбиявий таъсир кўрсатишнинг ғоят самарали формаларининг топишлари мумкин.

Мехнатнинг тарбиявий таъсири тўғрисида юқорида тухталиб утилган эди. Бу бўлимда биз меҳнатга тарбия воситасига воситаси ва кишии шахсини таркиб топтиришининг асосий йўлларида биридир. Сифатида умумий характеристика беришга ҳаракат қиламиз. А.С.Мокоренко бу фикрни аниқ ва равшан формада қуйидагича қилиб ифодалаб берган эди: «Тўғри тарбиясини меҳнат воситасиз тарбиялаш сифатида тасаввур этиб бўлмайди... Шунинг учун тарбиявий ишда ҳам меҳнат энг асосий элементлардан бири бўлиши керак».

Мактабдаги меҳнат тарбияси тажрибаси, педагогик психологик тадқиқотларга доир материаллар меҳнатни ҳақиқатдан ҳам тарбия омилига айлантирадиган қуйидаги шароитларни ифодалаб бериш имконини яратди.

1.Ўқувчилар меҳнати ижтимоий фойдали меҳнат бўлиши керак. Ўқувчи ўз меҳнатининг муайян ижтимоий қимматга, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларга, жамоага, жамиятга фойда келтиришни англаб олиши лозим.

1.Муайян ижтимоий қимматга ега бўлган фойдали маҳсулот меҳнат натижаси бўлиши, ўқувчи ўз меҳнатининг реал самараларини яққот ва аниқ кўриши лозим. Шу муноабат билан ўқувчини ўз меҳнати натижаларининг ижтимоий вазифаси билан муфассал таништириш, ўқувчига унинг меҳнати қимматга кераклигини кўрсатиш жуда мўзим. Агар ўқувчилар ўз ишларининг фойда келтираётганлигини кўрмасалар, уларда меҳнат қилишга бўлган ҳар қандай истак йуқолади, улар зўрма-зўракийлик билан ишлайдилар. Бундай иш эса муқаррар равишда зериктишга, лоқайликка, салбий муносабатга сабаб бўлади.

3.Ўқувчиларнинг меҳнати жамоа меҳнати бўлмоғи керак. Жамоа меҳнат шунчаки биргаликда ишлашнинг, бир бино ичида, бир вақтда ишлашни билдирмайди. Жамоа меҳнат – умумий меҳнат вазифаларини биргаликда бажарадиган умумий мақсад, умумий вазифалар билан бирлашиб қилинадиган меҳнатдир. Фақат анна шундай меҳнатгина кишининг ўз хатти-ҳаракатларини жамоа иродасига бўйсиндира олиш, ўз хатти-ҳаракатларини жамоа манфаатлари нуқтаи назаридан бошқара олиш хислатларини тарбиялайди.

4.Ўқувчиларнинг меҳнати ташаббускор ва ижобий меҳнат бўлиши керак. Ана шунда меҳнат ишининг ижодий томонига қизиқадиган, шунчаки бирор фойдали иш қилишга эмас, балки янгиликка, ўз ташаббусини номоён қилиш имкониятларини кидиришга интиладиган ўсмирлари

катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш психологик хусусиятларига мос бўлади. Мехнат қанчалик кўп интелектуал куч хайрат сарфлашни талаб этса, ўқувчилар унга шунчалик кўп тайёргарлик курадилар. Бунда шунга эришиш керакки, ўқувчиларнинг ўзлари мехнат вазифаларини хал қилишнинг энг яхши усуллари кидириб топсинлар, ўзлари (ўқитувчи раҳбарлиги остида) ўз фаолиятларини планлаштирсинлар.

5. Имкони бўлган жойларда мехнатда (айниқса ўсмирлар ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар мехнатида ўз-ўзини уюштириш ва мустақил мехнат қилишнинг ҳар хил формалари қўлланиши керак. Гап фақат ўқувчиларнинг ташқилотчилиқ малакаларини (гарчи бу жойда муҳим бўлса ҳам) ҳосил қилинишларидагина эмас, балки ўз-ўзини уюштиришнинг мустақилликни раҳбарлик қилиш ва буйсиниш малакаларини, ижодий ташаббусини, масулият ҳамда жамоа ҳислатларини тараккий эттиришга ёрдам беришда ҳамдир.

6. Ўқувчиларнинг мехнати уларнинг ўзлари учун қизиқарли бўлиши лозим. Ўқувчиларнинг ҳаётида уларнинг шахсий қизиқишлари қанчалик катта урин тўтиши ва қизиқишларини ўқувчилар фаолиятларини қандай рағбатлантиришлари йуқорида таъкидлаб утилган эди. Ўқувчиларнинг, айтиқса кичик ёшдаги ўқувчиларнинг фаолияти ҳамиша ҳам бу фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини англашга асосланавермайди.

7. Ўқувчиларнинг мехнати уларнинг кучига яраша мехнат бўлиши керак. Бу мехнат ўқувчиларни ҳаддан ташқари кўп куч сарфлашга, жуда толиқиб қолишга олиб бормаслиги лозим агар мехнат кучга яраша бўлмаса, у психикага каттик таъсир қилади, ўқувчи ўз кучига бўлган ишончини йуқотади, кўпинча умуман ҳатто кучи етадиган ишни бажаришдан ҳам буйин товлайди, чунки уни ўзига ишончсизлик ҳиси таъқиб қиладиган бўлиб қолади.

8. Имкони бўлган жойларда ўқувчиларнинг мехнатини уларнинг УҚВ фаолияти билан боғлаш керак. Ўқувчиларнинг назарий билимлари билан Амалий мехнат фаолиятларини (ҳар хил кишлок ҳужалиқ ишларида, мактаб ёнидаги учускада, спорт майдончаси қурилиши ва ҳ.к ишларда) ўзвий равишда шундай ўзаро боғлаш зарурки, бунда уларнинг мехнати биология, химия, физика, геометрияни билишни, чизмалар чизиш ҳамда уларни тушуниб ола билишни талаб этсин.

9. Ўқувчиларни мехнат билан мутлақо йўл қуйиб бўлмайди. Мехнатда тарбиялиш зарур, бироқ мехнат билан жазолаш ярамайди, акс ҳолда, ўқувчилар онгида мехнат ноҳуш кечинмалар билан ассоциацияланади (боғланади) ва болаларда мехнатга нисбатан салбий муносабат муқаррар равишда йўзага келади. Мехнат ўқувчи учун мажбурий, ноҳуш мехнат бўлмаган вақтдагина ўқувчини тарбиялайди.

10. Ниҳоят, укучидан ишни шунчаки бажаришни эмас, балқисинчиқлаб, пухта, виждонан бажаришни, асбоб – усқуналарга, материалларга, мехнат қуролларига еҳтиётқорлиқ муносабатида бўлишни талаб этиш зарур.

Агар юкорида кўрсатиб утилган барча шартларга риоя қилинса, меҳнат ўқувчилар учун жуда кизиқарли фаолиятга айланади. Уларда зуг манавий коникиш хиссини уйғотади. Бундай меҳнатда улар тўғри ижтимоий хатти-харакатларнинг Амалий тажрибасини ортирадилар.

Тарбияда индивидуал ёндошишнинг психологик асослари.

Тарбиячи катор индивидуал – психологик хусиятларга эга бўлиб. Тараккий этиб бораётган конкрет шахс билан шугилланади. Бир ўқувчига нисбатан муваффақият билан қўлланилган тарбиявий тадбирларни бока ўқувчига нисбатан қўллаган вақтда кутилган самарани бермаслиги ҳам худди анна шу билан иззохланади. Шунинг учун умумий тарбиявий тадбирлар индивидуал ёндошиш билан тулдирилиши лозим. Индивидуал ёндошиш ва жамоада жамоа орқали тарбиялаш бир-бирига зит бўлмайди. Индивидуал ёндошиш – бу «қуш педагогик» якка, индивидуал тарбия эмас, шу билан бирга « хар бир тарбияланувчи билан ва алоҳида шугулланиш» эмас(А.С.Мокоренко).

Индивидуал ёндошишда тарбиячининг ўқувчиларга нисбатан гамхорлиги ва назокати, ўз хатти-харакатларининг психологик оқибатларини олдиндан кура олиши назарда тутилган. Индивидуал ёндошиш ўқувчи шахсининг хусиятларига ва унинг муайян вақтдаги психик ҳолатига кўпроқ мос келадиган тарбиявий тадбирларнинг танлашни ва амалга оширишни талаб этади. Анна шунда бку тадбирлар максимал даражада Самара беради.

Индивидуал ёндошишда, биринчи новбатда, шахсда бирор хислатнинг таркиб топишга таъсир этадиган индивидуал махсус шароитларни били шва хисобга олиш назарда тутилади. Шахсининг бирор намоён бўлиш табиатини тушунган тақдирдагина уни тўғри тушуниш мумкинлиги учун ҳам бу ҳолни билиш лозим. Масалан, тарбиячи ўсмирнинг ужаллигига бархам беришни мақсад қилиб олди дейлик. Аввало тушуниш, тушунганда ҳам тўғри тушуниш учун бу ужаллиқнинг табиати қандайлигини, унинг сабабини, қандай харакатерда эканлигини билиб олиш керак. Турли табиатдаги ужаллиқни тушуниб олиш турлича бўлиши керак.

Ўқувчиларнинг (айниқса ўсмирларнинг) хатти-харакатларида таркалган бошка камчилик кўполлик, курслик, сурбетлик, катталарни хурмат қилмасликдир.

Ўқувчиларда кўполлик ва сурбетлик кўпинча ўзларига нисбатан катталарнинг адолатсиз муносабатига – ёлғончилик, ножа хатти-харакат, ялқовлик, кўполлик билан асоссиз айиблашга жавобан юзага келади.

Кўпинча ўқитувчилар ўсмир ёшидаги угил болаларнинг интизомсизлигидан, шухлигидан нолийдилар. Ўсмирларнинг зўр активлиги, жушиб тўрган куч гайрати, ташаббуси кўпинча оқилона йўл топа олмайди, туполончиликда, шухликда, интизомни бўзишда номоён бўлади. Уртоқларнинг ёмон намунаси, ишламай бекор юриш, каровсиз қолиш интизомсизлиқнинг ривожланиши учун қўлай шароит тугдиради. Шухлик ва туполончиликни юзага келтирадиган бошка сабаб ўсмирларнинг мартлик-жасорат ҳамда довюракликни нотўғри тшунишларидир.

Ялковлик (нормал ва соғлом уквчиларда меҳнат қилиш истаги ва эҳтиёжининг, меҳнатда зўр беришга одатланишнинг йуклиги) сингари нухсонга келсак, ялковликни келтириб чиқарувчи энг кўп таркалган сабаб – ўз болаларини ҳар қандай аҳамиятли меҳнатдан саклашга ҳаракат қиладиган ота-оналарининг уринсиз меҳир муҳаббатидир.

Индивидуал ёндошишда хатти-ҳаракатларнинг аффеқтив формалари деб аталмиш формаларига эга бўлган ўқувчиларга алоҳида этибор бериш назарда тутилади.

Нихоят. Индивидуал ёндошиш ишида И.П.Павловнинг катта мия ярим шарлари пустларининг фазалий ҳолатлари тўғрисидаги таълимоти муҳим аҳамиятга эгадир. Агар ўқувчи таъсуротлар билан ниҳоятда ҳаяжонланган, мияси жуда чарчаган бўлса, сўз болага одатдагидек таъсир курсатмайдиган, балки аксинча, ўқувчи мулжаллаган нарсага қарама-қарши реакция берадиган вақтда (масалан, дағдага ёки кучли каттик бакирик нерв системасини янада кучлироқ кўзгалишига олиб борса, Айни пайтда босик, охиста сўз ижобий натижа беради) парадокс ёки ута парадоксал фаза бошланиши мумкин.

Индивидуал ёндошиш жазо чоралари ва формаларини қўлланишда ҳам ифодаланади. Бир хил ўқувчиларга оддийгина қоралаш таъсир этса (базан истехзо билан қараб қўйишнинг ўзи кифоя қилади), бошқа хил уквчиларга қоралашнинг бунга ухшаши формалари таъсир қилмайди ва буни улар тарбиячининг мурувати ёки бушанглиги деб тушунадилар. Бундай ўқувчиларга нисбатан каттиқроқ жазо чоралари қўлланиш керак.

Охирида ҳаммага маъум бўлган (лекин ҳама вақт ҳам ҳисобга олинавермайдиган) қуйидаги фикрни таъкидлаб утаммиз: индивидуал ёндошишда тарбиявий ишда ҳар бир ўқувчи шахсидаги мавжуд ижобий фазилатларга, чунончи унинг қизиқиш ҳавасларига (спорт, мўзика, расм чизиш, табиат ҳамда бошқа нарсаларни севишига), соғлом аахлоқий интилишларига (гарча улар хатто қўлланиб бўлмайдиган формалардабулса ҳам), уртокларига нисбатан хатто ҳазил тарикасидаги дустана муносабатларга таяна олиш назарда тутилади.

Конфуций: «Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади деган эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-Хунарга ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бугунги кунда тарбия жараёнида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, маърифат ҳалқимиз, миллатимиз қонидадир. Анъанавий шарқона қарашга қўра, маърифатлилиқ фақат билим ва малака эмас, айна пайтда чуқур маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир.

Бир ижтимоий ҷамиятнинг иккинчисига алмашиши, шунингдек, миллий мустақиллик ва унинг неъматлари республикаммиз фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Миллий туйғу, қиёфа, ҳарактер, таъб, қуй, рақс, маънавият, қадрият ҳамда руҳият таъсири остида ўзининг туб моҳиятини акс эттира бошлади. Ўтмишнинг бой мероси, унинг анъаналари миллий истиқлол туфайли ўз эгаларига қайтариб берилди.

Фуқароларнинг ижтимоий онги аста-секин ўзгариб бориши натижасида этнопсихологик хусусиятлар тиклана бошлади, миллий, умумбашарийлик хислатлари ўқишсида адолатлилик, тенг Ҳуққилик алоқалари ўрнатилмоқда.

XXI асрда шахс шаклланишида, унинг тарбияланганлик даражасини ортиради диннинг, хусусан «Ҳадис» илмининг аҳамияти каттадир. Шахслараро муносабатда тенглик, ғамхўрлик, самимийлик, ўзаро ёрдам, симпатия, антипатия, Ҳамдардлик, севги-муҲаббат сингари миллий хусусиятларни таркиб топтиришда Ҳадисларнинг роли янада ортмоқда.

Ўзбек оиласида тарбия моҳияти, мазмуни тарбитнинг кундалик ва истиқлол режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундай унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида халқ анъаналари ётади.

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим роль ўйнайди. Абдулла Аваоний айтганидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот; ё нажот, ё ҳалокат; ё саодат - ё фалокат масаласидир».

Ёш авод тарбиясида миллий руҳият, умуминсоний, халқчил миллий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналар етакчи урин тутмоғи лозим (тарбия этнопсихологик ва этнопедагогик муносабат). Бўлар орқали ёшларда қуйидаги фазилатларни тарбиялаш лозим:

- а) ёшларда ватанпарварлик Ҳис-ғуйғуларини шакллантириш;
- б) хайрихоҲлик, одамларга ҳурмат, меҳр-шафқат;
- в) катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш;
- г) мулоиймлиқ;
- д) ишбилармонлик, моҲирлик, ишчанлик, иқтисодий тафаккур;
- е) кичик ёшдан меҳнатсеварлик;
- ж) жисмоний бақувватлик;
- з) аҲлок-одоблилик;
- и) оилапарварлик;
- к) аёлларга ҳурмат;
- л) ўзаро ҳамкорликка интилувчанлик.

Маълумки, ёшларнинг маънавий-аҲлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, илмий-педагогик кадрлар шуғулланадилар. Тарбия жараёни барча иштирокчиларининг баҳамжихатлик билан олиб борадиган ишларигина ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш вазифалари ана шуни такозо қилади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Тарбия - бу кандай жараён?
2. Шахсни тарбиялашнинг асосий йуналишлари нималардан иборат?
3. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омилларни курсатинг,
4. «Тарбияси қийин болалар классификациясини келтиринг.
5. Тарбия жараёнининг самарадорлигини оширувчи психологик механизмлар нималардан иборат?
6. Тарбиянинг этнопсихологик масалалари кандай?

5-МАВЗУ: Ў+ИТУВЧИ ПСИХОЛОГИЯСИ

РЕЖА

1. Жамиятда ўқитувчининг тутган ўрни ва вазифалари. Ўқитувчига қўйиладиган талаблар.
2. Ўқитувчи шахсининг аахлоқий сифатлари.
3. Ўқитувчи шахсининг касб хусусиятлари.
4. Ўқитувчи шахсининг индивидуал хусусиятлари.
5. Педагогик қобилиятлар.

Жамиятда ўқитувчининг тутган ўрни ва вазифалари. Ўқитувчига қўйиладиган талаблар

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари, ўсиб келаётган ёш аҳолини тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланади. Мамлакатимизда «**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**»ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш аҳолига таълим ва тарбия беришида жамият олдида жавобгарлиги янада ортиб бораверади.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг мактаб олдига қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда туғри Ҳал қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқдир.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. ўқитувчи - синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайтида, қушимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари Ҳолларда Ҳам керакли маслаҳатлар боришда билимлар манбаидан биридир, Қутчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб Ҳисобланадилар.

Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам уқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йулга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир. Ўқитувчи мактабнинг педагог жамоа аъзоси сифатида мактаб, ҳаёти фаолиятини уюштиришда бевосита иштирок этиб, турли фан ўқитувчилари ва синф раҳбарининг методик бирлашмаларида ишлайди, топшириқларни бажаради. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик олдида маърузалар ўқиб, суҳбатлар олиб борар экан, демак, у педагогик билимлар тарғиботчиси ҳамдир, вазифаларнинг шу қадар қўлиги учун ҳам жамиятнинг ўқитувчилар олдига қўядиган талаблари тушунарлидир.

Маълумки, педагогик фаолият - киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир.

Жамият томонидап куйиладиган талаблардан энг муҳим ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислагларига қаратилган.

Ўқитувчининг энг муҳим хислатлари қуйидагилардан иборат:

- ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиш, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз халқининг тарихи ва унинг маданиятини севиши, давлатининг мустақиллиги ғоясида яшашидан иборатдир;

- ижтимоий жавобгарликни юксак даражада Ҳис этиши;

- олийжаноблиги, ақли, фаросати, маънавий поклиги, маънавият ва маърифат буйича юксак мақсадларни болаларга сингдириб бориши;

Ўзини қўлга ола билиш, сабр-тоқатли, бардам, матонатлилигидир.

Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядиган асосий талаблари қуйидагилардир:

- шахсни маънавий ва маърифий томонидан тарбиялашнинг, миллий уйғониш мафқўрасининг Ҳамда умуминсоний бойлиқларнинг. Моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ўз Ватани табиатга ва оиласига бўлган муҳаббати;

- кенг билимга эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

- ёш ва педагогик психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси Ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

- ўзи дарс берадиган фан бўйича мустаҳкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

- таълимда тарбия методикасини эгаллаши;

- ўз ишига ижодий ёндашиши;

- болаларни билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиши;

- педагогик техника (мантик, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

- ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориш,

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга тула жавоб бера оладиган бўлишига интилиши шарт.

Ўқитувчи жамият томондан қуйилган талаблар билан бир қаторда ўз фаолиятида теварак-атрофидаги кишилар, мактаб маъмурияти, ҳамкасблари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

Ўқитувчининг ўз ишидан ниманидир қўтаётганлигининг ўзиёқ муҳим аҳамиятга эгадир, мана шу тариқа кузатиш, гарчанд жамият томонидан ўқитувчига қуйиладиган талабларга келсада, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Лекин бу талаблар ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича халқ таълими булимлари ва мактаб директорлари ўқитувчининг айрим хислатлари нақадар муҳимлигини ҳар хил баҳолайдилар. Жумладан, халқ таълими булимларининг мудирлари ўқувчидан биринчи навбатда ўз фанини яхши билишини ва дарс бериш методикасини мукамал ўзлаштиришини талаб қилсалар, мактаб директорлари ўқитувчига қуйиладиган бундай талабларни учинчи уринга қуядилар. Шу билан бирга халқ таълими булимларининг мудирлари ўқитувчиларнинг ўқувчилар ва ота-оналар, мактаб ҳаммаси билан қандай мулоқотда бўлишини билишини нақадар аҳамиятга эга эканлигига унчалик эътибор бермайдилар, мактаб директори эса бундай хислатларни ўқитувчи шахсига қуйиладиган талаблар ичида биринчи уринга қўядилар.

Ўқитувчи шахсининг ахлоқий сифатлари.

Ўқитувчилик касби энг кийин, лекин шунинг билан бирга фахрли ва олижаноб касблардан биридир. «Ўқитувчи энг маъсулиятли вазифа соҳасида ишлайди, -деган эди М.И.Калинин, у инсонни шакллантиради». Ўқитувчилик касбининг алоҳида урн ива аҳамиятини таъкидламокни хоҳласалар, унинг «барча касбларнинг онаси» деб аташлари тасоддий эмас.

Ўқитувчи ўқувчиларни мактаб программаларида тутилган илмий билимлар системаси билан куроллантиради, уларнинг дунёкарашини шакллантиради, кўзатувчанлик хотира, диққат ва ҳаёлини ривожлантиради, ижодий фикр юритишга ургатади, ҳиссиёт ва иродасини тарбиялайди, қобилиятларини ривожлантиради, характерини шакллантиради.

Ўқитувчи ўзининг барча таълим тарбиявий ишларини режали равишда, уни асосий мақсад – «ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний камолотни ўзида гармоник ҳолда мужассамлаштирган Янги одамни тарбиялаш» мақсадига кун сайин буйсундирган ҳолда олиб боради.

Ўқитувчи ўқувчи шахсининг шаклланиши фақат дарсларда ва синфдан ташқари машғулотлардагина бошқариб қолмайди. Ўқитувчи ўзининг шахсий намунаси ташқи киёфаси ва хатти-ҳаракати билан ўзининг ички маънавий сифатлари билан баъзан ўзи сезмаган ҳолда ўқувчиларга таъсир қурсатади. Уларнинг идеали булиб қолади. Киши кўпинча ўзи энг яхши кўрган ўқитувчисининг таъсири остида ўз ҳаёт йўлини танлаб олади.

Улуг рус педагоги, болалар психологиясини чуқур билимдони К.Д.Ушинский бундай деб ёзган эди: «Тарбиячи шахсининг ёш қалбга таъсири шундай бир тарбиявий кучни ташқил этадики, унинг урнини на дарсликлар, на ахлоқий ваъз-насихатлар, на жазолаш на ғарабатлантириш системасит боса олади».

Мактаб иши амалиётсига таълимнинг техника воситалари тобора кўпроқ жорий қилинаётган ҳозирги бир даврда, ўқитувчининг ўқувчи шахсини шакллантиришдаги роли ҳеч бир қамаймайди. Академик М.М.Лаврентьев бу ҳақда жуда яхши гапирган. Ундан, эртанги кун ўқитувчисини қандай тасаввур этасиз, деб сураганларида, у бундай деб жавоб берган: «Аввало ўқитувчини тасаввур қиламан, лекин машинани эмас. Ишонаманки, кибернетика инсон учун ҳозирги кунда мумкин бўлмаган бахт-саодат келтиради, уни инсонга ярашмайдиган жуда кўп бир хилдаги машғулотлардан озод қилади. Шубҳасиз, у ўқитувчининг ишини ҳам четлаб ўтмайди. Ўқитувчининг одат булиб қолган катор вазифалари, жумладан, сермашаккат дафтар текширишлар, вақт ўтатиши билан, албатта, машинага ўтади. Лекин машина, у қанчалик такомиллашган бўлмасин, мураббий ва тарбиячилик ролитни бажара олишга сира ҳам ишона олмайман.

Ўқувчи шахси ривожланишини ббошқариши ва унга рахбарлик қилиш учун, ўз шахсий намунаси билан унга таъсир этиш учун ўқитувчининг ўзи тарбияланган бўлиши, ўқитувчи ўзи тарбияламокчи бўлган сифатларга эга бўлиши керак.

Ўқитувчининг маънавий киёфаси бой ва ўзига хосдир. Ўқитувчи ҳақида факатгина у ўз ишини ҳамда болаларни севади дейишининг ўзи камлик қилади. У факат ўқитувчи, ёш авлоднинг мураббийсигина эмас, балки у тенг ҳуқуқли қурилишининг актив иштирокчиси ҳамдир.

Ўқитувчига факат болаларгина эмас, балки уларнинг ота-оналари, умуман кумак, ва маслахат олмокчи бўлган хама кишилар ҳам кишилар ҳам мурожат қиладилар. Бунинг сабаби шундаки, ўқитувчи юксак уқимишлилиги билан бирга ижтимоий ва шахсий ҳаётда камтарлик, инсонпарварлик, софдиллик, ростгуйлик ва оддийлик каби аахлоқий нормалар уқиутвчи маънавий киёфасининг ажралмас сифатларай бўлиб колган.

Ўқитувчи жамаодан ташқиарида, унинг ўзига хос бўлган. Хар доим ва хар ишда ўз хамкасбларига ёрдам беришга интилишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўқитувчи- зарур пайтда ўз тажрибаларини уртоклари билан биргаликда Бахам курадиган, ўз мактаб жамоасининг муваффақияти учун, мамалакатимизда болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг умумий ахволи учун жон куйдирадиган жамоадир.

Ўқувчиларга муваффақиятли равишда таълим ва тарбия бериш учун ўқитувчи хар бир кишига хос бўлган юксак аахлоқий сифатлар билан бирга, алоҳида педагогик фазилатлар каторига аввало педагогик қобилиятларни, шунингдек акл, хиссиёт ва ироданинг баъзи бир ўзига хос хусусиятларини киритиш мумкин.

Биз ўқитувчи учун типик бўлган шахсий қобилиятларни шакллантириш тўғрисида гапирганимизда, фаоляитнинг хал қилувчи хал қилувчиролини эътироф этишга асосланамиз. Хеч қайси бир педагог, хатто талантли булса ҳам, тайёр ўқитувчилик майллари ва хислатлари билан тугилмайди. Ўқитувчи шахсининг хама яхши хислатлари, унинг педагогик махорати, аввало педагогик фаоляитига тайёрланиш жараёнида кейинчалик эса болалар билан олиб борадиган таълим-тарбиявий ишлари жараёнидаги машаккатли меҳнат натижасида хосил қилинади.

Бироқ хар қандай киши ҳам ўқитувчи будавериши мумкинми?

Касбни эгаллашда ва ўқитувчининг келгусидаги фаоляитида мойиллик ёки, баъзан айтганларидек, истеъдод муайян ахамиятга эгами ёки йукми? Шу каби масалалар матбуотимиз саҳифаларида тез-тез муҳокама қилиниб туради.

Афтидан, педагогик фаоляитига нисбатан лаёқатли кишигина тез орада ўз ишининг устаси бўлиши мумкин. Аммо биз мойиллик ва лаёқатли кишининг туғма инитилиш натижаси деб эмас, балки ҳаёт шароитлари таъсирида пайдо бўлган факат педагогик фаоляит билан шугулланишига интилишининг натижаси деб биламиз. Бу мойилликлар баъзан анча барвақт пайдо бўлиши ҳам мактабда уқиб

юрган кезларидаёқ ўқитувчилик меҳнатига нисбатан барқарор қизиқиш, болалар билан тарбиявий ишлар олиб боришга интилиш тарзида намоён бўлиши мумкин. Бироқ кўпгина шундайхам бўладики, бу интилиш ўқитувчилик касбини эгаллаш жараёнида педагогика уўқув юртида укиб юрган вақтида уйғонади. Бунда профессор ўқитувчиларнинг илҳомбахш меҳнати, педагогик фаолиятининг назарияси ва амалиёти билан чуқурроқ таништиришлари, педагогик амалиётини уташ вақтида таълим-тарбиявий ишлардаги муваффақиятлари қабилар талабаларда ўз касбига қизиқиш ва мойилликнинг уйғонишига сабабчи бўлади.

Ф.Н. Глоболин таъкидлашича, педагогик қобилиятлар мистеъдоднинг алоҳида бир туридир. баъзи қобилиятларда укиувчининг уўқув предметига ва ўқувчиларга билимлар бериш жараёнига бўлган муносабати ифодаланса, бошқаларида ўқитувчининг болаларга бўлган муносабати ифодаланади. Масалан уўқув материални болаларга қизиқирали ва тушунарли тарзда баён қилиш, ўқувчини уўқув материалларияхши ўзлаштириб олиш ва уни қайтадан эсга тушуришга ишонтириш, билимларни ҳаёт билан, амалиёт билан боғлай билиш қобилиятлари асосан укиувчининг ўзи укиётган жараёнга шунингдек ўқувчиларга билимлар бериш жараёнига бўлган муносабатини ифодалайди.

Н. Д. Левитов ўзининг болалар психологияси педагогик психология дори қўлланмасида муҳим педагогик қобилиятлар сифатида қуйидагиларни келтиради.

1. Ўқитувчиларга билим бериш қобилияти, бунга аввало, материални аниқ, қисқа ва қизиқарил баён қилиш йўли билан эришилади.
2. Ўқувчини тушуниш.
3. Тафаккурнинг мустақиллиги ва ижодийлиги.
4. Хозиржавоблик ёки тез ва аниқ фахмлаш.
5. Вақтни аниқ режалаштириш ва ундан тўғри фойдаланиш, ўқувчиларни доимо назорат қилиш, синф фаолларини ажрата олиш ва уюштириш, синф жамоасининг жипслаштириш қуникмаларида ифодаланадиган ташкилотчилик қобилиятлари.

Фанга ва билим олишга бўлган иштиёқ ўз билимларини бошқаларга беришга интилиш ва болаларни самимий равишда севиш қабиларнинг гармоник ҳолда уйғунлашувигина укиувчи шахсининг – педагогик иши устаиснинг киёфасини кўрсатиши мутлоқ равшан.

Тажрибали ўқитувчи ҳамиша тарбияланувчининг қалбида нималар содир бўлаётганини тушунишга қобилияти билангина эмас, балки ўқувчи билан тил тпоиш, муайян ўқувчи педагогик таъсир кўрсатишнинг оқилона чораларини ўз вақтида танлаш қобилияти, яъни педагогик назокатини руёбга чиқариш қобилияти билан ҳам ажралиб туради. К.Д. Ушинский педагогик назокати «аслида психологик назокатдан бошқа ҳеч нарса эмас» деб ҳисоблаган эди. Б у назокат психологик билимларни ҳамда илгаридан тупланиб келган ҳаётий ва шахсий тажрибаларни амалда тадбиқ

қилишдир. Педагогик назокат бу қандайдир туғма хусусият эмас, балки кишида аста-секин шакллана боради. У баъзиларда тезрок, кенгрок ва яхлитрок шаклланса, бошка бировларда эса секинрок, камрок ва кисманрок шаклланади. Бу кишининг ўз калбида ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда содир бўладиган ички воқеаларин қандай хис илишини кўзата билишига боғлиқдир.

Уқитувчининг бошка кишиларга нисбатан эҳтиёткор ва танкидий муносабат даври булмиш урта ва катта ёшдаги ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим тарбиявий ишларида педагогик назокатининг ахамияти айниқса каттадир.

Ўқитувчининг ўқувчиларга таълим-тарбиявий таъсир кўрсатиш усул ва тадбирлари турлича бўлиши мумкин. Уларни ҳар бир конкрет ҳолатда қўллаш ўқувчи хатти ҳаракатининг сабаларини уйлаб кўришни, ўқувчи шахсининг хусусиятларини, ҳаёт ва тарбия шаротини билишни, шу пайтда вужудга келган вазиятни ҳисобга олиш талаб қилади. Манна шунинг учун ҳам тарбиявий ишларда тайёр рецептларнинг бўлиши мумкин эмас. Ўқитувчидан эпчиллик, муайян таълим тарбиявий воситаларни қўлалшга нисбатан ижодий ёндашиш талаб қилинади. Биз педагогларга ундай қилинг бундай қилинг деб ёзмаймиз дейди-К.Д.Ушинский- лекин уларга ўзингиз бошқармокчи бўлган психик ҳодисаларнинг қонуниятларини ўрганинг, шу қонуниятларга таянитб ва уларни сиз тадбик қилмокчи бўлган бўлган вазиятларин назарга олиб қуриш деймиз. Бу вазиятлар бениҳоя хилма-хил булиб қолмай, балки тарбияланувчилар табиатнинг ўзи ҳам бир-бирига ухшамайди.

Ўқитувчи бошка ихтисосдаги кишига қараганда, кўп жихатдан маънавий бой киши бўлиш керак. бу илмий жихатдан маънавиятли ва мустаҳкам эътиқодли, ўзи уқитадиган предмет юзасидан болалар билан ишлашга Амалий жихатдан тайёрланган бўлиши керак демақдир. Шунингдек юксак даражада умумий маданиятга эга бўлиши, адабиёт, санъатга қизиқиши, яъни ўз ихтисоослиги доирасидан ташқари ҳам кўп нарсаларни билиш керак. бундай сифатларга эга булмасдан туриб, у уқувчиларнинг маънавий талабалари ва билимга қизиқишларини қондира олмайди.

Педагогик кўзатувчанлик айрим ташқи белгиларга қараб ўқувчилар унинг тушунтиришларини тушунаётган-тушунмаётганлиги, шунингдек ўқувчиларга ҳулқидаги ижобий салибӣ хусусиятлар ҳақида фикр юритишдан иборат. Ўқувчиларнинг ўқишдан Бирон марта орқада қолиши ҳам, интизомнинг Бирон марта бўзулиши ҳам, кўзатувчан уқувчи назар эътиборидан четда қолмайди.

Хотиранинг ҳозиржавоблиги- бу ўқитувчининг дарсда уқув материални изчил, сестемали равишда баён қилиш ва ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериш учун мазкур пайтда зарур бўлган билимларни дарҳол даҳол эсга тушура олишдир. Албатта ўқитувчи ҳама нарсаларни ҳам эсда саклаши ва билиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам тажрибали ўқитувчи бундай қийин ҳолатга тушуб қолганда ўқувчиларга : «Мен бу ҳақда билиб олишим керак» деб очиқ айтади., бу саволга

кейинги дарсларда жавоб беришга ваъда беради ёки уквчиларнинг ўзларига уйлаб кўришин тавсия қилади.

Ўқитувчининг нутки билим бериш ва ўқувчилар ҳулиқга таъсир кўрсатишнинг асосий воситасидир. Таълим-тарбиявий ишдаги муваффақият кўп жихатдан ўқитувчи нуткининг сифталарига боғлиқдир. Ўқитувчи нуткининг асосий сифатлари: нуткнинг гараматик жихатдан тўғри тўзулиши, мантиқан изчиллиги, аинқлиги ва тушунарлиги, жушқинлиги ва имфодалиги, эскириб кетган сўзларнинг ва ортикча имо ишораларнинг йуклиги, тезлик суръати, таъсирчанлиги ва жонлилиги уқитучи нуткининг асосий сифатларидир. Ўқитувчининг нутки тахлид қилиш учун намуна бўлиб хизмат қилади, уквчилар ўқитувчининг нутк хусусиятларидан нусха кучирадилар. Бу эса уқитувчидан ўз нутқини табора такомиллаштириб бориш устида тинимсиз ишлашни талаб қилади.

Ўқитувчининг диққати ҳам педагогик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таъсирида махсусллашиб, ихтисослашиб боради. Ўқитувчи дарсда унлаб ўқувчилар билан алоқада бўлади, Уўқув материални баён қилади ва Айни пайтда тарбиявий ишни ҳам амалга ошириб боради. Бўларнинг ҳаммаси диққатнинг марказлашуви ва таксимланиши, барқарорлиги ва бир объектдан иккинчисига енгиллик билан кучишини талаб қилади. Ўқитувчи бундан ташқари уквчиларин дарснинг мазмуни ва материални баён қилиш методларини кўзатиб бориши ва ўз хулқини ҳам эътибордан четда қолидрмаслик керак.

Педагогик фаолият таъсирида уқитувчида махсус эмоционал иродавий хусусиятлар: педагогик оптимизм, камтарлик ва ўзига нисбатан талабчанлик, ўқувчилардан талаб қилишда қаттиқлик изчиллик, ўзини тутат билиш қабилар таркиб топа боради.

Уқитучи болалар билан муносабатлардаги энг муҳим хусусият боллага чуқур ишонч ва севишни ўзида мужассамлаштирган педагогик оптимизмдир. Бизнинг ўқитувчимиз ўз ишида мактаб ўқувчисининг камолотида тўғри йўлга қўйилга, тарбияланувчининг актив ролинин таъминлайдиган тарбия ҳал қилувчи кучдир., деган эътиқодга таянади. У боланинг камолоти ирсият ва муҳти тамонидан азалий равишда белгилаб қўйилади, деган ақидага ишонмайди. Ундаги бу эътиқод унинг ўз кучига, ҳар бир ўқувчини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш мумкинлигига ишонч, муайян мақсад ва идеалларга эришиш мумкинлигини ишонч ҳосил қилади.

Камтарлик ва ўзига нисбатан тадабчанлик ўқитувчи шахсининг ажралмас хислатларидир. Уқитувчи, педагогик жамоанинг аъзоси бўлиб туриб аввало мактабдаги ишларнинг умумий аҳволи учун жон куйдиради. Бизнинг замонда илмий методик тайёргарлиги соҳасида эришган муваффақияти даражасида тухтаб қолган ўқитувчи оксайди.

Уквчилар тушуна олмаган материални сабр билан тушунтира билиш, тарбиявий ишлар жараёнида юз берган кийинчиликларин саботликбилан бартараф қила билиш ўқитувчининг

укучилар билан муносабатда муҳим сифатлардан биридир. Ўзин тута билиш, аччиги чиққанлигини, кучли аффеktiv ҳолатини, хурсандчилигини бошқа хис- туйғуларини ўқувчиларга билдирмаслик демакдир, аммо бу хусусиятлар ўқитувчи ҳар қандай шароитларда ҳам мутлоқ боки бегам бўлиши керак деган сўз эмас. Ўқитувчи керак бўлган ҳолларда болалар билан бирга бўлмоғи қўлишмоғи, чакчаклашмоғи аммо укучи ёмон ҳатти ҳаракат қилган тақдирда эса ўзининг унга нисбатан бўлган нафратини руёбга чиқармоғи лозим.

Эҳтимол ,дастлабки ўқитувчининг ўз олдига қуйган вазифаларга эришиш учун сабр тоқат қила билиш жуда кийин бўлса керак . Сабр –тоқат вақт сарфлаш ,катта асабий кучга боглик , Леки нагар ўқитувчи ўқувчиларнинг уўқув материални ҳар томонлама тушунишини ,тарбиявий жихатдан қаровсиз қолаган ҳар бир бола мактабда, синфда , кучада ва уйда ўзини яхши тўтишини истаса , бунини (сабр-тоқатни) четлаб ўтолмайди .

ЎқИТУВЧИ ШАХСИНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ .

Ўқитувчи учун типик бўлган ахлоқий педагогик сифатлар ўз-ўзича мавжуд бўлмайди .Уларнинг эгалари жонли , конкрет ўқитувчилардир.

Ҳаар бир ўқитувчи ўз мактаб жамоасининг азоси бўлиш билан бирга бир қанча индивидуал факат унинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларга ҳам эгадир.Шу хусусиятлар йигиндиси муайян ўқитувчининг шахсий кифоасини ,унга хос бўлган иш услубини белгилаб беради.

Ҳаар қандай педагог жамоада ёш ,педагогик фаолиятини эндиgina бошлаётган ўқитувчиларни ҳам ,кўп йиллик иш стажига эга бўлган тажрибали ўқитувчиларни ҳам учратиш мумкин . Ёш ўқитувчида ҳам ,тажрибали ўқитувчида ҳам ўз иш хусусиятлари ҳам бўлади. Ёш ўқитувчи учун келажакда ривожланиш муккаммаллашиб бориш истикболи ҳарактерли бўлса тажрибали кекса ўқитувчи учун эса босиб ўтилган давр ,боскич ҳарактерлидир.Масалан,билимларни болаларга тушунарли , қизиқарли қилиб Бера билиш қобилияти , дарсда тушунтириш уўқув программасининг энг муҳим масалаларини танлай олиш қуникмаси ,одатда ёш ўқитувчиларда камроқ ривожланган бўлади.Улар ўзлари билган нарсаларни болаларга мумкин қадар кўпроқ баён қилишга ҳаракат қилиб , кўпинча дарсларни уўқув материаллари билан ҳаддан ташқари тулдириб юборадилар.Ёш ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан бўладиган муносабатларида , дастлабки кезларда ,ортикча мулойимлик ,„сермулозаматлик ,чакконлик ва очиқ қуниллилик кўзга ташланса Айни вақтда тажрибали педагоглар анчаgina вазминлик ва каттикқўлликлари билан ажралиб турадилар.

Бироқ ўқитувчилар жамоасидаги индивидуал фарқлар факат педагогик тажрибадаги тафовут билан тугалланмайди.

Маълумки, барча тажрибали ўқитувчилар ҳам, шунингдек, ёш ўқитувчилар ҳам бирдай эмас. Ёш ўқитувчилар орасида ҳам тажрибалари орасида ҳам кунгилчан талабчан, хийла кучли ва кучсиз, хушчакчақ ва маюслари учраб туради. Хар бирининг ўзига хос, алохида хусусиятлари бор. Хар бирининг ўз авзалликлари ва камчиликлари улади.

Профессор И.В.Страхов характерлари жихатидан турлича лекин хар бири ўз йўлига яхши бўлган учта ўқитувчининг характеристикасини мисол қилиб келтиради

1 Математика ўқитувчиси ўқувчилар билан бўладиган муносабатларда Амалий ва эмоционал алокаларнинг мувозанатлиги билан ажралиб туради. У дарсга Кириши биланок ўқувчилар билан Амалий алока қила бошлайди. Синфдаги тартибсизликларни пайкайди ва уларни бартараф қилишини талаб қилади. У мумкин қадар кўпроқ ўқувчилар билан муносабатда бўлишга ҳаракат қилиб, дарсларни қизиқарли равишда олиб боради, ўқувчиларни актив, мустақил ишлашга жалб қилади. Унинг ўқувчиларга мурожаат қилиши доскада масала ечаётган ўқувчи билан диалог тариқасида ва айрим ўқувчиларга лўкма ташлаш тарзида ифодаланади. Масалан: «Ечишнинг энг яхши усулини топинг». «Сен қўлингни жуда ҳам хуник кутарасан», «Шошилмаслик керак» кабилар. Йўл йўлакай бир неча дарс колдирган ўқувчидан нима билан касалланганлиги, ҳозирги вақтда ўзини қандай ҳис қилиши, ёрдам керак ёки керак эмаслигини ҳам сураб кетади. Тортинчок, ўзига ишонмайдиган ўқувчига мулоимлик билан муомала қилади: «Сенинг ишларинг юришмаяпти, лекин буни тўзатиш мумкин».

2 Адабиёт ўқитувчиси ўқувчилар билан муомала қилишда уларга мулоим таъсир кўрсатиши, самимийлиги ва жушқинлиги билан ажралиб туради.

У дарсдаги ишчанлик вазиятини асосан хилма-хил суҳбатлар олиб бориб барча ўқувчиларни активлиги ва мустақиллигини уйғотиш йўли билан вужудга келтиради. Ўқувчилар билан кийналмасдан эмоционал алокалар урнатади. Бунда унинг ўзига хос бўлган муомаласининг самимийлиги ва ифодалилиги, нутқнинг жушқинлиги кутаринқилиги, ўқувчилар билан муомала қилиш усуллариининг хилма –хил бўлиши, суҳбатининг дустона вазиятда бўлиши катта роль уйнайди.

3 Табиат ўқитувчисининг бошқалардан ажралиб турадиган ўз хусусиятлари бор ўқувчилар билан катъий ишчан муносабат урната билади. Лекин ўқувчилар билан етарли эмоционал муносабатда бўлмайди. Улар билан муносабатларида жуда ҳам расмий бўлади ва каттикқўллик курсатади. Дарсга келгач синфни диққат билан кўздан кечириб чиқади ват парта устидага ортикча нарсаларни олиб қўйишини талаб қилади. Кимда Ким дарсликни очиб утирса у дарсга тайёрланиб келмаган деб ҳисоблайман дейди у. Дарсда укучиларни диққат билан кўзатиб боради. Ўқувчилар хулқининг бироз булсада бўзилишига йўл қуймайди. Бу ўқитувчининг дарсларида катъий ишчан муносабат урнатади. Хаар бир ўқувчининг актив ишлашига эришади, хар бир минутдан самарали

фойдаланади.бироқ бу ўқитувчида болаларга нисбатан самимийлик ва жушқинлик етишмайди.,мулохазаларга кўп урин берилади.Педагоглар учун олий нерв фаолиятининг қандайдир алохида типии мавжуд бўлади деб уйламаслик керак деб ёзади Н.Д.Левитов –гап факат нерв системасининг бир-бирига кушилиб педагоглик ишига ёрдам берадиган хусусиятлари тўғрисида бориши лозим .Кўзголиш жараёнларининг кучи анчагина кам бўлганда ўқитувчи ишда халакит берадиган даражадаги бушанглик ,пассивлик кийинчиликлардан куркишга тормозланиш профессиялари кучсиз бўлганда эса хулқда ортикча қизиқконликка ,сержахлликка мойил бўлади.Нерв системасида кўзголиш ва тормозланиш системаларининг мувозанатлиги педагогга хул атворида оқилона чора қўллаш учун ,ўқувчиларга педагогик тасир кўрсатишнинг самарали воситаларини танлашит учун яхши асос булиб хизмат қилади.Нерв жараёнларининг чакконлиги Янги ва кутилмаган шароитларда диккатни бир нарсадан иккинчи нарсага тез кучириш ,эпчиллик кўрсатиш ва вазиятга караб иш тўтиш учун мухим шарт булиб хисобланади.Агар ўқитувчи ўз камчиликларини била туриб ўз-ўзини тарбиялаш билан катъий шугулланиб борса нерв системаси типининг салбий таъсири бир мунча сусайиши мумкин.

Хаар бир ўқитувчининг аклиу фаолиятдаги индивидуал фарқлари кўп жихатдан унинг қобилиятлари,қизиқиш ва майллари ,эктиёжларининг ижтимоий ахамияти билан белгиланади.Ташаббускор ўқитувчи қизиқишларининг кенглиги ва севимли ишига берилганлиги ўз вазифаларининг мухимлигини тушуниш, ўз билимларини ва таълим-тарбиявий иш методларини тинмай таккомиллаштириб боришибилан факатгина эришган мофакиятлари билан кифояланиб коладиган демак ,пировардида хаётдант оркада коладиган Дакки ўқитувчидан ажралиб туради. Шундай қилиб ,ўқитувчида энг яхши индивидуал хусусиятлари ривожланишини таминлайдиган асосий шартлардан бири унинг ўзи устида ишлаши,тинмай ўз малакасини ошириб боришидир.Психология курсини ўрганиш,ўқитувчига ўз ютуқ ва камчиликларини англаб етишда катта ёрдам бериши мумкин

+қобилият - бу кишининг бирор фаолиятга ярққилиги ва шу фаолиятни муваффақиятли амалга оширишидир.

Педагогик қобилият- бу қобилият турларидан бири кишининг педагогик фаолиятга ярққилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шугуллана олиши аниқлаб беради. Педагогик қобилиятнинг тузилиши қандай? куйида бу масалани куриб чиқамиз.

Ўзоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўпқиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида мухим урин эгаллайдиган қатор компонентларни (таркибий қисмлар) ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Дидактик қобилиятлар - бу болаларга ўқув материалларни аниқ ва равшан тушунтириб, осон-қилиб етказиб бериш, болаларда фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятлардир.

Дидактик қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи зарурат тўғилганда қийин ўқув материалларга осонроқ мураккаброғи соддароқ, тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ-қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади. Ўқитувчининг мана шу хислатларини билиб олган ўқувчилар одатда; ўқитувчининг энг муҳим томони ҳам унинг ҳамма нарсани аниқ равшан ва тушунарли қилиб беришида, бундай ўқитувчининг қулида мазза қилиб ўқитинг келади»; «Униси эса ҳеч нарсага ярамайдиган ўқитувчи, ҳеч ҳам аниқ тушунтириб бера олмас эди»; «ўқув материаллини олдида тирик одамлар эмас, балки қандайдир механизмлар бордек, зерикарли ва ноаниқ муҳмал қилиб тушунтиради. -Биз бундай ўқитувчиларни ёқтирмаймиз» - дейдилар.

Ҳозирги тушунчамиздаги касбий маҳорат, шунчаки билимларни осонроқ ҳаммабоп ва тушунарли қилиб ўқувчилар онгига етказиб бериш қобилиятининг эмас, балки, шу билан бирга ўқувчиларнинг мустақил ишларини, уларнинг билиш фаоллигини- оқилона ва моҳирлик билан бошқариб, уларни керакли томонга йуналтириб туришдан иборат қобилиятни ҳам ўз ичига олади.

Мана шу қобилиятлар асосида ўқувчилар психологиясига хос доимий установка йуналтириш ётади. қобилиятли педагог ўқувчиларнинг тайёрлик даражасини уларнинг таракқиёт даражасини ҳисобга олган ҳолда болаларнинг нимани билиши ва нимани билмаслигини нималарни аллақачон эсдан чиқарганликларини тасаввур қила олади.

Кўпчилик ўқитувчиларга айниқса-хафсаласиз ўқитувчиларга, ўқув материалли оддийгина ва ҳеч қандай «алоҳида тушунитириш ҳамда изоҳ беришни талаб қилмайдигандек туюлади.

Бундай ўқитувчилар ўқитувчиларни эмас, балки биринчи галда ўзларини назарда тутиб иш олиб борадилар. Шунинг учун материаллини ўзига қараб танлайдилар. қобилиятли, ўқитувчилар аса ўзларнинг ўқувчи ўрнига қўйиб, катталар учун равшан ва тушунарли бўлган материал ўқувчилар учун тушунарсиз бўлиши мумкин деган нуқтаи назарда бўладилар.

Шунинг учун ҳам бундай ўқитувчилар материалнинг характери ва уни баён этиш усулларини алоҳида ўйлаб кўриб режалаштирадилар. Материалли баён этиш жараёнида қобилиятли ўқитувчи учун ўқувчиларнинг қандай тушунаётганликлари ва зарур бўлганда дарс баёнотида алоҳида эътибор беришга интилаётганликлари каби қатор белгиларига қараб тўғри тасаввур қилиб, хулоса чиқара олади.

Ана шундай педагогик қобилиятни аниқлаш учун психолог Н.Г.Оноболин жуда қулай тест тавсия этади. Бу тестга кўра билиш характеридаги матнда ўқитувчининг фикри айрим синф ўқувчилари учун қийин деб ҳисобланган қисмларни алоҳида кўрсатиб, нима учун бу қисмларнинг қийинлигини тушунтириб берган, шундан сўнг эса матнни ўқувчиларга енгил ва уларнинг ўзлаштиришлари учун қулай қилиб тўзиш тавсия этилади.

қобилиятли ўқитувчи шу билан бир қаторда материалли ўзлаштириш, ўқувчиларга бир оз нафас олиб, ўзларига келиб олишлари ва ўз диққат-эътиборларини бир жойга қўйиб, айрим қўзғалишларни «сўндириб»,

бошқаларни эса жадаллаштириб, уларнинг бўшашганлигини, суствлигини ва лоқайдлигини енгиллари учун замии тайёрлаш зарурлигини Ҳам назарда тўтади. Бундай ўқитувчи зарур шароит яратилмагунча дарсни бошламайди. Ҳаддан ташқари шиддат билан бошланган дарс ўқувчиларда Ҳимоя қилувчи тормозланишнинг вужудга келтириб, мия фаолияти тормозланади ва ўқитувчининг сўзлари етарлича идрок қилинмайди.

2. Академик қобилиятлар — математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир.

қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат Ҳажмидагина эмас, балки атрофлича, кенг, чуқур билиб, бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кўзата бориб, ўқув материалини мутлақо эркин эгаллаб, унга катта қизиқиш билан қарайди Ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани буйича бундай юксак билим савиясига эришиш, бошқаларни қойил қилиб хайратда қолдириш, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиш учун у кесак маданиятли, Ҳар томонлама мазмунли, кенг эрудицияли (билимдон) одам бўлмоғи лозим.

Бундай ўқитувчилар Ҳақида ўқувчилар: «Махмуд ака худди профессорнинг ўзгинаси-я. Биз унинг билмаган биронта соҳаси бормикин деб тез-тез уйлаб тураимиз. Дарсларга у бутун вужуди билан киришиб кетади» дейдилар. Баъзан ўқувчилар ўз ўқитувчиси Ҳақида «Бақир-чақир қилади-ю, аммо заррача билими йўқ» деб бутунлай тескарисини айтсалар, жуда алам қилади.

3. Перцептив қобилиятлар - бу ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кўзатувчанлик, ўқувчи шахсининг вақтинчалик психик Ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билшидан иборат қобилиятдир.

қобилиятли ўқитувчи болаларнинг Ҳар қандай майда-чуйда хатти-Ҳаракатларида, эркин ифодаланадиган айрим ташқи Ҳолатларида Ҳамда уларнинг ички дунёсида юзага келадиган ўзгаришларни сездирмасдан билиб олади. Ана шундай Ҳолларда ўқувчилар: «МуҲаббат опа кимнингдир кайфиятида ўзгаришлар бўлса ёки кимдир дарсга тайёрланмасдан келган бўлса кўзига қарабоқ билиб оладики, Бизнинг ўқитувчимиз Ҳеч қачон ярамаса Ҳам, Ҳамма нарсани кўриб туради» дейдилар.

4. Нутқ қобилияти - кишининг ўз туйғу-хисларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир. Бу ўқитувчидан ўқувчиларга ўзатиладиган ахборот, асосан, ишончи сигнал тизими - нутқ орқали берилади. Бунда мазмун жиҳатдан унинг ички ва ташқи хусусиятлари назарда тутилади. («Биз учун адабиёт ўқитувчимиз -Назира опанинг дарсини эшитишдан катта лаззат йўқ. Назира опамлар шу қадар яхши ва чиройлик қилиб гапирадиларки, Ҳатто танаффусга чалинадиган кўнғирок Ҳам халакит беради»),

Дарсда қобилиятли ўқитувчининг нутқи ҳамма вақт ўқувчиларга қаратилган бўлади. ўқитувчи янги материални тушунтирадим, ўқувчилар жавобини шарҳлаб берадим, ўқувчилар жавобини, уларнинг хатти-Ҳаракатлари ёки хулқ-атворини маъқуллайдими ёки танбеҳ берадим, хуллас нима қилишдан қаттиқ назар, нутқи Ҳамма вақт ўзининг ишончилиги, жозибадорлига каби ички қувват билан алоҳида ажралиб туриши лозим.

ўқитувчи нутқи, унинг талаффузи аниқ, равшан, оддий ва ўқувчилар учун тушунарли бўлиши керак. Бериладиган ахборотлар шундай тузилиши керакки, бунда ўқувчиларнинг фикру-зикри ва диққат-эътиборини юқори даражада фаоллаштирадиган бўлсин. Бунинг учун эса ўқитувчи ўқишга савол ташлаб, аста сёкинлик билан ўқувчиларни тўғри жавобга олиб келади, ўқувчиларнинг диққат-эътабори фаоллаштирувчи («Бунда айниқса зийрак бўлинг!», «ўйлаб, яна ўйлаб кўринг!») сўз ва ибораларни ўз меъёрида ишлатади.

Ўқитувчи ўзун жумлаларни, мураккаб оғзаки изохларни, кийин атамаларни ва зарурати бўлмаса, турли таърифларни тинглатмаслиги лозим. Шу билан бирга ўқитувчи шуни ҳам ҳисобга олиши керакки, ўқитувчининг лўнда-лўнда булиб чиққан қисқа нутқи кўп ҳолларда ўқувчиларга тушунарсиз бўлаб қолар экан ўқитувчининг ўз ўрнида ишлатиладиган ҳазил аралаш ва хайрихоҳлик билдирувчи арзимаган кинояли нутқи ўқувчиларни жуда жонлантириб, ўқувчилар томонидан ўта яхши қабул қилинар экан.

қобилиятли ўқитувчининг нутқи жонли, образли, аниқ-равшан, интонацияли ва ифодали, эмоцияга бой, дона-доиа бўлиб, бунда стилистик ва грамматик хатолар мутлақо бўлмаслиги лозим. Бир хил оҳангдаги эзма нутқ ўқувчиларни жуда тез толиқтириб, уларни зериктиради ва беҳафсала қилиб қўяди. Бу билан бирга бундай нутқ И.П.Паваовнинг физиологик таълимотига кўра, доимий таъсир этувчан қўзғовчига айланиб, бош мия катта ярим шарлари пўстида тормозланиш жараёнини юзага келтириб, ўқувчини эзма ва уйқучан қилиб қўяди. Нутқ тезлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг индивидуал психологик хусусиятига боғлиқ. Айрим ўқитувчилар тез гапирсалар, бошқалари сёкин гапирадилар. Аммо ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларини эгаллаб олишлари учун энг қулай тезликдаги нутқ-ўқишча жонли нутқ эканлигини эсдан чиқармаслиги лозим.

Шошқалоқ нутқ билим ўзлаштиришга ҳалакит бериб, болаларни тез толиқтиради ва муҳофаза қилувчи тормозланишни юзага келтиради. Ўта сёкин нутқ ланжлик ва зерикишга олиб келади. Нутқнинг баландлиги қаттиқ гапириш ҳам худди шу сингари ҳолларга олиб келади. Ҳаддан ташқари қаттиқ, кескин, бакириб гапириш ўқувчиларнинг асабига тегиб, уларни тез толиқтириб, муҳофаза қилувчи тормозланишини юзага келтиради. Мана шу ерда шарқ, мўтафаккирларидан Насриддин Тусийнинг ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қерда заҳархандали, кўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкии эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тўта олмаслиги ишни бўзиши мумкин деган насиҳатини келтиришимиз жуда ўринли бўларди. Ўқитувчининг буш, паст овози ёмон эшитилади. Нутқи, имо-ишоралар, турли кескин ҳаракатлар ўқувчиларни жонлантиради. Бу тариқа имо-ишоралар ва ҳаракатлар тажрибали ўқитувчиларда ўз меъёрида ишлатилади. Лекин бир хилдаги тинимсиз ҳаракатларнинг ҳаддан ташқари куп бўлиши кишининг асабига тегади.

5. Ташкилотчилик қобилияти бу биринчидан, ўқувчилар

жамоасини уюштира билиш, бунда жамоани жипслаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятидир. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари ҳақда турлича фикрда бўладилар. Жумладан, айрим ўқувчилар: «Биз азим акани жуда яхши кўраимиз. Улар синфимизда бир вақтнинг ичида, жуда тезлик билан ишчанлик кайфиятини уюштириб, барчамизнинг ўзининг пухталиги, озодлиги, эпчиллиги ва тадбиркорлиги билан ҳайратда қолдирадилар» десалар, айрим ўқувчилар: «Собир акамлар бизнинг ихлосимизни

қайтариб, Ҳафсаламизни бир пул қиладилар, Улар куп ишга уринадилар-у, аммо бирортасини Ҳам оҲирига етказмайди» дейдилар. Баъзан айрим ўқувчиларнинг ўз ўқитувчиси Ҳақида: «Нодира опамлар биз билан худди она товукдек овора бўладилар. Агар биз шўхлик қила бошласак, улар ўзларини кўрмасликка, пайқамасликка солардилар. Ажойиб аёл эди-ю аммо унинг дарсида Ҳеч ким Ҳеч нарса қилмас эди-да...» деган фикрларни Ҳам эшитиш мумкин.

Ўқитувчининг ўз ишини ташкил қила билиши деганда, унинг ўз ишини тўғри режалаштириб, уни назораг қила олиши назарда тутилади. Таҷрибали ўқитувчиларда вақтга нисбатан ўзига хос сезувчанлик - ишни вақт буйича тўғри тақсимлаб, мўлжалланган вақтдан туғри фойдалана олиш кўникмаси пайдо бўлади. Дарс давомида, албатта, кўп Ҳолларда вақтни беҲуда йўқотиш Ҳам мумкин. Аёкин бу йўқолган дарс режасини тўзатиш зарурияти тўзилган Ҳолларда бўлиши мумкин, Таҷрибали ўқитувчилар вақтни сёза билишини ўрганиш учун дарс режасини ёки матнда вақтни назорат қилиш учун белгилар олиб боришни тавсия этадилар, Жумладан: дарсинг 10, 20, 30 ва бошқа дақиқалари давомида мабодо кўзда тутилмаган вақт ортиб қолган тақдирда фойдаланиш учун қандай қўшимча материалларн тайёрлаш ёки вақт етмай қолган тақдирда қандай материални кейинги дарсга қолдириш мумкинлиги Ҳақида маслаҳат берадилар.

6. Авторитар қобилияти - бу ўқувчиларга бевосита эмоционал -иродавий таъсир этиб, уларда обрў орттира билишдан иборат қобилиятдир. (Гарчан ўқитувчининг ўз фанини мукамал билиши, сезиларли ва хушмуомалалиги асосида қозонилади).

Авторитар қобилият ўқитувчининг респўйлиги, иродавий уддабуронлиги, ўзини тўта билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби иродавий хислатлари Ҳамда қатор шахсий хислатларга, шу билан бирга ўқувчиларни таълим-тарбиясида жавобгарликни Ҳис этиш, унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олганлигига ишончи каби хислатларга Ҳам боғлиқдир.

Ўқувчилар (айниқса, ўғил болалар, ўспиринлар - буни алоҳида таъкидлаб ўтиши керак) талаб қилишни биладиган, ўқувчиларни мажбур қилмаган ва дўқ-пўписа қилмаган, шу билан бирга беҲуда расмиятчиликка йўл қуймаган Ҳолда ўз айтганини қилдира оладиган ўқитувчиларнн жуда Ҳурмат қиладилар. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг ўқитувчилар Ҳақида айрим фикрларини мисол қилиб келтарамиз:

«Унинг ажойиб хислати бор - у Ҳеч қандай зарда ва бақирик, чақириксиз ишлай олади»; «Биз уни жиддийлиги, вазминлига ва талабчанлиги учун жуда яхши кўрамыз. У Ҳамма вақт шунчаки мулойимгина, сипогина талаб қилади, аммо унинг талаби шу қадар , таъсирчанки, унга кулок солмаслик мумкин эмас»; «Бизнинг математика ўқитувчимиз Ҳамма вақт ювош, осойишта, ўзини тутган ва шу билан бир қаторда бутун синфга ажойиб таъсир эта олади»; «Кимё ўқитувчимизнинг обрўсига эътибор этмай кўпинча, у Ҳар қандай шароитда Ҳам ўз айтганига эришади»; «Ниғмат ака бизга устунлик билан таъсир этади. У Ҳадеб талаб қилавермайди, агар талаб қиладиган бўлсалар унда бўйин товааб бўлмайди», ёки ўқувчиларнинг ўз ўқитувчилари Ҳақидаги мана бундай фикрлари: «Полвон ака мактабимиздан кетганига биз хурсанд бўлдик. У бизни дўқ-пўписа, бақирик-кичқирик, буйруқбозлик билан қўлга оламан деб ўйларди-ю, аммо бизни бардош беришгагина мажбур этарди, холос».

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мактаб таълими жараёнида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи тўғрисида жуда ачиниб айтган фикрларини келтириш ўринли бўлур эди: «Мабодо бирор ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким Ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи Ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади, принцип Ҳам тайёр: «менинг айтганим - айтган, деганим — деган».

Шу билан бир қаторда ўқувчилар ўқитувчининг бўшлиғи, ландавурлиғи, лақмалиғи, соддаларча ишонувчанлиғи, сусткашлиғи, ортиқча риёгарчилиғи, иродасизлиғи каби хислатларни баралла қоралайдилар: «яхши одаму, Лекин ўта буш: уни алдаб кетиш Ҳеч гап эмас»; «Тушуниб бўлмайди: бирда жуда қатикқўл, талабчан, баъзан Ҳеч қандай талаб деган нарса йук»; «Жуда бўшанг, ланж: уни кўришинг билан уйқин келади»...

7. Коммуникатив қобилиятга - бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўқувчиларга ёндашиш учун тўғри йул топа билишга, улар билан педагогик йўқтай-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир. Педагогик такт психологиясини ўрганишда психолог И.В.Страхов бениҲоят катта ҳисса қушган. Унинг фикрича бунда муҳими ўқувчиларга таъсир этишнинг энг қулай усулларини топа билиш, тарбиявий таъсирни қўллашда мақсадга мувофиқ педагогик чораларга эътибор бериш, аниқ педагогик вазифаларни Ҳисобга олиш, ўқувчи шахсининг психологик хусусиятлари ва унинг имкониятлари Ҳамда мазкур педагогик Ҳолатларини Ҳисобга олиш зарурдир.

Педагогик тактнинг яққол ифодаларидан бири - Ҳар қандай педагогик таъсирга нисбатан қўлланиладиган чора-тадбирларни (рағбатлантириш, жазолаш, панд-насиҲат) Ҳис эта билишдан иборатдир. Фаросатли ўқитувчи болаларга эътибор бериб, зийраклик билан қарайди, уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари билан Ҳисоблашади. «У биз билан Ҳайрон қоларли даражада, ажойиб, яқин дўстларча яқин муносабатда бўлади»; «Бизнинг тарих ўқитувчимизнинг кучли томони - Ҳар кимга қандай ёндошишини билар эди»; «Энг ёмони - ўқитувчининг ўқувчилар олдида хушёрлик қилишидир. Бизнинг зоология ўқитувчимиз Фарида опамлар шундайлардан эди: улар нимаики қилиб бўлса-да, у болаларни ўзига қаратиш учун хушомадтўйлик қиларди! Нега улар ўзларини бунчалик камситиб ерга уради? деб ўйлар эдим. Ахир улар ўз фанини яхши билардику»; «Иброҳим ака эса, қарабсанки, Ҳеч нарсдан Ҳеч нарса йук, киши дилига озор берар, тушириб қолар ёки беҲудага уришиб, қойиб берар эди».

Педагогик кадрининг йўқлиги кўпинча оғир оқибатларга олиб келади. Тошкент мактабларидан бирида она тили ва адабиёт ўқитувчиси ўқувчиларга жуда куп талабларни қўйгану, аммр Ҳеч қандай изчиллик билмаган: бир вазифа бериб туриб, шу заҳотиёқ бошқа талабларни қўя бошлаган. Арзимаган хатолар, тарғиб бўзишлар руй берса, шу заҳотиёқ мазмунан ва шакл жиҳатидан ўта ва алам қиладиган қескин гапларни қилиб, «2» қўярди.

Масалан, дафтарнинг четида қолдирилган жойнинг хатолиғи ёки интизом бўзганлик каби ва арзимаган иарсалар учун ёпишгани-ёпишган эди. Ўқитувчининг бу хатти-Ҳаракатлари учун ўқувчиларда дард, алам тулиб тошганди. Кўп ўтмай ўқувчиларнинг норозилиғи ва қатъий эътирози очикдан-очик намойишқорона билдирилиб,

ўқитувчига кулоқ солмайдиган, атайлаб интизом бўзадиган ўқитувчини кескин танқид қиладиган бўлиб қолдилар. Бундай ачинарли аҳвол фақат ана ўша ўқувчи мактабдан кетгандан кейингина тўзатилди.

Ўқитувчининг педагогик такти масаласи муносабати билан шуни ҳам айтиш жойизки, қачон ўқувчилар ўқитувчининг ижобий хислатлари тўғрисида гапирар эканлар, улар ҳамisha ўқитувчининг адолатлилиги каби хислатларини биринчи ўринга қуядилар.

«Кўп ҳолларда ноҳақ иш қиладилар бирор масалани яхшилаб текшириб кўрмасдан иш тўтадилар». Ўқитувчининг бундай хислатига ўқувчилар нечундир ачиншини талабчанли муносабатида бўладилар. Ўқитувчининг адолатсизлиги ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу туғрида ҳар қайсимиз мактаб амалиётидан қандайдир тасаввурга эгамиз.

8. Педагогик ҳаёл – бу кишининг ўқувчилар шахсини тарбиявий томондан лойиҳалаштиришда ўз иш-ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоёна бўладиган қобилиятдир. Бу қобилият ўқитувчи маълум ўқувчидан келгусида ким чиқишини кўз олдига келтиришда, тарбияланувчиларда у ёки бу хилдаги хислатларни ўсиб ривожланиши олдиндан кўра билишда намоён бўлади. Бу қобилият педагогик оптимизм, тарбиянинг кучига ўқувчиларга бўлган ишонч билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўқувчилар айрим ўқитувчилар тўғрисида: «Аҳмад акамлар, чамаси ичимиздаги энг ярамасларга ҳам ишончларини йўқотмасдилар, шунинг учун ҳам биз уларни ҳурмат қилардик», деган фикрларни изҳор қиладилар.

9. Дикқатни тақсимлай олиш қобилияти – бу қобилият бир вақтнинг ўзида дикқатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи ишида ғоят-муҳим аҳамиятга эгадир.

қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзининг дикқат-эътиборини ўқув материални қандай баён этилишига, унинг мазмунига, ўз фикрларини аниқлаш қилиб қандай очиб беришга ёки ўқувчи фикрига баралла қаратади ва шу билан бирга бир вақтнинг ўзида барча ўқувчиларни кўзатиб, уларни Толиққан-толиқмаганлигига, эътиборли ёки эътиборсизлигига дарсни тушуниш-тушунмаслигига аҳамият бериб, ўқувчиларнинг интизомини кўзатади ҳамда оқибат натижада ўзининг шахсий ҳуқ-атвори (юриш-туришига, ўзини тутишига, мимика ва пантомимикасига) эътибор беради. Тажрибасиз ўқитувчи, кўпинча ўқув материални баён этишга берилиб кетиб, ўқувчиларнинг нима қилаётганликларини сезмай қолади ва назоратдан чиқариб қўяди, агар бордию, ўқувчиларни дикқат-эътибор билан кўзатишга ҳаракат қилса, бундай ҳолларда ўз баёнотининг изчиллигини йўқотиб қуяди.

Юқорида кўрсатаб ўтилган қобилиятлардан ташқари, ўқитувчи инсон шахсининг мақсад сари интилиши, уддабуронлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби қатор ижобий хислатларига эга бўлиши лозим.

У ўқувчиларни тарбиялар экан, ўзининг ҳуқ-атвори, юриш-туриши, ҳулас, бутун ўқитувчилик шахси билан ўқувчиларга урнат бўлиши керак.

Ўқитувчининг ўзини қўлга ола билиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳулоса қилиб, шуни айтиш жойизки, ўқитувчининг барча ижобий, умуминсоний ахлоқ меъёрларига мос келувчи хислатлари қатта аҳамиятга эга. Агар биз қуйидаги хислатларини олиб қарайдиган бўлсак, буларнинг

барчаси Ҳам ўта муҳим омиллардир. Жумладан, ўқитувчининг ташқи қиёфаси унинг обриси шаклланишига таъсир этади. Ўқитувчининг озодалиги, ихчамлиги, унинг покизалиги, саришта-сарамжонлиги, сипогарчилиги, унинг қилиқлари, ўзининг чиройлик тутиши, қадди-қомати ва юриш-туришлари ўқувчиларда жуда яхши таассурот қолдиради. Жумладан, ўқувчиларнинг Фарида опани нечук яхши курмайсан, улар Ҳар доим шу қадар хушчақчақ, озода, саришта-сарамжонлар-ку!?» ёки Ноила опа мактабда эмас, балки театрда ишлаб, томоша кўрсатиши керак - чунки уларнинг турқи қиёфаси, юриш-туриши ясама, сохта» деган фикрларни олишимиз мумкин.

Мавзу юзасидан саволлар

- 1 Ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги маънавий сифатларининг хал қилувчи роли Амалий жихатдан нималарда ифодаланади?
- 2 Сизда энг яхши таъсууроот қолдирган ўқитувчининг қиёфасини эсдаликларингиз асосида тасвирлаб Беринг
- 3 Таниш ўқитувчилар билан уларнинг педагогик ишидаги мувафокиятининг асосий сабаблари ҳақида суҳбатлашинг .уларнинг айтганлари тўғрисида сизнинг фикрингиз қандай?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Бажович Л. Личность и ее формирования в детском возрасте. М.:
2. Виготский Л.С. Избранный психологический исследование. М.:
3. Гоноволин Ф.Н. Книга об учителе. М. 1965.
4. Петровский А.В. Социальная психология. М.: 1987.
5. Крутецкий В.А. Психология обучения и воспитания школьников. М.: 1979.
6. Виготский Л.С. Педагогическая психология. М., 1991г.
7. Бютнер. Как жить с агрессивными детьми. М., 1991г
8. Обухова Л.Ф. Детская психология. М., 1985г
9. Умурзакова А.П. Общечеловеческие ценности: национальные традиции и обучение в развитии. (Общественные науки в Узбекистане 1991 №1).
10. А.В.Петровский «Умный психология»Ташкент, Укитувчи,1992й.
11. Давлатшин М.Г. «Психологическая наука в Узбекистане» психологический журнал. Ташкент, №7 1986 й.
12. Хайруллаев М.М. Узбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавхалар. Ташкент – 1995 й.
13. Гозиев.Э «Тафаккур психологияси» Ташкент, Укитувчи1990й.
14. Каримов И.А Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида. Т.:«Ўзбекистон» 1995.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қаролатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
16. /афаров А.З., Югай А.Х. Педагогика амалиёти. Ташкент-2002.
17. Дадаешин М.Г., Тўйчиева С.М. Умный психология, Ташкент 2002.
18. Дадаешин М.Г. Замонавий мактаб -ўқитувчиси психологияси. -Ташкент 1998.
19. Хербаков А.И. Ёш психологияси ва педагогика психологиядан практикум. Ташкент, 1991.
20. Психология. қисқача изоғли луғат .Ташкент, 1998.
21. /озиев Э./ Психология. Ташкент, 1994.
22. Крутецкий В.А. Психология обучения и воспитания школьников.М.1976
23. Казаков В. Г. Психология. М.1989.
24. Ёш ва педагогик психологиядан практикум. Т.1991.
25. М.Г. Дадаешин, Ш.Дўстмухамедова, М.Мавланов, С.Тўйчиева. «Ёш ва педагогик психология» ўқув методик қўлланма Ташкент 2004 йил
26. Умный психология.П.И.,Иванов.
27. Психология В.Каримова.Ташкент.2002й.
28. Психологиядан маълумотлар матни. Ташкент.1999й

29. Умумий психология М.В.Вохидов. Тошкент 1992 йил.
30. Умумий психология А.В.Петровский. Москва 1976г
31. Болалар психологияси очерклари П.И.Левентуев. А.А,Аскархужаев.
32. В.З.Чудновский. М.В.Вохидов. 1964й. Психологиядан маърузалар матни тошкент.1999й.